

66
ш-69

Д. ШАЙЗАКОВА

ШАХСГА ЙУНАЛТИРИЛГАН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ
УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛЛАНИБ, КИМЁ
ФАНЛАРИНИ УЎҚИТИШ МАЗМУНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Д. ШАЙЗАКОВА

ШАХСГА ЙўНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ,
КИМЁ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МАЗМУНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(Қасб-хунар коллежлари мисолида)

(Монография)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 37.037.1:373.3 (072)
КБК 66.3 (5Ў)
Ш-69

Ш-69

Д.Шайзакова. Шахста йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб, кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш. (Касб-хунар коллежлари мисолида) // Монография. –Т.: «Fan va technology», 2018, 232 бет.

ISBN 978-9943-11-745-7

Ушбу монографияда шахсни шакллантирувчи омиллар, уларнинг мазмун ва моҳияти (шахста йўналтирилган ёндашув ҳамда таълим, ўқитиш, технологиялар); кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахста йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар, коллежларда кимё фанларини ўқитиш мазмунини ўрганиш методикасининг ўзига хос жиҳатлари, ўқитишда шахста йўналтирилган ёндашув муаммолари, технологияларни амалга ошириш бўйича таълим турлари, замонавий усуллар; замонавий дарсларни ташкил этиш, дарснинг шахста йўналтирилганлигининг психологик-педагогик хarakterистикалари, ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ривож-лантириш, улардан кимё фанларида фойдаланиш юзасидан намунавий дарс ишланмалари; кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш самарадорли-гини аниқлаш бўйича таъриба-синов ишларини ташхис ва таҳлил этиш, дарснинг педагогик таҳлили ва назорати, педагогик таъриба-синов натижа-ларининг таҳлили, таъриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, шахста йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб, кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ҳақида сўз юритилган.

Мазкур монография узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган педагоглар, илмий тадқиқотчилар фойдаланиши учун мўлжалланган.

Таърифчилар:

К.Ғийсов – “Математика, физика ва кимё” кафедраси доценти;
М.Тожиёв – п.ф.д., проф.;
А.Мавлянов – ф.м.ф.н., доц.

Монография Тошкент давлат аграр университети илмий Кенгашининг 2017 йил 27 декабрдаги қарорига асосан нашр этилди.

ISBN 978-9943-11-745-7

© «Fan va technology» нашриёти, 2018.

КИРИШ

Дрессергация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Таълим жараёнида янги ўқитиш технологиялари ва замонавий фаол усулларини қўллаш орқали ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, янги билимларни мустақил эгаллаш қобилиятини ривожлантиришга эришиш мумкин. Чунки, бугунги кунда фақат мустиқил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина ўз муаммоларини ўзи мустақил ҳал қила олади ва ҳаётда ўз қарорида эга бўлади. Бундай қобилият эса таълим муассасаларида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таълимнинг демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланиши. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам қатта бойлиқдир” [1].

Ҳазирги пайтда республикада кимё-хунар коллежларида янги мутахассислар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оши-риш борасида кўпроқ педагогик изланишлар олиб борилмоқда. Ўқувчиларнинг аксариятида педагог олимлар, амалиётчи ва тадқиқотчи-ларнинг диққат-эътибори ўқитиш мақсади ва унинг натижаларига эришишга, таълимни технологиялаштириш орқали сифатли ўқи-тишни ташкил этишга, шунингдек, фанларни ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга йўналтирилган ўқитиш технологиялари ва замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этишга қаратилган.

“Таълим тўғрисида”ги [2] қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” [3]ни ҳаётга таъбиқ этиш борасида амалга оши-рилётган ишлар ўз навбатида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида, жумладан, касб-хунар коллежларида ўқувчилар-нинг қисбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш учун ўқитиш технологиялари ва усулларидан фойдаланиб ўқув-тарбия жараёнини самарадорлиги ва сифатини ошириш талабларини қўймоқда.

Бугунги кунда республикамызда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар замонавий ўқитиш асосини қайта англаш ҳамда унинг мавжудлигининг янги мазмунини излаш зарурлигини кўрсатмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси” да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозорининг талабларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим сифатини баҳоланишнинг халқаро стандартларини жорий этиш, бу соҳада илм-фан ютуқларини амалиётга таъбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислох қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 18 майда “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида”ги № Ф- 4941-сонли Фармойишига кўра, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича белгиланган вазифалар ичида [4]:

— Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўқувчиларнинг маънавий дунё-харашни шаклланишини танқидий ўрганиб чиқиш, ўқувчиларнинг билим олиш, касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқишларининг сусайиб бориши, давоматнинг пасайиши каби ҳолатларнинг таҳлил қилган ҳолда педагогик жараёнга янги усулларни жорий қилиш;

– Ҷамоатдаги таълим муассисалари ва ишлаб чиқариш таълими усталининг касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратини ошириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, ҳоржий тилларни ўзлаштиришни қундалик вазифасига айлантирадиган янги механизмни яратиш вазифаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда, янги таълим концепцияларини педагогик излаш ва ишлаб чиқишга қизиқиш кескин ошди.

Қўпроқ амалиётчи-ўқитувчилар шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш, шахсга йўналтирилган технологияларга экспериментал-тажриба сифатида мурожаат қилишмоқда. Лекин мазкур педагогик тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини чуқур англамаган ҳолда ҳаракат қилишмоқда.

Шиксто Чулалтирилган Ўқитиш терминининг ўзи замонавий дунёнинг сўз бойлигига пухта кириб келди. Маълум даражада у педагогик модела айланди, кўпинча педагогикага кириб келган инновациал ёндашув, табақалаштирилган ўқитиш тушунчалар онда асоси шиктилди [5].

Аmmo бу цуулдан далолат берадики, ўқитувчи ва педагог кадрлар, ўзлари томонидан яхши ўзлаштирилган ўқитишни индивидуализириш усуллари, амалиётда шахсни ривожлантиришнинг усул ва методлари, хар бир ўқувчининг индивидуалиги ва потенциалини ҳамда унинг билиш жараёнларини ҳисобга олишдан амалга ошириш натижишмоқда.

Тяглим жарабни шахста йўналтирилган характерга эга бўлиши ҳамда билиш фаолияти самарали бўлиши учун қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим:

педагогик жараёнинг бош мақсади сифатида ўқувчи
шаклини шакллантириши ва тақрирланмаслигини ривожлантириши;
шаклнинг шаклланиши;

Ушбу мақола ўқувчиларнинг субъект тажрибасини аниқ
таъриф олиш усулларини, билиш стратегияларини аниқлаб, ёритиб
берилган.

Угучиларнинг билиш фаолиятини шакллантиришда
"Эркин" эркин таллишга имкон бериш;

— Укумчиларнинг билиш фаолиятини самарали шаклландиришнинг таъминлаш учун шахсга йўналтирилган дарснинг аниқ мазмунини белгилашдан фойдаланиш.

Муавинларнинг мустақиллик, эркинлик, ташаббускорлик, ҳамкорлик каби компетентлигини ривожлантиришда шахсни шакллантириш омилларига, турли муаммоларга қарамадан, ўз долзарблигини саклаш билан ҳар доим етарли даражада аҳамият берилиб келинган. Ўзгунги меҳнат бозорида ташаббускор ва мустақил касбий маҳоратли мутахассислар энг керакли ва рақобатбардор ҳисобланади. Бу ўз навбатида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда шахсга мувофиқлаштирилган ёндашув, уларни объект сифатида эмас, балки ўқув фаолиятининг индивидуал таълим траекториясини яратувчи субъект сифатида қабул қилади. Мазкур таълим траекторияси, ўқувчининг шахсий қобилияти, эҳтиёжлари ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда яратилади.

Ўтказилган дастлабки ўрганишлар шуни кўрсатдики, бугунги кунда касб-хунар коллежларида кимё фани одатдагидек анъанавий таълим технологиялари асосида ўқитилиб келинмоқда. Бугунги кунда мазкур коллежлар ўқувчиларига кимё фанидан таълим беришда илгор, янги технология ва замонавий усулларни излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин уларда кимё фанини ўқитиш, унинг мазмунини такомиллаштиришда қатор камчиликлар, жумладан, ўқувчиларда замонавий билим, кўникма ва малакаларнинг етарли эмаслиги, дарслар илгор таълим технология ва усуллари асосида ташкил этилмаётганлиги, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бугунги кун талаблари асосида тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, ўқувчиларнинг билиш фаолияти билим ва кўникмаларни репродуктив даражада ўзлаштиришга қаратилганлиги, мустақил фикрлашга йўналтирилмаётганлиги каби муаммоларни бартараф этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги давр талаби эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда касб-хунар коллежларида кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда.

Демак, тадқиқот муаммосининг долзарблигига асос бўлувчи қуйидаги жиҳатлар мавжуд: касб-хунар коллежларида кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотнинг бугунги кун талаблари асосида олиб борилмаганлиги; мазкур муаммони тадқиқ этиш заруратининг мавжудлиги.

Кимё фанини ўқитишнинг таҳлили, бу жараёнда яна қуйидаги муаммолар борлигини ҳам кўрсатди: узлуксиз таълим тизими турлари ўртасида узвийликнинг йўқлиги; кимё ўқитувчисининг фаоллиги дарс жараёни мазмунидан орқада қолаётганлиги; ўқувчиларда мустақил фикрлашнинг етишмаслиги; уларнинг билим, кўникма ва малакаларни етгаллаш даражаси пастлиги; кимё ўқитувчисининг дарс жараёнида замонавий таълим технологиялардан фойдаланиш учун зарур бўлган методик билим, кўникма ва малакаларни етгаллашларига эътиборнинг сустлиги ва бошқалар.

Кимё фанидан дарс жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ҳамда ўқитувчи ва ўқитувчиларнинг юқорида қайд этилган камчиликларини бартараф этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш ва демократлаштириш;
дарс жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ҳам-корликда ташкил этиш ва бошқариш;

ўқитишда замонавий таълим жумладан, шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллардан уйғун равишда фойдаланиш орқали дарс самарадорлигини ошириш;

мустақил ишлаш асосида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашнинг шакллантириш;

уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда дарс жараёнини индивидуаллаштирилган ва табақалаштирилган бўлишнинг илмий-усулбий асосларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарур.

Юқоридаги таҳлиллар, ҳозирги даврда касб-хунар коллежларида кимё фанидан ўқун машғулотларини давр талаблари асосида ташкил этиш ва ўқитиш асосий вазифалардан эканлигини ҳамда бунда кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади ва танланган мавзунинг долзарблигини аниқлайди.

Ушбу тадқиқот ишида узлуксиз таълим тизимининг мақсад ва мазмунлари, касбий йўналтирилганликни назарда тутган ҳолда касб-хунар коллежларида кимё фанини ўқитиш мазмунини янгилаш, ўқитишнинг самарали технология ва усулларидан методик тизим сифатида фойдаланиш, ўқувчилар ўқув-билув фаолиятини мақсадга мувофиқ, педагогик ва ахборот технологиялари талаблари асосида ташкил этиш ҳамда бошқариш орқали шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш ғояси назарда тутилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотнинг асосий муаммоси кимё фанларини ўқитиш жараёнида касб-хунар коллежлари олдидagi буюртмаларни амалга ошириш, таълим тизимини ислох қилишнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари, талабларини ҳисобга олган ҳолда кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш йўллари аниқлаш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланишнинг методик асослари, мазмунини, усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда

қўллаш орқали замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашга эришиш саналади.

Касб-хунар коллежларда кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш билан бир қаторда, ўз ечимини қутаётган муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни ҳал этиш кимё фани олдига қўйилаётган муҳим вазифалардан бири. Шу мақсадда кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш муаммоси қай даражада ечилганлигини таҳлил этиб, бу соҳада муайян хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик.

Миллий педагогикада шахсий ёндашувни ўрганиш XIX–XX асрларга тўғри келади. Д.А.Белухин [22, 23], Е.Н.Ильин [60], Ш.А.Амонашвили [9] ва бошқа олимларнинг педагогик адабиётлари. Бу йўналишнинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар орасида Л.С.Выготскийнинг [42] психологик тадқиқотлари ва бошқа хориж педагоглари ҳамда ижтимоий йўналишдаги психологлар К.Роджерс [103], А.Маслоу [85], С.М.Гульянц [45] ларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Д.А.Белухин [24], Е.В.Бондаревская [33], М.Боуэн [36], И.Л.Масандилова [86] педагогик адабиётларда кўрсатилишича, таълимга шахсга йўналтирилган ёндашувнинг белгиланиши, инсоннинг шаклланишига, унинг индивидуал ривожланишига, ижодкорлиги бошланишига ёрдам бериш ҳисобланади.

Шахсга йўналтирилган таълим терминини тўлиқ очиб бериш Е.В.Бондаревский [29, 30], Н.А.Алексеев [13], В.В.Сатир [112], В.В.Сериков [27] ларнинг ишларида ёритилган. Уларнинг тадқиқотларида, бу тушунчанинг моҳияти аниқланган, таълим типининг ўзига хослиги ажратиб кўрсатилган, унинг асосий принциплари, функциялари асослаб берилган, мактаб амалиётига жорий этиш йўллари кўрсатилган.

Шахсга йўналтирилган таълим, унинг назарияси ва амалиёти, уни ташкил этиш масалалари, талабаларнинг шахсий функцияларини ривожлантириш, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, гуманистик асослари, педагогик технологиялар, концепцияси, шахсга йўналтирилган дарс технологиялари хориж ва республикада олимлари Н.А.Алексеев [14, 15], Э.Ф.Зеев [57, 58], Е.В.Бондаревская [31, 32, 33, 34], И.С.Якиманская [146, 147], Ш.А.Амонашвили [10, 11], М.С. Завьялова [53, 54, 55, 56], Г.М.Анохина [17], И.В.Костерина [64], А.В.Хуторской [133, 134, 135], А.А.Плигин [99], Е.Б.Куркин [65], М.Е.Кузнецов [66],

В.В.Сериков [111, 114], О.Н.Шевлюкова [139, 140], В.В.Шоган [148], Г.И.Шорин [51], Г.С.Жукова [52], Т.Ф.Гурова [46], О.В.Троицкая [127], О.Г.Мишанова [88], Т.С.Горбунова [47], В.В.Гуреев [48], О.А.Колпакова [67], К.Т.Олимов [96], В.Н.Бондаревский [74] кабилар ишларида ёритилган.

Замонавий ўқитиш технологиялари, педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар, педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси, интерфасол усулларида фойдаланиб, ўтиладиган машғулотларда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш, ўқув машғулотларини лойиҳалаш, ўқув машғулотларини замонавий таълим этиш ва ўқитиш технологиялари, муаммолар технологиялар, касб-хунар коллежларида янги педагогик технологиялар асосида таълим самарадорлигини ошириш, кимё ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалалари Н.Н.Азизов [6], Н.С.Синдхмедов [106, 107], В.В.Сафин [109], Р.С.Бондаревская [61], И.Х.Авлиёкулов [7], Х.Т.Олимов [97], А.А.Алиев [79, 80, 81, 82], В.П.Беспалько [37], Г.К.Селевко [110], Г.П.Чурунко [138], М.К.Диметова [50], Vendkefer [39], В.В.Сатир [40], Г.А.Пичугина [100], Н.О. Минькова [89, 90], Н.А.Авдотел [18], Ж.С.Карпович [62], Т.Н.Курдюмова [69, 70], В.Н.Михайлова [91], Е.В.Нечитайлова [93], З.Х.Мадрахимова [84] лар ишларида ёритилган.

Миллий тадқиқот ишларини ўрганиш ва уларнинг таҳлили касб-хунар коллежлари ўқув режасига кирган кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ва замонавий усуллардан фойдаланиш талаб даражасида таълимни шунингдек, уларда қўлланилиши мумкин бўлган муаммоларни лойиҳалаш, эристик ўқитиш технологияларидан фойдаланиш орқали касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билиш фаоллигини ошириш йўллари илмий-услубий жиҳатдан асосланганлигини кўрсатди. Адабиётларни танқидий таҳлил қилиш шунинг кўрсаткичи, кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиш муаммоси деярли ишлаб чиқилмаган, бу ўз навбатида бизнинг тадқиқотимизнинг мақсадини аниқлашга имкон берди.

Таълимнинг кўзланган мақсад замонавий босқичда кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга

йўналтирилган технологиялар ва усулларини амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шартларини ишлаб чиқиш, асослаб бериш ва синовдан ўтказиш.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

– кўриб чиқиладиган таълим технологиялари ва усулларини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари асосида шахсни шакллантириш омиллари (шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш, шахсга йўналтирилган технологиялар)нинг моҳияти ва мақсадини аниқлаш;

– шахсни шакллантириш омилларини амалиётга жорий этиш муаммоларини аниқлаш мақсадида республика ва хориж адабиётларини таҳлил қилиш.

– касб-хунар коллежларида кимё фани мазмунини такомиллаштиришга қаратилган шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

– кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарснинг ўзига хос жиҳатларини ҳамда уларни ўтказиш технологиясини аниқлаш;

– ўқитувчи ва ўқувчиларга ёрдам сифатида кимё фанидан машғулот ишланмалари намуналарини ишлаб чиқиш;

– таклиф этилган технология ва усулларнинг оптималлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда синовдан ўтказиш;

– ўқувчиларда мустақиллик, эркинлик, ташаббускорлик, ҳамкорлик қабиларга оид компетентликни шакллантириш мақсадида тавсия қилинган шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларнинг самардорлигини педагогик тажриба-синов орқали текшириш.

– кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш.

Мазкур вазифаларни бажариш ишлар қуйидаги бобларда ўз аксини топган.

1 БОБ. ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР, УЛАРНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИАТИ

1.1. Шахсга йўналтирилган ёндашув

Жамият ҳаётининг демократик тенденцияларини кучайтириш сибабли, таълим тизими ўқувчи шахсининг индивидуал ривожланиш имкониятлари ва ҳолатларини, уларнинг турли қисмий босқичларида ўз-ўзини намоён этиш, ўз-ўзини амалга ошириш шартларини тадқиқ қилишга асосий эътиборни қаратади. Бу ўқитувчининг ўқувчи шахсига ҳамда ўзига эътибор билиш қиррини англашда жиддий йўналишга эътибор қаратишни ишларда тутати. Бунга мос ҳолда кейинги пайтларда методик концепция, чунончи, шахсга йўналтирилган ёндашув жорий қилинди. Мазкур ёндашувнинг бош қоидаси: ўқув фаолиятининг фан субъёкти сифатида ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилганлик ҳамда уни узлуксиз таълим жараёнига, ўз-ўзини ривожлантиришга, ўз-ўзини такомиллаштиришга ҳар томонлама тайёрлаш ҳисобланади [128].

Таълимда шахсга йўналтирилган ёндашув К.Роджерс номи билан боғлиқ. Уни ўқитишнинг муҳим аҳамияти, ўқитувчининг роли, унинг ўқувчилар билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фикллари хорижда ўқитишнинг инсонпарварлаштириш асосига қўйилган. Бундай ўқитиш натижаларига кўра, ўқувчиларда ривожланиш кузатилган, уларнинг ўз-ўзини баҳолаши яхшилланган, ю ошган, билиш қобилиятлари ривожланган, бу ўз навбатида уларнинг соғлиғи, ўзлаштириш ва давоматнинг яхшиланишига олиб келган [107].

Шахсга йўналтирилган ёндашув деганда, шундай таълим жараёни тушуниладики, бунда ўқувчи шахси, ўқитувчи шахси унинг субъектлари сифатида чиқади, таълим мақсади, ўқувчи шахсини, индивидуаллигини, тақдорланмаслигини ривожлантириш ҳисобланади, ўқитиш жараёнида ўқувчининг муҳим аҳамиятли томонлари инobatта олинади: билиш механизмлари, фикрлаш ва ҳулқий хусусиятлари, ҳамкорлик, танлаш эркинлиги ва бошқалар.

Ўқитувчи-ўқувчи муносабати ҳамкорлик ва эркин танлаш принциплари асосида қурилади.

Шахсга йўналтирилган ёндашувда:

- ўқувчиларнинг мустақил ишлари, мустақил ишга, мустақил ихтиро қилишга йўналтирилганлиги таъминланади;
- ўқитиш жараёнида қизиқишни аниқлаш, ҳисобга олиш ва афзал қўриш амалга оширилади;
- билиш жараёнида ўқувчиларнинг билиш стратегиялари билан ишлар ташкил этилади;
- турли ўзлаштирувчи ўқувчилар учун керакли бўлган дидактик материаллардан фойдаланилади;
- ўқувчиларнинг билиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳар бири учун билим ҳажми ўрнатилади;
- ўқув материалнинг мураккаблиги ўқувчи томонидан танланади ва ўқитувчи ўзгартиради;
- ҳар бир ўқувчининг қизиқиш қобилияти ва имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг фаоллиги таъминланади;
- ўқитувчи ўқувчига гуруҳли ёки мустақил ишларни танлаш учун имконият беради;
- ўқув материали мавзусини ўтиш, ўқувчининг билиш хусусиятларига мос ҳолда қилинади;
- ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги иштирокида ҳарakat қонун, қонуният ва усулларни очиш амалга оширилади;
- билиш фаолиятини баҳолаш дастлаб ўқувчилар, кейин ўқитувчи томонидан амалга оширилади;
- ўқитувчи ва ўқувчи томонидан жараёни ҳамда билиш натижаларини сифатли ва миқдорий баҳолаш усулларида биргаликда фойдаланиш ташкил этилади: усуллар, фактик натижалар, ҳажм қабиларни ҳисобга олиш;
- ўқувчиларга уй вазифаси ҳажми, мураккаблиги ва шакллари танлаш имконияти берилади;
- ўқитувчи ўқувчиларга билиш стратегиясини англаши учун ёрдам беради;
- ўқувчи дастлаб, турли кўринишдаги ижодкорликнинг муаллифи ҳисобланади, кейин эса ўзининг ютуғини таниқли дамуналар билан солиштиради [108].

Ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашувдан қўзланган асосий мақсад, ўқувчиларда шахсга йўналтирилган ёндашувни шакллантириш, ўзини ўзи амалга ошириш, адаптация қилиш, ўзини

қилиш, ўзини ўзи тарбиялашни ўрнатишдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- ўқувчининг ўз-ўзини билиш истагини ўйғотиш;
- шахсий қувватидан фойдаланиш;
- қандайдир ўз ўрнини топиш, рақобатбардош бўлиш;
- ўқитишга ижобий мотивацияни яратиш, келажак касбий қарарни топиш ва ўқувчининг ўз-ўзини аниқлашига имкон яратиш;
- ўқувчиларнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ошириш;
- ўқувчиларга фан асосларини чуқур ўрганишга ёрдам бериш;
- ўқувчиларда тадқиқотчилик фаолиятига қизиқишни ривожлантириш;
- билимларни мустақил эгаллашга, тўғри жавобларни топишга, ўз шахсий фикрига эга бўлишга ўргатиш;
- тадқиқотчилик методлари, фикрларни очиш усуллари ва таъкирланиш, мантикий ва ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш;
- илмининг кўникмалари, хулосалар чиқара олишни ривожлантириш;
- ўқувчиларда аниқ ва саводли нутқни шакллантириш.

Ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашувнинг белгиланиши таъкирланишга ёрдам бериш, унинг тақдорланмас инди-видуаллиги, маънавияти, ижодкорлиги боши ҳисобланади. Шахсга йўналтирилган ёндашув – бошқа педагогик ёндашувлар доирасида қўзланган ўқитиш вазифаларини ечишга имкон беради. Унинг имконияти бугунги замонавий педагогиканинг талабидир.

И.С.Микманскийнинг таъкидлашича: “Шахсга йўналтирилган ёндашув, бу шундай ўқитиш, бунда бурчак бошида қўзланган шахс, унинг ўзига ҳослиги, қадрияти қўйилади, ҳар бирининг субъектив таърибаси дастлаб очиб берилади, сўнгра таълим маъмуни билан мослаштирилади” [148].

И.С.Кворцовнинг таъкидлашича: ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув, инсоннинг шахси, фақат унинг интеллект ривожланиши ҳақида гамхўрлик қилмасдан, балки фуқаролик қўзланган шахснинг ҳиссини, эмоционал, эстетик, ижодий ривожланиш имкониятлари ҳақида ҳам қайғуради. Бугунги замонавий шароит-

ларда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда, ўқувчиларга индивидуал таълим дастурларини танлаш ҳамда уларнинг ўз ҳаётий режаларини амалга оширишлари учун кенг имкониятлар бериш, кейинги таълимга ўқувчиларни тайёрлашни таъминлашга имкон берувчи қатор фанларни чуқур ўқитиш ҳамда мустақил таълимга эътиборни кучайтириш лозим [124].

В.В.Давыдовнинг айтишича: инсонийлик муносабатлари асосида яратилган, амалдаги демократик жамият шароитида тўғри йўналтирилган эркин, олий маълумотли, маънавий юксак инсонни шакллантиришга интилиш лозим. Таълимнинг бундай мазмуни, ўқувчиларга рефлексияни шакллантириш асосида аниқ фаолиятни амалга оширишда ўзини ўзи такомиллаштириш қобилиятига эга бўлган ҳақиқий субъект сифатида қарашни назарда тутати [49].

Э.Ф.Зеернинг айтишича: таълим жараёнининг замонавий тенденциялари шахсга йўналтирилган ёндашувга мурожаат қилишни назарда тутати, қайсики унинг ўқув-тарбиявий тизими марказида ўқувчи шахси, табиий ривожланиши ва истеъдоди, ижтимоий, ижодий ҳамда касбий ўз-ўзини намоён этишини шакллантириш туради [57].

Л.В.Трубаичукнинг таъкидлашича: мазкур ёндашув ўқувчиларни ривожланиш, ўқитиш ва тарбиялаш субъекти, ўзаро муносабат ҳамда субъект-субъект муносабати жараёнида ташқи дунёга муносабати бўйича ўз интилишларини амалга оширишни тан олишни назарда тутати [129].

Бугунги кунда педагогика фанида мазкур муаммо бўйича илмий тадқиқотларга бир қанча асосий йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўзаро муносабат муаммосига бўлган қизиқиш, қўпгина факторлар билан боғлиқ. Ўзаро муносабат натижасида, ўқувчида коммуникативлик, жавобгарлик, ҳамкорлик, мустақиллик, ташаббускорлик, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини баҳолаш ва намоён этиш шаклланади [141].

Шахсга йўналтирилган ёндашув диққат-эътибор марказида ўқувчи бўлишини талаб этади. Унинг индивидуал, физиологик, психологик, эмоционал, этномаданаят, ёш хусусиятларини ҳисобга олиш соғлиқни сақлаш фаолиятини ташкил этишда жуда муҳимдир. Таълимга шахсга йўналтирилган ёндашув асосида яратилган тизим ва технологиялар, ўқувчига бўлган муносабатни сифат томонга ўзгартиради, мустақил билим олишга ундайди.

ларининг бирчаси ўқув машғулоти моҳиятини қайта кўриб чиқиш талаб этади.

Ўқимли ёндашув, таълим жараёнида ўқувчиларнинг соғлиқни қонуниятлари ва функцияларини, умумтизимли хусусиятларини шиклашга ёрдам беради, улардаги ички қарама-қаршиликларни очиб ташлайди. Шахсга йўналтирилган ёндашув, ўқувчининг шхс сифатида таълим жараёнида шаклланишига ва соғлиқланишида уларнинг индивидуаллигини таъминлайди.

Шахснинг ривожланишида, эркин фикрлашни эгаллаш, оқил тажрибанинг етарли даражада тўлланиши муносабатнинг янада муҳимдир. Буларнинг барчаси, ўқувчининг жамият-иш ўрнини аниқлашга, касбни тўғри ва самарали танлашга имкон беради. Шунинг учун, ўқувчининг индивидуаллиги, унинг инти-иш қобилияти, субъектив тажрибаси долзарб ҳисобланади. Ўқув жараёнида ўқувчиларни ривожлантиришда ҳисобга олиш имкон беради.

Шахсга йўналтирилган ёндашув шароитида ҳар бир ўқувчи учун унинг ҳодиса сифатида гавдаланади. Ўқитувчи ҳар ўқувчининг ўз потенциаллини амалга оширишга, ўзининг ўқув жараёнида яришишга ҳамда шахсий фикрларини ривож-лантиришга ёрдам беради.

Ўқувчининг дунёни мустақил англаш эҳтиёжи, муносабат, қилиш, ўқини намоён қилишини инобатга олиб, тузилган таълим жараёни ўқитишга, шахсга йўналтирилган ёндашувни талаб этади. Бу ёндашув таълим олувчига ўзини шахс деб ҳисоблашга, ўз имкониятларини аниқлаш ва очишга, ўз-ўзини таълим қилиш шахсий аҳамиятли мотивларини амалга оширишга ёрдам беради [115].

Агар биз қандайдир бир ўқитиш технологиялари ва тартиблардан фойдаланишни истасак, бунда фақат ўқувчининг таълимнинг билимсан, балки психик имкониятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу уларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш жа-ранда ўқувчилар билан ўз муносабатларини самарали яратишга имкон беради.

Шахсга йўналтирилган ёндашув, мотивацияни назарда тутиш, яъни билиш фаолиятида ўқувчининг шахсий фикрини ҳисобга олиш. Шахсий фикр, аниқ фаолият жараёнида амалдан ўтказишнинг учун, ўқувчининг фаолияти талаб этилган ҳолда ташкил этилиши лозим. Ўз шахсни ўстиришни

шакллантириш ҳақида эмас, балки ҳар бир инсоннинг потенциални тўлиқ очиш учун шароитларни яратишдан иборатлиги ҳақида бориши керак.

Потенциал бу, шахснинг динамик хусусияти, инсонга ички ривожланишга, ўз қобилиятларини кўрсатишга имкон беради [127].

Субъектларнинг мустақил таълимга, ўзини намоён этишга, мустақиллигига бўлган ўқитиш қобилиятини ривожлантириш учун оптимал шароитларни яратиш билан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатини ташкил этишга асосланган таълимнинг алоҳида ўрни сифатида шахсга йўналтирилган ўқитишни кўриб чиқиш лозим. Бундай жараён марказида ўқувчининг шахсий касбий ривожланиши туради [117].

Шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг турли шакл ва методлари асосида амалга оширилади: кичик гуруҳларда ҳамкорлик, ролли, ишчан ўйинлар ва дискуссияни ташкил этиш, лойиҳалаш методи, ўқувчиларнинг танқидий фикрлашини шакллантириш, ўзини-ўзи баҳолаш қобилиятини ривожлантириш.

А.И.Уман [130] шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш учун дидактик компонентларнинг зарурий шартини очиб берди: мазмунни тақдим этиш шакли; ўқитувчи ва ўқувчилар дидактик ўзаро муносабатининг шакли; ўқитувчи ва ўқувчилар предметли фаолиятини амалга ошириш шароити. Шу билан бирга шахсга йўналтирилган ёндашувда ўқув жараёнининг бориши механизминини ёритиб беради.

А.В.Савицкая [108] ёзишича, яхлит ҳолда ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув, таълимнинг асосий вазифаларини ечишга имкон беради: касбий компетентли, ижтимоий фаол, шахснинг ўзини ривожлантириши учун шароитларни яратиш. Таълимнинг етакчи мотиви бўлиб, таълим муҳитида шахснинг ўзи-ўзини намоён этиши ва ривожланиши туради. Сифатли билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, таълим жараёнида ўқувчининг субъектив таърибасини киритиш, улар компетентлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Шахсга йўналтирилган ёндашув таълим муассасалари амалиётига аста-секин кириб қолмоқда. Индивидуаллаштириш принципи устунлигига асосланган янги методологик концепция, ўқувчининг мустақиллигини ва кўникмаларини ривожлантириш

шахс фанини ўқитириш жараёнида ўқувчининг устунликлари ролли муҳиммасини ечади.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг назарий-методологик асослари ижтимоий педагогика ва психология, философик ва психологик асосларидир.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосий тамойил-ларига индивидуаллаштириш; индивидуаллик; субъективлик; ижтимоийлик ва муваффақиятчилик; ишонч ва қўллаб-қувватлаш қобилиятларини яратиш [12].

Ўқувчини актуаллаштириш тамойили: интеллектуал, эмоционал, билимий ва жисмоний қобилиятларни актуаллаштириш; ижтимоийлик ва муваффақиятчилик; ишонч ва қўллаб-қувватлаш қобилиятларини яратиш [12].

Ўқувчини актуаллаштириш тамойили: интеллектуал, эмоционал, билимий ва жисмоний қобилиятларни актуаллаштириш; ижтимоийлик ва муваффақиятчилик; ишонч ва қўллаб-қувватлаш қобилиятларини яратиш [12].

Ўқувчини актуаллаштириш тамойили: интеллектуал, эмоционал, билимий ва жисмоний қобилиятларни актуаллаштириш; ижтимоийлик ва муваффақиятчилик; ишонч ва қўллаб-қувватлаш қобилиятларини яратиш [12].

Ўқувчини актуаллаштириш тамойили: интеллектуал, эмоционал, билимий ва жисмоний қобилиятларни актуаллаштириш; ижтимоийлик ва муваффақиятчилик; ишонч ва қўллаб-қувватлаш қобилиятларини яратиш [12].

Ўқувчини актуаллаштириш тамойили: интеллектуал, эмоционал, билимий ва жисмоний қобилиятларни актуаллаштириш; ижтимоийлик ва муваффақиятчилик; ишонч ва қўллаб-қувватлаш қобилиятларини яратиш [12].

Ўқувчини актуаллаштириш тамойили: интеллектуал, эмоционал, билимий ва жисмоний қобилиятларни актуаллаштириш; ижтимоийлик ва муваффақиятчилик; ишонч ва қўллаб-қувватлаш қобилиятларини яратиш [12].

Ўқувчини актуаллаштириш тамойили: интеллектуал, эмоционал, билимий ва жисмоний қобилиятларни актуаллаштириш; ижтимоийлик ва муваффақиятчилик; ишонч ва қўллаб-қувватлаш қобилиятларини яратиш [12].

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Орта Махсус Таълим Вазирлиги
Тошкент вилояти бўлими
Давлат педагогика институти
Аxborot Resurs Markazi

Ишонч ва қўллаб-қувватлаш тамойили: бу ўқув-тарбиявий жараёни авторитар бошқаришдан воз кечади. Ҳеч бир илгор технология, ҳеч қандай инновацион ва интерфаол метод, шакл ва усуллар ўқув жараёни ва унинг принципларига фақат идеологик ёндашувга ишламайди. Шунинг учун, бугунги кунда ўқув-таълим фаолиятини ўқитиш ва тарбиялашнинг инсонпарварлаштирилган шахсга йўналтирилган технологиялари билан бойитиш жуда муҳимдир. Ташқи таъсир эмас, балки ички туйғу бугунги кунда бу фанларни ўқитиш амалиётида энг долзарб ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз шахсга йўналтирилган ёндашувнинг учинчи компонентига ўтамиз, педагогик фаолиятнинг ўхшаш усулларини мазкур йўналишда ўз ичига олувчи, унинг технологик таркибига, мазкур ёндашувнинг технологик хазинаси, бу диалог, ижодий-фаолиятли хусусият, ўқувчиларнинг индивидуал ривожланишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлик, ўқувчиларга мустақил ечимлар, ижодкорлик, таълим ва тарбия усуллари ҳамда мазмунини танлаши учун эркинлик, таълим ва тарбия макон беришдир. Бунга ҳаққоний равишда ўйинли, диалогли, гуруҳли, кооператив, интерфаол, коммуникатив технологиялар, методлар ва усуллар қиради. Улар бугунги кунда қимё фанини ўқитиш жараёнида асосий ва энг муваффақиятли ҳисобланади [117].

Ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув, ҳар бир ўқувчининг субъект тажрибасиз бўлиши мумкин эмас, яъни унинг ўқув фаолиятидаги қобилияти ва кўникмаларисиз. Бирок ўқувчини ҳар бирининг тажрибаси ўзига яраша индивидуал ҳамда турли ўзига хос хусусиятга эга. Шахсга йўналтирилган дарсга тайёрланиш ва ўтказиш вақтида ўқувчиларнинг субъект тажрибаси хусусиятини инобатга олиш керак, бу ҳар бири билан индивидуал ишлашнинг самарали усул, восита, метод ва шакллари танлашга ёрдам беради. Бундай дарсда ишлатилувчи дидактик материалнинг мақсади ўқув дастурини ишлаб бериш, ўқувчиларни муҳим бўлган билим, кўникма ва малакаларга ўқитишдан иборат. Дидактик материалларнинг турига ўқув-текстлари, топширик-карточкалари, дидактик тестлар қиради.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари. Марказда ўқувчи, унинг мақсади, мотиви, қизиқиши, интилиши, ўқитилганлик даражаси, қобилияти ётади. Таълим

жараёни ўқувчининг билиш кучи, ижодий қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг асосий хусусиятлари: ўқитувчи турли тип, тур, шаклдаги дидактик материални, ундан дарсда фойдаланиш жойи ва вақтини конструкциялайди; ўқувчиларнинг ўз-ўзини юзага чиқариш имкониятини ўйлайди; ўқувчиларга саволлар беришга имконият беради; ўқувчилар томонидан билдирилган ғоя ва гипотезаларни рағбатлантиради; ўқувчининг билимни ўзлаштиришга бўлган фаол ҳаракатини стимуллаштиради; ҳар бир ўқувчининг ютуққа эришишига шароит яратишга интилади; ахборотларни мустақил излашга йўллайди; ўқувчининг субъект тажрибасидан фойдаланади; пайдо бўлган қийинчиликларнинг олдини олишга интилади ва бошқалир.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг анъанавийдан фарқи шундiki, анъанавий ёндашувда ўқитиш жараёнида билимни ўқитувчи беради (сухбат, маъруза, китоб ва дафтар билан ишлаш, даскада ишлаш). Шахсга йўналтирилган ёндашувда, мустақил билиш фаолияти, билимни ўқувчи ўзи топади, фаолиятнинг бош шакллари: лойихалаш, ахборот технологиялар, ишнинг фаол шакллари, лаборатория ва амалий ишлар ҳисобланади. Ҳар иккала томоннинг ўзаро муносабат, ҳамкорлик, ўзаро ёрдамга йўналтирилганлиги дарсда таълим жараёнининг қуйидаги хусусиятлари билан ифодаланади [136]:

Ўқув фаолиятининг диалог шакли ва диалогга муносабатининг фикр алмашиш сифатида устунлиги;

Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш;

муносабатда хайрихоҳлик, ўзаро ҳурмат;

ҳам ўқитувчи ҳам ўқувчиларнинг очиклиги;

Ўз фикрини биргаликда эркин билдиришлик;

турли фаолият турларида ўқувчиларнинг биргаликдаги муносабатлиги;

Ўқувчининг шахсий фаолигини таъминлашда ўқитувчи функциясининг устунлиги;

илгичаларга биргаликда қизиқиш.

Бўларнинг барчасини ўқитишга шахсга йўналтирилган ёндашувда инобатга олиш лозим. Фан ўқитувчисининг вазифаси шундан иборатки, ўқувчиларни ақлли ва ақлсизларга бўлиш

эмас, балки бун инобатга олиб, хар бир ўқувчига шахсга йўналтирилган ёндашувдан фойдаланиб, хар бир ўқувчига худди ноёб индивидуал каби муносабатда бўлиш керак. Бунда энг асосийси билим ва тушунчаларни эслаш эмас, балки фунда-ментал тушунча, принциплар ва қонунларни (масалан, энергия, энергиянинг сақланиш қонуни) ўзлаштириш лозим. Ўқувчининг интеллектуал қўникмасини ошириш керак, ўқувчи мантикий фикрлаш операцияларини ўтказишни, турли вазифаларни ечишни, олинган билимларни қўллашни билиши лозим.

Шахсга йўналтирилган ёндашувни кимё фанларини ўқитишда қўллаш билан, ўқувчиларнинг билиш жараёнини ривожлантиришнинг максимал натижаларига эришишга, кимё дарсига мукаммал қизиқишни шакллантиришга ҳаракат қилиш лозим. Дарсда мақбул эмоционал иқлим ижобий натижа беради. Бунга қуйидагилар ёрдамида эришиш мумкин:

- ўқувчиларнинг субъект таърибасини очиб беришга имкон берувчи ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли шакл ва методларидан фойдаланиш;
- синф ишида хар бир ўқувчининг қизиқувчанлик атмо-ферасини яратиш;
- ўқувчига жуда муҳим бўлган ўқув мазмуни тури ва шаклини танлашга имкон берувчи дидактик материалдан дарс давомида фойдаланиш;
- ўқувчи фаолиятини фақат яқуний натижа бўйича баҳо-ламасдан, балки эришган ютуғи жараёни бўйича ҳам баҳолаш;
- хар бир ўқувчига ташаббускорлик, мустақиллик, иш усулларини танлаш қобилиятини кўрсатишга имкон берувчи педагогик мулоқот вазиятини дарсда яратиш;
- ўқувчининг табиий ўз фикрини билдириши учун шароит яратиш.

Шундай қилиб, кимёни ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш, ўқувчи шахсининг потенциал имко-ниятларини очишга, кимё дарсида ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолашда қуйидагиларга имкон беради: ўз ўқув фаолиятини англаган ҳолда режалаштириш; ўқитувчи ва ўқувчининг фаолият мақсадини тушуниш; қўйилган мақсад ва вазифаларни кетма-кет ҳамда босқичма-босқич бажариш; уларни кейинчалик корректи-ровка қилиш; мақсадга эришишдаги шахсий ютуқ ва қийинчи-ликларни таҳлил қилиш.

инининг шаклида шахсий ёндашув, дидактика предмети мазмуни ва мақсад категориялари, ўқитиш методларини ва унинг таркибига кирувчи аниқ технологиялар, ўқитиш фаолиятини, таълим жараёни самарадорлиги мезонлари ёрдамида қўриб чиқилади.

1.2. Шахсга йўналтирилган таълим

Шахсга йўналтирилган таълим деганда, биз кўпроқ ўқув-чиларнинг шахсий манфаатлари, эҳтиёжларини назарда тутамиз. Бунда таълимнинг мазмуни ўқувчи шахсининг қизиқишларига мос бўлишида йўналтирилиши, унинг қизиқишлари ва лаёқатини қўллаб-қувватлаш бош мақсад қилиб олинади. Ўқувчининг ўз-ўзини билиши, шахсининг ўзига ҳослиги, унинг ривожланиш даражаси, қўлуқининг озу-мақсадларига эришиш учун қилаётган ҳатти-ҳаракатлари замирида пухта билим олиш, таълимнинг кейинги босқичини тайёрлаш мумкин.

Бунинг кунда россиялик олим (В.В.Давыдов, В.П.Зинченко, А.В.Петровский ва б.к.) [123]лар шахсга йўналтирилган таълим моделини поватор ва ватан психологияси асосида ишлаб чиқишди. Концепциянинг асосий ғояси – ўқувчининг ривожланиши ва тарбиясига акцент, таълимнинг табақалаштирилган мазмуни, ўқитишнинг адекват метод, восита ва шаклнинг тизими.

III.1.Хусаинов [137] шахсга йўналтирилган таълимнинг педагогик модели жавоб бериши лозим бўлган бир қатор талаб-ларни илгари суради: ўқувчининг шахсий сифатини шакллан-тиришнинг аниқ бўлиши; диагностика сифатини объектив аниқлаш методикасига эга бўлиш; диагностика кўрсаткични микдорий ўлчаш имкониятини инобатга олиш; ўлчаш натижаларига таянган ҳолда сифатни баҳолашга раҳбарлик қилиш.

М.И. Лужьянов [76] шахсга йўналтирилган таълим мақсади, индивиднинг қуйидаги функцияларини тўлиқ ривожлан-тириш учун шароитни яратишдан иборат дейди: танлаш қобилияти; рефлексия; турмуш тарзи; “Мен” образини шакллантириш; жавоб-гарлик функцияси; шахснинг автономлиги.

Шахсга йўналтирилган таълимда ўқувчи барча таълим жараёнида бош ҳаракатланувчи шахс ҳисобланади. Педагог эса фақат ахборот манбаи ва назоратчи бўлмасдан, балки ўқувчи шахсининг ривожланишида ташхис қўйувчи ва ёрдамчи бўлади.

Бундай ўқув жараёнини ташкил этиш мавжуд раҳбарлик “бундай ўқув жараёнини ташкил этиш мавжуд раҳбарлик” ифодасини назарда тутди.

Шахста йўналтирилган таълим, барча ўқувчиларнинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини инobatга олган холда уларни ўқитишга, тарбиялашга ва ривожлантиришга йўналтиришни назарда тутлади, яъни:

- ёшига хос, физиологик, психологик, интеллектуал;
- таълимий эҳтиёжлар, ўқувчи учун тушунарли бўлган дастурли материалнинг турли мураккаблик даражасига йўналтириш;
- билимлари, қобилиятлари бўйича ўқувчиларни гуруҳлар ажратиш;
- касбий йўналтирилганлиги, қобилиятлари бўйича ўқувчиларни бир хил гуруҳларга тақсимлаш;
- ноёб индивидуаллик сифатида ҳар бир ўқувчига муносабатда бўлиш.

Шахсга йўналтирилган таълим:

- ўзига хослик, ноёблик, такрорланмаслик индивидуаллик сифатида шахннинг вужудга келишида таълимнинг асосий кадрларини тан олишга;
- ўқитишда табакалашган, турли даражадаги ёндашувни амалга оширишга имкон берадиган, таълим муассасаларининг ҳар хил кўринишидаги муқобил таълим шакллариининг мавжудлигига;
- ҳар бир ўқувчига унинг хусусиятлари, ҳаёт кадриятлари, интилишларини аниқлаш асосида, хусусий ривожланиш йўллариини танлашга имкон беради.

И.С.Якиманский таъкидлашича: таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълим — бу ўқувчи шахсини чуқур ҳурмат қилиш асосида ўқув-тарбиявий жараёни, унинг индивидуал ривожланишининг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш, унга таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли ва жавобгар иштирокчиси сифатида қараш, такрорланмас таърибаларни инобатга олиш асосида ташкил этишдир.

И.С.Якиманский ҳар бир ўқувчига худди ноёб, ўхшаслик, тақрорланмас каби муносабатда бўлишни назарда тутуши шахсий-субъект ёндашувини ишлаб чиқади. Бу ёндашувни амалга оширишда, биринчидан, иш ўқитишнинг бутун поғонасини ўраб олувчи тизимли бўлиши кўзда тутилади. Иккинчидан, ўқув режаси, ҳар бир ўқувчининг барқарорлиги

Ушундан кийинчи келажакта ўзига хос таълим мухити
созилиши услуби ҳақида гапириш мумкин эмас. Учун-
дан йўналтирилган таълимни тушунадиган, мақсадлини
инжиратиладиган махсус тайёрланган ўқитувчи керак

**Модели-педагогик модель, педагогикада ижтимоий бў-
лиш беришни хусусиятлар билан шахсни тарбиялашга**

таъмин-предметли модель, фан мазмунини хисобга олган
таъминли (билимларни ташкил этиш билан боғлиқ. Бу
таъминли индивидуал ёндашувни таъминловчи пред-
метлиришдир.

Экономик моделъ, бу билимларни ўзлаштиришда индустриални хисобга олади, асосий мақсад билиш қобилиятини шакллантириш, уларнинг даражасини баҳолашни, уларнинг ўзига хослигини аниқлашдир.

МОНГОЛЫН ШАХСГА ЙУНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИНГ ҮЗ
МОНГОЛЫН МИКСАД; ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР; АСОСИЙ ВОСИТАЛАР;
ТАЪЛИМНИНГ ТАЛАБ; ТАЪЛИМ МУХИТИНИНГ ҮЗИГА ХОС

концепциянинг таянч тушунчалари қуйидагилардир:
субъект тижрибаси; шахсий ривожланиш траекторияси;
наш қусусланти.

[illegible][illegible]

лик ва бошқалар. Таълим мақсади сифатида, яқуний натижаларга эришиш унинг мазмуний ва процессуал компонентларига бўйсунди. Бунда фан мазмунини самарали ўзлаштириш, мазмунининг янги тус олиши, яъни сифатли янги шахсий маънони эгаллаш билан ўсиб боради.

Анъанавий таълим тизимида шахс, унинг ўзига хослиги ва яхлитлигида қабул қилинмасдан, балки унинг ўзлаштириши, тўғри хулқи, ишчанлиги, мотивацияси қабилар қабул қилинади. Шахснинг яхлит педагогикасига ўтиш янги методологияни талаб этади. Анъанавий методология қайсики занжир бўйича ҳаракат қилиш сифатида тасаввур этиш мумкин бўлган мантиқий-тизим-ли лойиҳалашга асосланади: яъни таълим тизими функцияси – унинг таркиби – структураси – операция ва технологиялар. Таълим тизими функцияси деганда, қоидага кўра, унинг сиёсий ва давлат мақсадлари тушунилади. Педагоглар эса буларга “илмий шакл” бериб, яъни уларни “шахс модели”, “мақсадни оп-тимал қўйиш методикаси”, “тарбиялашнинг тахминий мазмуни” қабилар кўринишида тақдим этиши лозим [115].

Тан олиш лозимки, бу ва бошқа ишларда педагогик мақсадлар ва мазмунга оид мақтовга лойиқ тадқиқотлар йўқ. Шахсга йўналтирилган таълим, ўқув жараёнини лойихалаш учун ўзига хос асосларни излашни ҳам талаб этади. Бу ўз навбатида шахснинг эркин-ижодий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқувчи шахсидаги мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатларини тарбиялайди. Бунда ўқувчини таълим тизимига мослаштирмай, балки ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиши учун имкон берилади, унинг ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш, фаоллаштириш хусусиятлари асосида англаш, ўз амалий фаолиятида синаб кўриш, янги фикрларни билдириш, мавжуд муаммолар ечимининг самарали йўллари кидириш учун эркинлик бериш, ўқувчининг ижодий, танқидий тафаккурини ривожлантириш учун шароит яратилади. Ҳар қандай ўқувчи ўзига хос тақдорланмас табиати, характер хусусиятини фаоллаштиришга, намоён қилишга интилади.

Ўқитувчи машғулот жараёнида ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи усуллар (муаммоли-изланиш,

шароити, диниёт, эвристик суҳбат, мунозара, гуруҳларда ишлаш) ва шу билан биргаликда, шундай шарт-шароитларни яратиши лозимки, на-
тижада ўқувчи учун дастлаб нейтрал бўлган объект кутилмаганда
сўбанинг аҳисияят касб этсин. Бунинг учун ўқув материаллари
материални ўқитувчи томонидан ўқувчини кизиктирадиган, унинг
шаксий инжрибасига мос келадиган, фикрлашга ундайдиган,
инсоний ғунашган ҳолда қайта ишланади.

Шахста йўналтирилган таълим ўқув жараёнини лойиҳа-
лашнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олишни, яъни ўқувчи
шахси моделига аввалдан белгилаб қўйилган талаблардан йироқ
булишни тақозо этади. Ижтимоий ўсиш жараёнларининг шахста
булган таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнида ҳар бир
ўқувчи ўзини ёшлик даври нашидасини сезиши, балогат даврида
эрини, мустакил, ижодкор ва ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб
балишини ҳисобга олиш зарур омиллардан биридир.

Шашага йўналтирилган таълимда педагогик жараён шахсда белилган сифатларнинг шаклланишига қаратилади. Педагогик жараён бу белгиланган мақсадга эришиш ҳамда шахснинг хусусият ва сифатларини ижобий томонга ўзгартиришга қаратилган тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги аниқ бир муддат ва маълум тарбиявий тизимда махсус ташкил этилган ўзаро муносабат. Жараён ҳолат давомийлиги, инсоннинг ривожланиши, бирор бир натижага эришиши йўлидан узвий давом этаётган ҳаракатлар қамқалинади.

Шарҳнинг функцияларидан бири, бу узлуксиз изланиш, мазмунини асослаш, унинг хатти-ҳаракати ва умуман ҳаёти. Бу функцияни бажармаслик, бу унинг индивиднинг ҳаёт фаолияти, шахснинг ривожланишини етарли даражада тасаввур этмаслигидир. “Инсоннинг ҳаёт мазмуни, унинг моҳиятли кучини амалга оширишдан иборат” [43].

Шахсий ривожланиш механизми нимадан иборат?

Шахс ривожланиши, бунда индивиднинг ўз ички, кўп жиҳатдан сирли дунёсини ўзи конструкция қилиши лозим бўлади. Агар ҳуқуқий ва психик янги ўзгаришлар, субъектнинг шахсий фаоллиги предмети, махсус функцияси бўлмас экан, унинг ривожланиши тўғрисида гап бориши мумкин эмас [153].

И.С.Якиманский [153] фикри бўйича, ўқувчиларни индивидуал шахсий ривожлантиришнинг асосий шарти бўлиб қўйилганлилар ҳисобланади:

– предмет мазмунини, ўқув жараёнида ундан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш. Бунинг учун дастур доирасидида ўқувчи ўқув материални бериш тури ва шаклини ўзгартирувчи дидактик материалга эга бўлиши керак, ўқувчи эса, вазибаларни танлаш эркинлигига эга бўлиши лозим;

– ўқитишга ўқувчининг муносабатини аниқлаш, ўқув материални қайта ишлаш учун ўқувчи томонидан турли усуллардан фойдаланганликни таҳлил қилиш;

– ҳар бир ўқувчининг ўқув имкониятларига ўқувчинининг йўналтирилганлиги, ижобий ўқув натижаларига муваффақиятли эришишда ўқувчини шахсий ривожлантириш индивидуал характерининг, индивидуал ўқитиш дастури тузилганлиги;

– ўз-ўзини намоён этиш, ҳар бир ўқувчининг мустақиллигини очиб бериш, хато қилган ҳолда топшириқларни бажаришда турли усуллардан фойдаланишга ўқувчиларни стимуллаштириш, фаол муносабат шаклини (фақат монолог эмас, балки диалог, полилог) қўллаш учун шароитни яратишга йўналтирилган дарсни барпо этиш.

Индивидуалнинг ўз хиссий доираси ишлари усуллари қуйидагилар: оғзаки ҳисобот, ички ўз фикрини билдириш, шахсий фикрини шакллантириш, шахсий ҳаракатларини онгли бажариш, жавобгарлик ечимини қабул қилиш, ўз позициясини билдириш ва бошқалар. Бу энг муҳим янги юзага келган шахсий механизм аспекти, ички диалогдир.

Шахсни ривожлантириш назариялари, танлаш қобилияти, анъанавийлик, фикрни аниқлаш, “Мен” образини яратиш, жавобгарликни қабул қилиш, танлаб олинган фаолият доирасида ўзини ижодий намоён этиш, субъектнинг индивидуаллиги ва автономлигини таъминлашдир [130].

Бу функцияларни ривожлантириш фақат шундай шароитда мумкинки, бунинг индивидуалнинг ҳаётий фаолияти вазияти талаб қилиши керак. Шахс ривожланиши фазосини конструкциялаш билан педагог бу фазода ўзининг ўрни ва юриш-туришини ҳам аниқлайди. У ўқувчилар билан ўзаро муносабатда бўлади. Бу фазода уларнинг ўзаро муносабати белгили-маъноли шаклни олади.

Жонзотнинг шахсий ривожланишида ўзига хос манбаси бўлиб, бу нарса ҳаётий фаолиятининг турли доираларида яққол

Маларин [63] таъкидлашича, шахсий таърибага эга бўлиш билан доирасини излашда, агар бу шахсий таърибнинг билимни излашга айлansa;

Маларин диалог фаолият жараёнида, агар бу шахсий таъриб ишлаб чиқиш ва апробация қилишга олиб

қарайсан муносабатнинг муҳим аспектларида ва қайтариш, шахсий мазмунни излашда шахсий таърибни келиб чиқишида.

Маларин [44] ўқувчиларни ўрганиш ҳамда уларни таълим (психикаси, мотивацияси, шахсий белигилари, таълим, шахсий потенциал)нинг индивидуал хусусиятларини текширмасдан шахсга йўналтирилган таълим таълим қилиш сўз боради.

Маларин методик кўрсатмаларни, дастурларни амалга оширишни кўрсатиб беради. Ўқувчиларнинг ўқув-тарбияларини шакллантириш мақсадида дарс конспекти.

Маларин [133] шахсий ривожлантирувчи таълим нуктаи назари функционал саводхонлигини ўстириш, педагогнинг 1 та таянчига суяниши лозим: ривожланиш шакли, персонафикация, мотивация.

Маларин имонавий жамиятда глобализациялашга келган шахснинг ҳақиқий ўз-ўзини аниқлаш ва намоён қилишдан.

Маларин С.М. Алибековлар [16] истеъдодли ўқувчиларни интеллектуал қобилияти тадқиқ этилган. Улар жисмоний ривожланиши хусусиятлари очиб қўйилган бўлиш асосида уларнинг шахсий ривожланиши ишларни ташкил этишнинг самарали методлари аниқланган.

Маларин истеъдодлини ривожлантиришга имкон берадиган шарт ва талаблар белгиланди: шахснинг ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини

Маларин ривожланишнинг диалоглиги;

– бажариладиган мураккаброқ топшириқларни мустақил танлаш имконияти ҳамда ўқитишнинг илгарилаб кетиш темпи дастурларидан фойдаланиш;

– истеъдодли ўқувчиларнинг мақсадга қаратилган ҳамда шахсий сифатларини аниқлаш ва ҳисобга олиш;

– индивидуал ривожланиш, ўз-ўзини намоён этишни педагогик қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатиш;

– ўқув материали мазмуни, вазифаларни бажариш усуллари-ни танлашда индивидуал-табақалашган ёндашувни амалга ошириш;

– муаммолни вазият ҳамда вазиятни муваффақиятли қўллашни яратиш;

– турли ўқитиш шакллари (индивидуал ва табақалашган) қўллаш;

– индивидуал ва табақалашган тест топшириқлари ҳамда ўқув фанлари бўйича илгарилаб кетувчи мураккаблаштирилган вариатив дастурдан фойдаланиш.

Индивидуал шахсни ривожлантириш мақсадида ўқув фаолиятини ташкил этишда турли топшириқлар берилади, улар:

1. Ўз-ўзини англаш имконини берувчи топшириқлар:

– ўз-ўзини баҳолаш;

– мазмун бўйича бажарилган ишнинг усулини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш;

– ўқувчини ўқув фаолият субъекти сифатида ўз-ўзини баҳолаш;

– ўқув фаолиятида ўзининг иштирокини баҳолаш;

– ўқув машғулотида ҳамда уй вазифасини билиш қобилият-ларини аниқлаш.

2. Ўз ўрнини белгилаб олишга имконият берувчи топ-шириқлар:

– турли ўқув мавзунини асосли танлаш;

– турли йўналишлардаги сифатли топшириқларни танлаш;

– ўқув балининг даражасига мос келадиган ўқув фаолиятини танлаш имконини берувчи топшириқлар;

– ўқув фаолияти усулини асосли танлаш имконини яратувчи топшириқлар;

– ўқув фаолиятини танлаш;

– ўқувчилар томонидан қайси йўналишда ривожланишини танлаш.

1. Ўқувчиларни ҳамкорликда ривожланишига қаратилган топшириқлар:

– турли технология ва шакллардан фойдаланиб, гуруҳларда иш олиб бериш;

– биргаликда бажариладиган оддий ижодий топшириқлар; гуруҳларда ўқитувчи томонидан ўқувчиларга вазифаларни

бўлиб берган ҳолда биргаликда ижодий топшириқни бажариш; ижодий ролли ўйинлар ташкил қилиш;

– биргаликда ишлашда иштирокчиларнинг ўзаро ҳамжиҳат-лигини қўзғатган топшириқлар;

– фаолиятнинг натижаси ва жараёнини биргаликда таҳлил қилиш.

– ўқув фаолиятининг индивидуал мақсади ва режасини ишлаб чиқишда бир-бирига ёрдам бериш.

4. Ўзини ўзгартириш, ривожланишга қаратилган топши-риқлар иш биргаликда ишлаш усуллари:

– ўқув фаолиятини баҳосиз бажариш бўйича топшириқлар;

– ўқувчи томонидан ўз хоҳиши билан ўзининг бажарган фаолият натижаларини таҳлил қилиш;

– бир неча масалаларни ечиб бўлгач, ўқитувчи томонидан беришнинг мезонлар асосида ҳар бир ўқувчи томонидан ўз ишини баҳолаш;

– ўқишдаги шахсий истикболларни белгилаб олишга қара-тилган топшириқлар;

– ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган мураккаб машғу-лотлар иш вазиятлар;

– турли хусусиятларни намоён бўлишини талаб этувчи, ўқувчи ўз хоҳишидан келиб чиқиб танлай оладиган топшириқлар;

– касбий қизиқишидан келиб чиқиб танлашга имкон яратув-чи топшириқлар.

Ҳар бир ўқувчининг ривожланиши ва ўз-ўзини намоён қилиши учун қуйидагиларни ўз ичига олган ўқув муҳитини ташкил қилиш лозим:

– турли мазмун, усул, шакл ва турдаги ўқув материалларини танлаш ҳамда улардан фойдаланиш;

– ўқувчига топшириқлар берганда, унга топшириқни бажариш усулларини танлаш имконини бериш;

- ўқувчиларни ижодий фаоллаштириш мақсадида, ноанъанавий шакллардан фойдаланиш;
- мустақил ижодий фаолият учун шароит яратиш;
- ўқув машғулотида кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этиш;
- индивидуал вариатив дастурлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;
- лойиҳалаш усулидан фойдаланиб ўқув жараёнини ташкил қилиш.

Ўқитувчи шундай муҳит яратиши керакки, ҳар бир ўқувчи билим олишдаги хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиб ўз-ўзини намоён қила олсин. Таълим жараёни нафақат информацион, балки ривожлантирувчи ҳам бўлиши керак. Ўқитувчининг ҳар бир ўқувчининг ҳулкини, бажараётган фаолиятини кузатиб, маълумотлар банкни тўлдириб бориши ва бу маълумотлардан шакллантирилган ўқувчининг "портрети"дан (тафаккур, фанларга қизиқиши, диққати ва бошқалар) таълим беришда фойдаланиши таълим самарадорлигини оширади.

Эҳтимол, шахсий тажрибанинг муҳим манбалари шу билан бирга, янги ролларни апробация қилиш, ҳаётий мақсадлар, лойиҳалар, ўзини намоён этиш усулларини танлаш доирасида ижодкорлик ҳам ҳисобланади.

Шахсий тажриба доираси ҳисобланган ўқув жараёни, бу хусусиятда адекватликни эгаллайди: бу жараённинг барча аспектларида ўқувчиларнинг очиклиги, мақсадлар, мазмун, шакл ва методларни танлаш, натижаларни баҳолаш, ўқув фаолиятининг самарали олиб борилиши, педагогик воситаларнинг сифатли янги хусусиятларига кўра эришиладиган: уларнинг дискуссиялиги, имитациялиги, ролли моделлаштирилиши каби-лар ҳисобланади. Бу юқорида билдирилган мулоҳазалар биз учун шахсга йўналтирилган ўқитиш муаммосини кўриб чиқиш учун хизмат қилади.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг умумий хусусиятлари қуйидагилар: эркинлик ва ўзини эркин танлаш; мустақиллик; шахсий жавобгарлик; ўз-ўзини ривожлантириш; ўз-ўзини намоён этиш; ўз-ўзини аниқлаш.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий процессуал хусусияти, ўқувчиларнинг шахсий функцияларини талаб қилувчи, актуаллаштирувчи ўқув вазияти ҳисобланади.

Таълимнинг асосий вазияти, бундай вазиятни яратишнинг асосий шартин амалга оширишни назарда тутиш;

Таълим мазмуни элементларни тақдим этиш ("тўплам мазмуни технологияси");

Таълимнинг ўзини намоён этишнинг рефлексияни, мазмун-маънотлиқ мулоқотини таъминловчи, асосий дидактик-коммуникатив муҳити сифатида, диалог шароитида мазмунни ўзлаштириш ("ўқув диалог технологияси");

Таълимнинг, карама-қарши қаршилликлар, ички тортишлар шароитида ўқувчилардан шахсий функцияни намоён этишнинг тилиб этувчи ижтимоий-ролли ва фазовий-вақтинчалик шароитида имитация (ўхшашлик), ("имитацион ўйинлар технологияси").

Учқилик "вазифа-диалог-ўйин" шахсга йўналтирилган ўқитишнинг "технологик комплексини" ўзини хос асосларини очиб берили.

Таълим мазмунининг шахсни ривожлантирувчи компонентларини тўлиқда асосий ролни шахсни ривожлантириш механизмлари тўғрисидаги тасаввур ўйнасада, у бундай мазмунини танлаш ва композициясида алоҳида бир йўналиш эмас. Бунда мазмунни тўлиқда таълим мақсади тўғрисидаги тасаввур ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шахсга йўналтирилган таълим концепцияси доирасида таълимнинг дастури ўз ичига бир қанча йўналишларни олади:

Шахсга йўналтирилган таълимнинг назарияси ва амалиётини яратишнинг методологик тартиб келтирувчилари;

Шахсга йўналтирилган ўқитиш концепциясининг тарихий асослари;

Шахсга йўналтирилган таълим тизими ва технологиясини яратишнинг халқаро тажрибаси, уларнинг педагогик-таъққосий тақлили;

Шахсга йўналтирилган таълим тизими шароитида педагогик мақсадни кўзлаш манбалари;

Шахсга ёндашув вазияти асосида таълим мазмуни ва ўқитишнинг танлаш;

- шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари;

– бошқарув ва педагогик фаолиятда таълим муассасаларида шахсий ёндашувни амалга ошириш учун педагогик кадр ва раҳбарларни тайёрлаш.

Шахс ривожланишининг ҳар хиллигини ўрта таянч кўри-нишида тасвирлаш мумкин. Биринчиси, **жавобгарлик**. Жавоб-гарлик нима учун? Ҳамма нарсга учун. Жавобгарлик қанчалик юқори бўлса, шахснинг ривожланиши шунчалик юқори бўлади. Жавобгарлик қимнинг олдида? Барчанинг, ҳамманинг олдида. Бошқалардан фарқли ўлароқ, бу маънавий характерга эга. Бу соҳа функциясига қиритиш мумкин: маънавий танлаш функцияси, ҳаётӣ фаолиятни мотивацион асослаш ва бошқалар. Кейингиси ўзини **намоён** этиши. Бунга қуйидаги функцияларни қиритиш мумкин: ижодкорлик, эркинлик, индивидуаллик, мустақиллик, турли ҳаётӣ тўсиқлар билан тортишувлик, ҳаёт фаолият дара-жасини маънавий таъминлаш ва бошқалар. Охиргиси, **шахснинг анъанавий ривожланиши**, унинг мазмуний-изланувчанлик фаолиятини, “Мен” образини ривожлантириш, мақсадли таълим-да автономликни таъминлайди.

Жавобгарлик шахснинг ички дунёсига нисбатан контекс-туалликка (туғал фикр) эга бўлиши лозим. Ўзини амалга ошириш учун ўйинлар шартини яратиш лозим. Рефлексив функция эса диалог шароитида ривожланади.

Шахсга йўналтирилган таълим концепциясига кўра, ҳар бир ўқувчи таълим жараёнида билимларни қўлаш тажрибасига, билиш ва амалӣ вазифаларни ечиш усулларига, ижодкорлик тажрибасига, ўзига хос шахсий функцияларни бажариш тажрибасига (танлаш қобилияти, рефлексия, мазмунни аниқлаш, ўзини намоён этиш, ижтимоий жавобгарлик қабилар) эга бўлиши керак.

Ҳар қандай концепциянинг самарадорлиги, унинг ама-лиётга қўлғина таълим вазифаларини яхлит ечиш қобилиятини таъминловчи таълимнинг янги ва самарали технологияларини қиритиш билан аниқланади. Агар шахс ривожланишини пред-мети фаолиятини механик қайта ишлаб чиқишни таъминлаш мумкин бўлмаса, унда шахсга йўналтирилган таълимни лойи-ҳалаш янги сифатли педагогик ғояларга олиб келади.

Бугунги кунда шахсга йўналтирилган таълим техноло-гияларининг ўрта принципиал характеристикаси аниқланган: биринчиси, контекстуаллиги, унинг моҳияти шундаки, бунда

шахсий-ривожланиш вазияти, ўрганиладиган текст, ўқувчиларнинг шахсий мазмуний доираси контекстида ётганда юзага келади; иккинчиси, диалог, қайсики ўзининг қадриятларини тушунтиришни имконини берилади.

М.М.Бахтин [21]нинг назарияси шахснинг ўзига хос қувватларини очишга олиб келади: биринчиси: “Мен- ўзим учун”. Иккинчиси: индивиднинг яхлит ички дунёсини таъмин-лаш, учинчиси: унинг жавобгарлиги.

Шахс – бу таълим мақсади. Мен ким? Мен қандай яшай-ман? Нимага ундай қилдим? Ҳаётдан нимани хоҳлайман? Мендан. Бошқа кишилардан. Ўзоққа қаерга ҳаракат қилиш керак? Нимани ўқиш керак?

Шахсга йўналтирилган таълим:

Ижтимоий, унинг моҳияти инсоннинг қадрияти, жисмоний ва ақлоқий соғлигини таъминлаш, ҳаёт мазмунини англаш, шахсий потенциалини амалга оширишда шахсий эркинлиги ва имконият-ларини тан олишдан иборат. Мазкур функцияни амалга ошириш зарурлиги бўлиб, тушуниш, мулоқот ва ҳамкорлик ҳисобланади.

Маданий-яратувчи, бу таълим воситалари ёрдамида маданиятни сақлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган. Мазкур функцияни амалга ошириш механизмлари бўлиб, инсон ва халқи ўртасиданги ўзаро алоқа, унинг қадриятини ўзиники деб қабул қилиш, уларни инobatга олиб шахсий ҳаётини яратиш қабилар ҳисобланади;

Умумлаштириш, инсоннинг жамият ҳаётига қиритиш учун шарурий ва етарли ижтимоий тажрибасини ўзлаштиришни таъминлашни назарда тутди. Мазкур функцияни амалга ошириш механизмлари бўлиб, рефлексия, индивидуалликни сақлаш, ижодкорлик, ўз ўрнини топиш воситаси ҳисобланади.

Бу функцияларни амалга ошириш буйруқбозлик, қўбундорчилик шароитида амалга ошириш мумкин эмас. Шахсга йўналтирилган таълимда ўқитувчининг бошқача вазияти назарда тутилди:

Ўқувчига ва унинг келажагига, ривожланишига оптимистик ёндашуш;

Ўқувчига шахсий ўқув фаолияти субъекти, худди шахсдай, ўч қохиш билан ўқиш, шахсий фаоллигини кўрсатишдек муносабатда бўлиш;

– ўқитишда ҳар бир ўқувчининг шахсий маъно ва қизиқишларга (билиш ва ижтимоий) таяниш, уларнинг ривожланишига ҳисса қўшиш.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг мазмунини, инсонга шахснинг шахсий тикланишига ёрдам беришга, ҳаётда шахснинг шахсий вазиятини аниқлашга ҳақиқатда: ўзи учун муҳим бўлган нарсаларни танлаш, билимларнинг аниқ бир тизимини эгаллаш, қизиқарли илмий ва ҳаётий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими усулларини ўзлаштириш, “Мен” шахсий дунё рефлексияни очиб ва уларни бошқаришга ўрганиш.

Шахсга йўналтирилган таълим мазмунини тузилиши, шахсга йўналтирилган вазиятни, ўрганиладиган фан, мавзулар, асосий материалларни ўрнини лойиҳалашдир. Шахс тажрибасини актуаллаштириш аслида ўрганиладиган курснинг фан мазмунини ўзлаштиришга ҳалақит бермасдан, шахсга йўналтирилган вазиятни кучайтириш ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштиришга, ўрганиладиган фаннинг чуқур ичига киришига имкон беради.

Бугунги кунда ўқув фани мазмунини қайта яратиб асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун давр талабларидан келиб чиқиб, кимё таълими мазмунига когнитив, операционал ва ижодий-изланувчанлик компонентлари каторида ўрганиладиган фанга шахсий-инсонпарварлик йўналиши тажрибасини, кимёвий билимлар рефлексияси, кимё ривожланиш тарихини яхлит қабул қилиш, кимё фани ижодкорларининг илмий ижодий ҳамда ахлоқий-маънавий вазиятларини киритиш-ни назарда тутиш лозим.

Тадқиқот ишида шахсга йўналтирилган таълим, ўзини намоён этиш, мустақиллик, мустақил таълимга ўқитиш субъектларининг қобилиятини ривожлантириш учун оптимал шароитлар яратилган педагог ва ўқувчи ўзаро муносабатини ташкил этишга асосланган таълим типини сифатида қўрилади. Бу тизимнинг марказида, ўқувчи шахсини ривожлантириш туради.

Шахсга йўналтирилган таълим ўз ичига иккита ўзаро боғлиқ жараённи олади: ўқитиш ва тарбиялаш. Бунда таълим жараёнида асосийси ўқитиш ҳисобланади. Шахс тарбиясини ечиш муаммоси эса, кадрларнинг психологик ҳолатига, психологик-педагогик тайёргарлигига, касбий-педагогик йўналишдаги ривожланиши билан, педагогик муносабатда диалогни амалга

ошириш. Йўналиш доирасини инсонпарварлаштириш билан бевосита боғлиқ.

Таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим ўқитувчининг малакасини такомиллаштиришда, шунингдек ўқитувчи юқори самарадорликка эришиш учун қўйидагиларни билиши мумкинлиги мувофиқдир:

ўқитувчи аввало ўзи фанини юқори даражада билиши;

ўқитувчи интерфаол методларни қўллаган ҳолда таълим бериши;

ўқитувчи ахборот тизими имкониятларидан фойдаланган ҳолда таълим бериши;

ўқитувчи халқчил тарзда ижтимоий ҳаёт билан боғлаб таълим бериши, шунингдек ўқувчиларда ҳосил бўлган билим, маънавий кўникмаларини ҳаётга табиқ эътиборини эриштириш;

ўқувчиларнинг олган билими ва тажрибаларини мактаб таълими қўллаб-қувватлаши лозим. Агар, ўқувчиларга ҳомашёни таълим ундан унумли ва самарали фойдаланиш ҳақида ўқитилганда таълим атрофида ҳомашё бекорга исрофгарчилигига ва мақсадсиз сарфланаётган бўлса, бу натижа бермайди;

ўқитувчи ҳар бир дарс кесимида ўқувчиларни янгиликка, янгиликларга иштирок қилишга қўлиқлаш;

ўқитувчи ўқувчиларни дарс машғулотларида дарснинг ривожлантирувчи мақсадларидан келиб чиқиб, жамиятда бўлаётган ўқувчи, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва фаол иштирок этишга эришиш лаёқатини шакллантириши.

1.3. Шахсга йўналтирилган ўқитиш

Бугунги кунда энг самарали педагогик технологиялардан бири бўлиб, шахсга йўналтирилган ўқитиш ҳисобланади. Лекин унинг қўллашда ягона бир тушунишнинг йўқлиги педагогик жараёнга ўзалиш таъсирини ўтказмоқда. Шунинг учун, бугунги кунда энг асосий вазифалардан бири, бу шахсга йўналтирилган технология ва таълимнинг амалга оширишга бўлган ёндашувларни ишлаб чиқиш-дир. Бу ўз навбатида юқоридаги камчиликларни бартараф этишга имкон беради [131].

Шахсга йўналтирилган ўқитиш – таълимни инсонпарварлаштиришнинг муҳим муаммоларини ечишга қаратилгандир: таълим нуфузини ошириш, ўқувчиларда билишга барқарор

кизикишни, мустақил ўқиш истаги ва кўникмасини, қийинчиликларни енгиб ўтишни ривожлантириш, шахснинг маданий базаси асосини шакллантириш. Шахсга йўналтирилган ўқитиш – бу шундай ўқитиш турики, бунда таълим жараёни ва таълим дастурлари ўқувчининг билиш хусусиятларига тегишли ҳолда ҳар бир ўқувчига йўналтирилган. Шахсга йўналтирилган ўқитиш – бу ўқитиш марказида тарбияланувчи шахси, унинг ўзига хос хусусиятлари, ўз кадрияти, субъектив тажрибаси туради, кейин эса таълим мазмунни билан мослашади.

Шахсга йўналтирилган ўқитишда – ўқувчи шахсининг эҳтиёжлари, мотивлари, мақсадлари, қобилиятлари, фаоллиги, интеллекти ва бошқа индивидуал-психологик хусусиятлари инобатга олинади. Бу билан ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ёш, индивидуал-психологик хусусиятлари ҳисобга олинади. Ҳисобга олиш таълим мазмунни, таълим дастурлари вариативлиги, ўқитиш технологиялари, ўқув-фазовий муҳитни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Умуман олганда, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро таъсири ўзгаради. Улар ўқитиш жараёнининг субъекти бўлиб қолади.

Л.М.Фридман [132] фикрича: “Шахсга йўналтирилган ўқитиш ва шахсга йўналтирилган таълимни фарқлай олиш лозим. Агар биринчиси, ўқувчиларнинг шахсий сифатларини шакллантиришга имкон берувчи ўқитиш тизимини билдирса, иккинчиси кенг тушунчага эга бўлиб, шу билан бирга ўқувчи шахсини тарбиялашнинг барча тизимини ўз ичига олади.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш – ўқитувчидан ўз позициясини ўзгартаришни, ўқитишда эркин атмосферани яратишни, ўқувчиларнинг фаоллиги ва ривожланишини стимуллаштириш методларидан фойдаланишни талаб этади.

Ўқитишда эркин атмосферани яратиш – шу билан характерланадики, бунда ўқувчилар муаммоларни эркин муҳокама қилишади, хато қилишдан қўрқинмайди, бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлади, ўқитувчини билим, тажриба манбаи сифатида кўради.

Ўқитишнинг эркинлигини стимуллаштирувчи методларга қуйидагилар тааллуқли: аниқ муаммоларни ечиш учун қўйиш, контрактлар методи, турли таркибдаги гуруҳлар ишини ташкил этиш, эксперимент, тадқиқот сифатида ўқитишни ташкил қилиш, ўз-ўзини англаш бўйича махсус машғулотлар, яхши атмосферани

яритиш учун шахслараро ўзаро муносабат, эмоционал методларга (фүнгуш) тус бериш.

Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг асосий мақсади, ҳар бир ўқувчининг алоҳида индивидуал билиш имкониятларини, ҳаётиёж ва кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, синф жамоасида иншоларига имкон берувчи психолок-педагогик шароит тизимини яритиш орқали ҳар бир ўқувчида такрорланмас индивидуалликни иншоландан иборат.

Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: ҳар бир ўқувчининг индивидуал билиш имкониятларини очиб бериш; унинг индивидуал билиш қобилиятларини ривожлантириш; унга ўз-ўзини англашда, актуаллаштиришда, ўз-ўзини намоён этиш, ўз-ўзини аниқлашга ёрдам бериш; шахсий ҳаётини самарали қуришга имкон берувчи ҳаёт фаолияти моддиятини шакллантириш.

Шахсга йўналтирилган ўқитишни амалга ошириш, шундай иншол мазмунини ишлаб чиқишни талаб этадики, бунга фақат иншол билимлар эмас, балки билишнинг усул ва методлари ҳам кирди.

Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг амалга ошириш учун муҳим: ўқувчи ривожланишига йўналтирилган асосий проце-дуралар; унинг индивидуаллигини шакллантириш учун мақбул шароитни яратиш; ўқувчининг психик ривожланиши нормалари бўлишида бизнинг маданиятимизда мураккаб тасаввурнинг ўзга-риши.

Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг асоси бўлиб, шахсга йўналтирилган ўқув вазияти ҳисобланади. Ўқув вазиятини конст-рукциялаш қуйидаги усуллардан фойдаланишни назарда тутди: иншол мазмунни элементларни турли даражали шахсга йўналти-рилган вазифа кўринишида тасаввур этиш; диалог шароитида иншолни ўзлаштириш, субъект-ли-фикрлаш муносабат, рефлексия, иншолни ўз-ўзини амалга оширишни таъминловчи дидактик-коммуникатив муҳит каби; ички конфликтлик вазиятида шахсий функцияларни амалга оширишни таъминловчи ижтимоий-ролли, фүнгуш-вақтли шароитлар имитацияси.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш тизими интегртив, янги сифатга эга бўлмоқда. Аиникса, ички томондан ўқув-тарбиявий жараён субъектлари янгилианиши лозим: ўқитувчи ва таълим иншолчилар. Уларнинг ҳар бири ўзига у ёки бу позицияни қабул

қилиши лозим. Ўқитувчи таълим олувчи билан унинг шахсини хурмат қилиш режаси асосида тенглашиши лозим, қандайдир устунлик қилиш, қўшимча ҳуқуқ, турли ва авторитар имтиёзлардан воз кечиши керак.

Таълим олувчи эса ўзининг ўқувчи ролини тўғри англаши, ўзини касбий ривожлантиришга интилиши, ўқитувчига саволлар бериши, улар билан баҳслашиши мумкин.

Ўқитиш мақсадида ўқув материали мазмуни ўқув-тарбиявий жараёни шахсни ривожлантириш субъектларининг воситасига айланади: ўқитувчи ва таълим олувчилар. Таълим муассасасида асосий ўқитиш шакли маъруза ҳисобланади.

Шахсга йўналтирилган тизим шароитида ўқитувчи назарий ўқитишда бўлажак ўқитувчининг шахсий характеристикаларини (ўқиш маҳорати, фикрлаши, саволлар бериши, ҳулосалар чиқариши) ривожлантириш учун асосий эътиборни дарсга қаратади. Бундай шароитларда ўқитувчи фикрлай олиши, ахборотларни эслаб қолишлари лозим. У мустақил таълим фаолияти кўникмаларини шакллантириши, фикрлашини уйғотиши ва бошқаларни амалга ошириш керак.

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган тизимини яратиш қуйдаги бошланғич тартибларга асосланади:

- субъект тажрибасининг фаол ташувчиси сифатида ўқувчининг ўзига ҳослиги, индивидуаллиги, ўз қадрияти;
- ҳар бир ўқувчининг субъект тажрибасини аниқлаш бўйича ўқитувчининг ўқув жараёнини конструкциялаш ва амалга ошириши учун алоҳида иши керак;

- ўқувчининг икки турдаги тажрибаси ўзаро муносабати – индивидуалликни сиқиб чиқариш, уни жамоат тажрибаси билан тўлдириш эмас, балки уларни мунтазам келишув, ўқувчининг йиғилган шахсий ҳаёт фаолиятидан фойдаланиш билан келиб чиқиши лозим;

- шахс сифатида ўқувчининг ривожланиши фаолият натижаси эгаллаш йўли билан эмас, балки мунтазам бойитиш, шахсий ривожланишнинг асосий манбаси сифатида субъект тажрибасини қайта ўзгартириш орқали келиб чиқади;

- ўқитишнинг асосий натижаси – ўқувчининг билиш қобилиятини билим ва кўникмаларини ўзлаштириш асосида шакллантирилиши лозим.

И.С.Якиманский [152] ўқитиш жараёнини ўқувчининг субъект тажрибасини амалга оширувчи, унинг айрим индивидуал халқияти фаолияти сифатида кўриб чиқади. Ўқитишнинг роли шундан иборатки, бунда бу тажриба (шахсий фикрлари, муҳим-шакл, муносабат)нинг ўзига ҳослигини аниқлаш учун уни илмий мазмун билан бойитиш, керак бўлса қайта тиклаш, ўқувчининг индивидуал ривожланиши учун шароитни яратиш лозим.

Шунинг учун, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари – ўқув жараёни мазмунига дидактик талабларни амалга оширувчи таълимнинг субъективли принципи ҳисобланади, улар:

- ўқув материали ўқувчининг субъект тажрибаси мазмунини аниқлашни таъминлаши лозим;

- билимларни баён этиш йўналтирилганлик, фақат улар ҳажмининг, структурасининг, предмет мазмунини умумлаштиришни кенгайтиришга эмас, балки ҳар бир ўқувчининг маъжуд тажрибасини қайта ўзгартиришга йўналтирилиши керак;

- ўқувчи тажрибасини янги билимларнинг илмий мазмуни билан мунтазам келишиш;

- мустақил таълим, ўз-ўзини ривожлантириш, билимларни амаллаш давомида ўз фикрини билдириш имкониятларни таъминлаш мақсадида, муҳим таълим фаолиятига ўқувчини фаол стимуллаштириш;

- вазифаларни бажариш ҳамда ечишда танлаш имкониятини яратиш;

- ўқувчиларни мустақил танлашга ҳамда ўқув материалини қайта ишлаш усуллари билан фойдаланишга стимуллаштириш;

- шахсий ривожланишда уларнинг функцияларини ҳисобга олиб, ўқув ишларининг умумманткий ва ўзига хос усуллари яратиш;

- фақат натижани назорат қилиш ва баҳолашни таъминлаш эмас, балки асосийси ўқитиш жараёнини, яъни ўқувчи таълим мүнбаларини ўзлаштиришни амалга оширувчи омиллар билан ҳам таъминлаши керак;

- фаолият субъекти сифатида ўқитишни қуриш, амалга ошириш, рефлексия, баҳолашни таъминлаш.

И.С.Якиманский [151] концепциясида ўқитишнинг асосий шакли, шахсга йўналтирилган дарс ҳисобланади, бунда юқорида

таъкидланган шахсий аҳамиятли ўқитишни ташкил этишнинг барча тартиблари концентратцияланади:

- ўқувчининг субъект тажрибасини очиб беришга имкон берувчи ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли метод ва шаклларидаан фойдаланиш;
- синф ишида ҳар бир ўқувчининг кизиқувчанлик атмосферасини яратиш;
- мулоҳазаларга ўқувчиларни стимуллаштириш, топшириклари бажаришнинг турли усулларидаан, нотўғри жавобларни олишда хато қилиш ҳукукидан фойдаланиш;
- дарсда ўқувчига ўқув мазмуни тури ва шаклини танлаш учун имкон берувчи дидактик материаллардан фойдаланиш;
- ўқувчи фаолиятини фақат якуний натижа билан эмас, балки унга эришиш жараёнида баҳолаш;
- ўқувчининг ўз иш услубини топишга ҳаракатини рағбатлантириш, дарс давомида бошқа ўқувчиларнинг иш усуллари таҳлил қилиш, самаралиларини танлаш ва улардан фойдаланиш;
- дарсда ҳар бир ўқувчига иш усулларида мустақиллик, ташаббускорликни намоён этиш имкониятини берувчи муносабатда педагогик вазиятини яратиш.

Таълим жараёнида шахсий қобилиятларнинг намоён бўлиши, махсус шахсга йўналтирилган вазиятни (ўқув, билиш, ҳаётий) яратишга имкон беради – бу вазият шахсий функцияларни келтириб чиқаришни талаб этади. Масалан, ўқувчи фикрни излаш, ўзи ҳақида ўйлаш, ўз ҳаёти моделини қуриш, муаммони ечишнинг ижодий вариантини танлаш, факторларга танқидий баҳо бериш ва б.к. да вазиятга дуч келди дейлик. Бу вазиятда репродуктив-билиш даражасида ечиш мумкин бўлмаган вазият юзага келади. Ўқувчи уни ечиш учун мустақил ҳаракат қилади.

В.В.Сериков [116] шахсга йўналтирилган вазиятни яратишнинг педагогик назариясини ишлаб чиқди. Бу назария шахсга йўналтирилган вазиятнинг учта асосий қисмини амалга ошириш ғоясига асосланган: ўз ижтимоий ҳаёт фаолияти, сўзлашув ва ундаги иштирокчиларининг ўзаро муносабати.

Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг янги концепцияларида, ўқитиш жараёнининг инсонпарварлик йўналганлиги кучайтирилади; ижтимоий сифатлардан ташқари, ўз (унинг мустақиллиги, танлашга қобилияти, рефлексия, ўз-ўзини регуляция қилиш ва б.к.) субъекти хусусиятига эга шахс кўриб чиқилади;

инлимнинг асосий мақсади – индивидуал-шахсий қобилиятларни, ҳуқуқиятларини ривожлантириш учун шароитни яратишдан иборат бўлиди, индивидуал ўз-ўзини ривожлантиришнинг ички механизмлари (жонлантириш, ўз-ўзини актуаллаштиришга интилиш ва намоён этиш) муҳим аҳамият касб этади.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш таълим тизимида асосий ролни ўйнайди. Замонавий таълим ўқувчи шахсини ривожлантиришга, унинг имкониятларини, талантини, ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини амалга оширишни очишга йўналтирилган бўлиши лозим.

В.В.Сериков [118] нинг таъкидлашича, шахсни ривожлантирувчи ўқитиш, ўқувчиларда англаш тажрибаси ва шахснинг ўзини амалга оширишни шакллантириш билан боғлиқ бўлган таълим фаолияти доирасининг ўзига хослиги сифатида тақдим этилади. Муаллифнинг айтишича, шахсни ривожлантирувчи ўқитишни амалга ошириш учун турли ёш босқичларида ўқувчини шахсий ривожлантириш нормаларини мақсадли ишлаб чиқиш муҳим.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш асосида, аслида фақат кимё фанларини ўқитиш мазмунини ўзлаштириш эмас, балки кимёни билиш мазмуни ва муҳимлигига нисбатан ўқувчининг ўзи-ўзини шиклашига йўналтирилган асосий билиш фаолияти турига ўқувчиларни жалб этиш ётади.

Кимёвий билимларни энг муҳим стратегиясида ўқувчининг методологик йўналишини тўғри ташкил этилса, шахсий муҳим дунёқарашга эга ҳулосаларни чиқариши мумкин, бундай стратегиялар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ўқувчида объектив ҳақиқатга интилишни шакллантириш; ўқувчида ҳар қандай муҳокама ва баҳолашга жавобгарлик ҳиссини уйғотиш; ўқувчида маданий изчиллик тўғрисида умуминсонийлик тушунчаларини шакллантириш; ўқувчилар фикрлашининг диалог асосдаллиги; методологик билимларни эгаллаши; ижодкорлик.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш – бу ўқитиш марказида тарбияланувчи шахси, унинг ўзига хос хусусиятлари, ўз қадрияти, субъектив тажрибаси туради, кейинчалик эса таълим мазмуни билан мослашиб боради. Ҳозирда бу ўқитиш тизими интегратив, янги сифатга эга бўлиб бормоқда. Айниқса, ички томондан ўқув-тарбиявий жараён субъектлари янгиланиши лозим: ўқитувчи ва ўқувчилар. Уларнинг ҳар бири ўзига у ёки бу позицияни қабул қилиши лозим. Ўқитувчи ўқувчи билан унинг шахсини ҳурмат қилиш режаси асосида тенглашиши лозим,

кандайдир устунлик килиш, кўшимча ҳуқуқ, турли ва авторитар имтиёزلардан воз кечиши керак.

Ўқувчи эса ўзининг ўқувчи ролини тўғри англаши, ўзини касбий ривожлантиришга интилиши, ўқитувчига саволлар бериши, улар билан баҳслашиши мумкин.

Ўқитиш мақсадида ўқув материали мазмуни ўқув-тарбиявий жараёни шахсни ривожлантириш субъектларининг воситасига айланади: ўқитувчи ва ўқувчилар. Таълим муассасасида асосий ўқитиш шакли маъруза ҳисобланади.

Шахсга йўналтирилган тизим шароитида ўқитувчи назарий ўқитишда бўлажак ўқитувчининг шахсий характеристикаларини (ўқиш маҳорати, фикрлаши, саволлар бериши, ҳулосалар чиқариши) ривожлантириш учун асосий эътиборни дарсга қаратади. Бундай шароитларда ўқитувчи фикрлай олиши, ахборотларни эслаб қолишлари лозим. У мустақил таълим фаолияти кўникмаларини шакллантириши, фикрлашини уйғотиши ва бошқаларни амалга ошириш керак.

Дарсда шахсий вазият, объектив берилган мазмун ва субъектларнинг ўзаро мураккаб муносабати натижасидир. Бунда материал ўқув жараёни иштирокчиларининг ижодий изланиши ва ўз фикрини билдиришига, бу мазмунни қайта ишлашга, ундан муҳим ҳаётий фикрларни ажратиб олишга хизмат қилиши керак.

Инсонпарварликка йўналтирилган ўқитишнинг мавҳум модели, бу шахсга йўналтирилган ўқитиш факторлари ва муҳим белгилари келтирилган яхлит ўқитиш вазиятини назарий акс эттиришдир. Бу тавсиф, шахсга йўналтирилган вазиятнинг бошқа ҳар қандай ўқув вазиятидан фарқ қилувчи мезонларини кўрсатади. Ўқитиш фанига мос ҳолда бу вазиятларнинг биз томондан таклиф қилинган асосий характеристикаларини келтирамиз:

– мазкур вазиятда ўзлаштирилдиган таълим мазмуни, ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари ва фазилатларини таъкидлаш учун, ахлоқий, интеллектуал, эстетик; унинг иқтисодий фаровонлиги, амалий фаолияти ва ҳаёт турмуш муҳитини сақлашни яхшилаш учун ўрганиладиган материалнинг муҳим томонларини очиб бериш керак;

– бу материални ўзлаштириш жараёнида, асосий шахс функциялари қайта ишлаб чиқилади: эркин танлаш, ўз фаолиятининг предметига рангли, рефлексивли муносабат, мақсадни

қўлини, индивидуаллик, инсонийлик муносабатлари ҳамда предмет муҳитини ахлоқий ва эстетик баҳолаш; ечимларнинг иқтисодий ва экологик мақсадга мувофиқлиги; инсон фаолияти даражасининг илмий-техник узлуксиз ўсиши;

ўқув материални тақдим этиш усуллари вазифалари ҳисобланади, ечиш вақтида ўқувчи кетма-кет янги маънавий муносабатга жалб этилади; унинг мазмуни, маънавий ва ижтимоий доирага чиқиши, илмий ижодкорликнинг шахсий-индивидуал факторлари ўқувчи учун маъно ва аҳамиятlilikка эга бўлади.

Ўрганилаётган фанда шахсга йўналтириш ижтимоий-маданий тажрибанинг асосий тури сифатида кўриб чиқилади. Уни ўзлаштириш умумий таълим мазмунининг асосий структурали компонентлари ҳисобланади. У таълим процессуал ва мазмунли аспектларининг ягона шакли сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бу шундай шакли, бунда ҳар қандай ўрганилидиган фаннинг моҳиятли томонини ўқитиш субъектининг тўлиқ ўзлаштириши келиб чиқади.

Шахсга йўналтирилган ўқитишда педагогнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– ўқувчида таълим жараёни субъекти сифатида, шахс, индивидуаллик сифатида ўрнатиш;

– ўқувчилар эмоциясига хайрихоҳлик билдириш.

– ўқувчининг фикри ва ҳулосаларига, мустақил фикрларига ижобий, ҳурмат муносабатида бўлиш;

– ўқувчининг субъект шахсий тажрибасига таяниш;

– ўқувчиларнинг мотивацион доирасини ривожлантириш, дарсда мустақиллик даражасини ошириш;

– ўқувчиларнинг шахсий ривожланишига педагогик фаолиятни йўналтириш;

– ўқувчилар билан муносабат вазиятида диалог;

– шахсий харакатларни, мотивларни англашга йўналтириш;

– таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ўқувчиларнинг таклифи, истакларига ўқитувчи томонидан қизиқиш уйғотиш;

– ўқувчиларнинг ижодкорлик фаоллигини рағбатлантириш.

Ўқитувчининг функцияси сезилар даражада ўзгаради, у ҳамсуҳбат, тадқиқотчи, ўқувчи учун шароит яратувчи, эксперт бўлади.

Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг асосий ғояларидан бири, бу ўқувчининг таълимда ўз ўрнини топишидир. Ўз ўрнини топиш деганда, ўқувчининг аниқ бир фан ҳамда шахсий сифатлари бўйича ўз-ўзини такомиллаштириш мақсади ва воситаларини танлаш жараёни ҳамда натижаси тушунилади.

Ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ўқувчиларнинг ҳаётий-ижодкорлигида ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз ўрнини топишни амалга ошириш;
- бу фаолият учун ўқитишнинг замонавий тури ва шакллари ишлаб чиқиш;
- ўқувчи шахсининг шаклланишини, тақдорланмас индивидуаллик ва маънавий бойликка эга бўлишини таъминлаш;
- ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқувчига қулайлик, ўз фаолиятида муваффақиятга эришиш учун мотивация, унинг мунтазам олға интилиши учун шароит яратиш;
- машғуллот учун ҳар бир ўқувчининг шахсий аҳамиятини таъминлаш;

- ўзига хос шахсий индивидуумни, инсонлар, табиат, маданият билан ўзаро муносабатни ўрнатиш учун муҳим бўлган ўзини намоён этиш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини ҳимоя қилиш механизмларини амалга оширишга имконият яратиш;
- шахсий ҳаёт фаолияти субъекти сифатида ўқувчини шакллантириш ва тарбиялаш;
- ўқувчи ҳолатини ўқув-тарбиявий жараённинг фаол субъекти сифатида аниқлаш;
- ўқувчиларни фанларнинг амалий йўналганлигига тайёрлашни таъминлаш;
- ўқув-билув фаолияти усул ва йўллари шакллантириш;
- ўқувчиларнинг мустақил ҳолда мақсадни қўйиш ва ютуқларга эришишини ташкил этиш;
- ҳар бир ўқувчини ўз билим дунёсини яратишга, ўз ютуқларини назорат қилишга, ҳаётий вазифаларни ечишда ижодий усулларни қўллашга ўргатиш;
- уларда маънавий, жонқуярлик, ахлоқий, ўзаро ҳурмат сифатларини шакллантириш.

Қуйидаги 1-жадвалда шахсга йўналтирилган ўқитишнинг асосий таянч тушунчалари ва уларнинг моҳияти келтирилган:

Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг асосий таянч тушунчалари ва уларнинг моҳияти

1-жадвал

Таянч тушунчалар	Моҳияти
Қадрият	Инсон ҳаётини энг муҳим сифатида қабул қилиш. Тушунчаларни англаш: бурч, қарздорлик, касбий виждон, фуқаролик, ижтимоий фаоллик.
Қизиқувчанлик	Фанга қизиқиш ўз-ўзини такомиллаштириш имконияти сифатида, ўзига, ўз кучига ишониш, ютуқларга эришишга интилиш, жисмоний ва психик юкларга бардош бериш қобилияти, мустақиллик.
Билиш	Билим, қўникма ва малакаларнинг таълим стандартига мос келиши лозимлиги.
Ижодкорлик	Касбий малакаларни шахсий сўровлар ва истеъдодларга мос ҳолда шакллантириш лозимлиги: меҳнатсеварлик, интилувчанлик, чидамlilik, таъаббускорлик, мустақиллик.
Коммуникативлик	Жамоада ўз лидерлик ролини бажара олиши, алоқани ўрната олиши, бошқаларни ҳурмат қилиши, ўз ҳаракатини танқидий англай олиши, ўз тенгдошлари билан ўзаро муносабатларни таҳлил қила олиши.
Ишчанлик	Ишчанлик муносабатини ўрната олиши, иш контррактларини туза олиши, ўз касбий имкониятларини баҳолай олиши.
Касбий	Таълим ва тарбиявий фаолиятга ўз қизиқишини билдира олиши, кузатувчанлик ва рефлексияни эгаллаганлиги, психология и педагогика соҳасида билимларга интилиши, ташкилотчилиги.

Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг белгилари қуйидагилар: ҳар бир ўқувчининг ноёблиги ва индивидуаллигини тан олиш; ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчи томонидан ҳар қандай бошқа кишининг ноёблиги ва индивидуаллигини тан олиш; ҳар бир ўқувчи бошқа

кишиларнинг ноёблигини тан олган ҳолда улар билан инсонийлик асосида ўзаро муносабатда бўлиши лозим.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш қонунлари қуйидагилар:

– таълим муҳитлари ва ўқувчининг ўзини ижодий намоён этиши билан боғлиқлиги қонуни. Ўқувчининг ижодий потенциалини амалга ошириш даражаси, таълим жараёни таъминлашга киритилган шароит, восита ва технологияларга боғлиқ. Ўқувчи томонидан ўқитиш мақсадлари, таълимнинг очиклилик мазмуни, табиий ўқитиш технологиялари, ўқитишнинг темпи, шакли ва индивидуал траекториясини киритишни танлаш имконияти ўқувчининг ўзини ижодий намоён этишини оширади;

– ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқлик қонуни. Ўқитишга йўналтирилган ҳар қандай фаолият, ўқувчининг шахсий сифатлари, жамият аъзоси сифатида унинг тарбиясини ривожлантириш билан боғланган. Бу ўзаро боғлиқликнинг натижавийлиги, таълим жараёнида махсус тарбия ва ривожлантириш мақсадларининг мавжудлиги билан аниқланади;

– ўқувчилар ўқитиш натижаларининг таълим фаолияти билан ўзаро боғланганлик қонуни. Ўқитиш натижаси ўқувчининг таълим маҳсулотлари билан ифодаланади. Ўқитиш натижаларига энг кўп таъсирни ўқитиш технологиялари, шакллари ва методлари кўрсатади.

Ушбу санаб ўтилган қонунлар ўқитишда шахсга йўналтирилганликка тўғри муносабатга эга, қайсики улар дидактик тизимни ва мос келувчи амалиётни конструкциялаш асосларини аниқлаб беради.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш тамойиллари қуйидагилар:

– ўқувчининг шахсий мақсадни кўзлаганлик тамойили. Ҳар бир ўқувчининг таълими, унинг шахсий ўқув мақсадларини ҳисобга олиш асосида келиб чиқади. Мазкур принцип ўқувчининг ўз фаолияти мақсадларини қўя олиш қобилиятига таянади. Ўқувчининг аниқ бир ўқув масаласига нисбатан ўз мавқеини белгилаб олиши, унга ўз олдига аниқ мақсад ва вазифаларни қўйишга имкон беради, кейин бунинг асосида индивидуал траекторияни амалга ошириш мумкин: ўқитишнинг шакл, методларини танлашда иштирак этиш, машғулотнинг темпи ва мазмунини аниқлашда. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирувчи муаммоларни белгилашда,

ўқитишлар билан ўртоқлашади, умумий таълим дастурлари билан муносабатда бўлиши лозим.

Мазкур принцип ҳам ўқувчи ҳам ўқитувчи томонидан ўқитиш мақсадларини зарурлигини англашни назарда тутаяди. Агар ўқувчининг мақсади турлича бўлса, ўқитувчи ўқувчи мақсадини ўқитишга ҳаракат қилмайди, балки унга ўз мақсадини англашга ҳурмат беради:

– индивидуал таълим траекториясини танлаш тамойили. Ўқувчилар ўқитиш билан келишган ҳолда ўз таълими асосий компонентларини онгли танлаш ҳуқуқига эга: мазмунни, мақсадларни, вазифаларни, темпни, ўқитиш методларини, таълимнинг шахсий мазмунини, натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш тизимларини;

– таълим жараёнининг метанпредмет асослари тамойили. Таълим жараёни мазмуни асосини, ўқувчилар томонидан субъектив шахсий билиш имкониятини таъминловчи фундаментал метапредмет объектлар ташкил этади;

– ўқитишнинг серунумли тамойили. Серунумли ўқитиш ўқувчилар томонидан таълим маҳсулотларини яратишга қаратилган. Ўрганиладиган фанларда ички таълим маҳсулотларини яратиш жараёнида ўқувчида ички кўникма ва қобилиятларни ривожлантириш амалга оширилади. Ўқувчилар томонидан шакллантирилган ўқитиш мақсади, режаларни тузиш, фаолият алгоритми, фаолият усуллари, ўз-ўзини баҳолаш қабилар улар таълим фаолиятининг маҳсулотлари ҳисобланади;

– ўқувчилар дастлабки таълим маҳсулотлари тамойили. Бу тамойил ўқитишнинг табиийлиги ва шахсга қаратилганликни аниқлаштиради. Ўқувчилар ўзларининг имкониятларини кенг очади, ижодий фаолият технологияларини эгаллайди, таълим маҳсулотини яратади;

– ўқитишнинг вазиятчи тамойили. Таълим жараёни, ўқувчиларнинг ўз-ўзини намоён этиши, уларнинг ечимини излашни назарда тутувчи вазиятлардан яратилади. Ўқувчининг ижодий фаолиятини ташкил этиш учун, ўқитувчи юзага келувчи таълим вазиятини яратади ёки фойдаланади. Унинг мақсади, ўқувчи фаолиятини таъминлаш ва мотивация уйғотиш;

– таълим рефлексияси тамойили. Рефлексия бу, фаолият усулларини англаш, ўқитувчи ва ўқувчи таълим олишини қайд этиш. Ўқувчилар фақат нима қилганини англамасдан, балки

фаолият усулларини ҳам англайди. Таълим рефлексияси шакллари турлича: оғзаки муҳокама, ёзма анкеталаш, бўлаётган ўзгаришларни график тасвирлаш.

Юкоридагилардан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки, шахсга йўналтирилган ўқитиш ўзининг ўзига хос ўқитиш белгилари, қонунлари ва тамойилларига эга, булар ўз навбатида шахснинг ижодий ривожланишига олиб келади.

Шундай қилиб, педагогда шахсга йўналтирилган ўқитиш моҳияти ва структураси ҳақида тасаввурнинг мавжудлиги, унга ўқув машғулотини уларга мос ҳолда мақсадли яратиш ва моделлаштиришга, ўқувчи шахсини такомиллаштириш жараёнини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга, унинг субъектлиги ва индивидуаллигини ривожлантиришга имкон беради.

Республикамызда янги таълим концепциясида мазкур йўналишни тан олишсада, лекин деярли кам таълим муассасалари шахсга йўналтирилган ўқитиш ғоясини амалиётда амалга оширади. Айрим ўқитувчиларнинг таъкидлашича, шахсга йўналтирилган ўқитишни синф-дарс шароитида амалга ошириш бўлмайди, чунки синфда 25 нафар ўқувчи, дарсени ташкил этиш, ҳар бир ўқувчининг кизиқиши ва эҳтиёжини инобатга олиш ўқитувчи учун мураккаблик туғдиради.

Лекин шахсга йўналтирилган ўқитишнинг маъноси бунда эмас. Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари ўқитишни индивидуаллаштиришни назарда тутади. Индивидуаллаштириш жараёнида ўқитувчи ўқув жараёнини шундай ўзгарирадики, бунда ўқувчининг ўзига хос хусусиятига қаралади, педагогик таъсирни ўқувчига адаптация қилади. Шахсга йўналтирилган ўқитишда ўқувчи фаол шахс сифатида гавдаланади. Ўқув жараёнида танлаш имконияти, бу шахсга йўналтирилган ўқитишнинг фарқ қилувчи белгисидир.

Бугунги кунда таълим муҳитини шахсга йўналтирилган ўқитиш тезлик билан эгалламоқда. Шахсга йўналтирилган ўқитишнинг ғояси бугунги кунда икки даражада намоён бўлади: кундалик, яъни одатдаги ҳамда илмий.

Кундалик даражада шахсий ёндашув – ўқувчи шахсини, шериклики, ҳамкорлики, диалогни, таълимни индивидуаллаштиришни ҳурмат қилиш ғояси орқали кўриб чиқилади.

Илмий даража – таълим мазмуни, ўқитиш методлари, уларни киритиш фаол таълим таркиби, ўқитиш фаолияти ҳамда уларнинг самарали мезонлари билан боғлиқ.

И.С.Якиманский [117] шахсга йўналтирилган ўқитишни дидактик таъминлашни ишлаб чиқишга бир қанча талабларни янгилик кўрсатади. Бу талаблар қуйидагилар:

ўқувчи тажрибасини инобатга олган ҳолда ўқув материалли ўқувчининг субъект тажрибаси мазмунини аниқлаши лозим; дарсликдаги билимларни баён этиш фақат уларнинг ҳажмини кенгайтиришга, структуралашга, интеграциялашга, предмет мазмунини умумлаштиришга йўналтирилмасдан, балки ўқувчининг мавжуд субъект тажрибасини мунтазам ўзгартириб боришга ҳам қаратилган бўлиши керак;

– ўқитиш давомида ўқувчининг субъект тажрибаси билан берилган билимларнинг илмий мазмунини мунтазам мослаб бориш керак;

– ўқувчининг таълим фаолиятини фаол стимуллаштириши, қайсики бунда мазмуни ва шакллари ўқувчига билимларни эгаллашда мустақил таълим, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз фикрини билдириш имкониятларини таъминлаши лозим;

– ўқувчига топшириқларни бажаришда, масалаларни счишда ўқув материалли мазмунини, тури ва шаклини танлаш имкониятини берувчи – ўқув материаллини ташкил этиш ҳамда конструкциялаш;

– ўқувчи бардошли, самарали, мустақил фойдаланувчи ўқув ишлари усулларини аниқлаш ва баҳолаш. Усулни танлаш имконияти топшириқнинг ўзига киритилган бўлиши лозим. Ўқув материалларини ишлаб чиқиш учун зарурий усулларни танлаш ва улардан фойдаланишга ўқувчиларни дарслик воситалари билан стимуллаштириш;

– ўқув ҳаракатларини бажариш усуллари ҳақидаги билимларни киритишда, ўқув ишларининг умумманткий ва ўзига хос хусусиятли усулларини ажратиш лозим, бунда уларнинг шахсий ривожланиш функцияларини ҳисобга олган ҳолда;

– фақат натижани назорат қилиш ва баҳолашни таъминламасдан, энг асосийси ўқитиш жараёнини, яъни ўқув манбаларини ўзлаштира боровчи ўқувчи бажарадиган омилни ҳам таъминлаш муҳим;

Алар педагогик технологияларни айрим карама-қаршиликларини счишга олиб келувчи операциялар тизими тузиш инфиронда конструкциялашга тўғри келса, унда педагогик технологияларга мос мантикий назариялар қуйидаги турни қабул қилин:

муаммолар манбаи сифатида педагогик амалиётга қарима-қаршиликларни тахлил қилиш;

дидактик мақсадлар ва унга эришиш мезонларини аниқлаш;

тарбияланувчи шахсида (тажрибасида, билимида, инлюкида) кутилаётган янгидан юзага келадиган психологический механизмни аниқлаш;

шахснинг янгидан юзага келишида мазкур механизмнинг ишлаб туришини таъминлашга қобилиятли дидактик вазиятлар (унинг мазмуний ва процессуал аспектлари) моделини лойиқлаш;

ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро педагогик муносабати шозодлари билан генетик боғлиқлик сифатида вазиятни ривожлантиришнинг предметли-коммуникатив майдони, структураси ни ҳаракатлантирувчи кучини ишлаб чиқиш;

педагогик фаолиятнинг мос турларини информация, методик ва психологик таъминлаш.

Шундай қилиб, қимё фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув ва технологияларнинг мохиятини англаш, ўқитишнинг замонавий моделини яратиш, дарс машғулотлари педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқиш, таълим муассасаларида ўқитиш ва тарбия тизимини ташкил этишда зарурий шарт-шароитларни яратиш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда, мустақиллигини, эркинлигини ривожлантиришда муҳим ҳисобланади.

1.4. Шахсга йўналтирилган технологиялар

И.С. Якиманский [146] таълим жараёни тамойилларини ишлаб чиқиш сифатида шахсга йўналтирилган ўқитишнинг технологиясини аниқлайди ҳамда матнга, дидактик материалларга, методик кўрсатмаларга, ўқув диалоги типига, таълим олувчиларни шахсий ривожланишини назорат қилиш шаклларига, яъни шахсга йўналтирилган ўқитишни бутунлай дидактик таъминлашни ишлаб

– репетиторлик, таълим жараёни қуриш, амалга ошириш, рефлексия, ўқитишни баҳолашни таъминлаш лозим. Бунинг учун ўқитиш бирликларини, уларнинг таърифларини ажратиш зарур.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш ва тарбиялашни таълим муассасалари амалиётига жорий этиш, ўқувчилар англашини такомиллаштириш, ахлоқий ҳаракатлари, мазмунни излаш тажрибасига эга бўлиш, ҳаётий-амалий вазифаларни шахсан ечишга стимул берувчи, “Мен” позициясига эга бўлиш учун шароитларни яратишни кўзлайди [121].

Таълим муассасаларида инсонпарвар шахсга йўналтирилган ўқитиш ва тарбия тизимини ташкил этиш учун қуйидаги муҳим шароитларни яратиш лозим: шахс шаклланиши учун муҳитни такомиллаштириш йўллари излаш; таълим фазоси ва вақтини оптимал ташкил этиш; социум ва таълим муассасалари бирлигини таъминлаш; ўқув-тарбиявий жараёнда шахсга йўналтирилган технология, метод ва шакллари қўллаш. Бу жараёнда асосий ролни гуруҳларнинг раҳбарлари ўйнайди. Улар ўқувчиларнинг ўқув ва ундан ташқари фаолиятини ташкил этувчилари ҳисобланади. Турли муаммоларни ҳал этишда уларнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

– таълим муассасаларида коммуникация ва ижтимоий соҳаларда амалий маҳорат, ижтимоий малакаларни ўзлаштириш, янги шароитларда муҳим шаклланиш орқали енгиллаштиришга ёрдам берувчи инсонпарвар шахсга йўналтирилган муҳитни ташкил этиш [83];

– енгиллаштирилган, имкон берувчи, стимуллашган, ўқувчилар фаолигини ривожлантирувчи ўқитишни ташкил этиш. Бу ўз навбатида эркинлик бериш, жавобгарликни ҳис этиш, ўқув муассасасида ўзаро шахсий мулоқот билан жамбарчас боғлиқ [104].

– умумбашарий ахлоқ нормалари билан таништириш [126];

– ўқувчиларни инсонпарварлик дунёқараш ва ҳаётий бойликка, ҳаёт фаолиятида ўз ўрнини мақсадли ҳамда ўз-ўзини англашга йўналтириш [101].

Шахсга йўналтирилган ўқитиш вазиятини технологиялаштириш мураккаб жараён. Лойиҳалаш ва натижаларга эришиш учун педагогик жараён ҳақида яхлитлик сифатида тасаввурга эга бўлиш зарур. Қўпчилик олимларнинг таъкидлашича, педагогик технология – бу барча ўқитиш жараёнини тизимли режалаштириш, қўллаш ва баҳолаш усулидир.

чикишга бўлган бир канча талабларни ажратиб кўрсатади. Бу талаблар куйидагилар:

- ўқув материали ўқувчининг субъект тажрибаси мазмунини, бунга унинг олдинги ўқиш тажрибасини киритган ҳолда аниқлаши лозим, дарсликдаги билимни баён этиш фақат унинг ҳажмини кенгайтириш, тизимлаштириш, интеграциялаш, предмет мазмунини умумлаштириш эмас, балки ўқувчи субъект тажрибасини мунтазам янгилаб туриши керак;

- ўқитиш давомида ўқувчининг субъектли тажрибасини берилган билимнинг илмий мазмуни билан мунтазам мослаштириш зарур;

- билимларни эгаллашда ўқувчиларнинг мустақил таълими, ўз-ўзини ривожлантириши, ўз фикрини баён этиши кабиларга алоҳида эътибор қаратиш керак;

- ўқувчига вазифаларни бажариш, уларни ечиш учун ўқув материали мазмуни, тури ва шакллари таллашга имкон бериш керак;

- ўқувчи мустақил фойдаланиши учун ўқув ишлари усулларини аниқлаш ва баҳолаш керак;

- шахсий ривожланишда уларнинг функцияларини ҳисобга олган ҳолда ўқув ишларининг умуммантқий ва махсус усулларини ажратиш зарур;

- фақат натижани назорат қилиш ва баҳолашни таъминламасдан, балки ўқитиш жараёнини ҳам таъминлаш зарур;

- таълим жараёни барпо этиш, рефлексия, ўқитиш баҳолашини таъминлаши зарур.

Шахсга йўналтирилган технологияларнинг мақсади, шахсни ривожлантириш, уларнинг талабларини қондириш, ривожланганлик, шахсан “Мен” дан озод этиш, ўз-ўзини билиш, ўз мавқеини белгилаб олиш, мустақиллик, мустақил муҳокама қилиш, ўзини-ўзи намоён этиш учун шароит яратиш ҳисобланади [91, -б. 67].

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси, яхлит ривожланишга ёрдамлашувчи, эркин, ўз оёғи ва бошқаларникини ҳурмат қилувчи тарбияланувчиларнинг шахсий хусусиятларини инobatга олувчи – алоҳида ёндашув амалига асосланган [150].

Шахсга йўналтирилган технологиялар субъект-субъект муносабатларига асосланган. Олимларнинг таъкидлашича, бу технологиялар ўзаро ҳамкорликка асосланган ва ўқувчига

муносабат ҳудди педагогик мулоқот субъекти сифатида қаралади. Бунда унинг индивидуал-типологик хусусиятлари, шахсининг гулук шакллантирилиши, ўз имкониятларини сезиши, ўз қийин-ҳаракатларига жавобгарлиги, бошқа кишиларни тушуниши ва ҳурмат қилиши ҳисобга олинади [87, -б.48].

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг асосий имойили – ўқувчининг индивидуаллигини тан олиш ва унинг ривожланиши учун зарур ҳамда етарли шароит яратишдир. Уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, индивидуал ишлаш учун ўқув жараёнини ўзгача ташкиллаштириш лозим. Бунинг учун ўқув матнлари, дидактик материаллар, улардан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар, ўқув диалоги шакллари, ўқувчилар билимини инжурат қилиш шакллари махсус лойihalаштирилиб, уларнинг билим олиши ва ривожланишига қаратилади.

Е.В.Коротаева [68] шахсий ривожлантирувчи, субъект-субъектли технологияларга муаммоли, ривожлантирувчи, интерфол ўқитиш технологияларини киритади. Муаллифнинг таъкидлашича, шахсий ривожлантирувчи педагогик технологиялар асосини таълим жараёни ҳамда ўқувчилар позициясини фойлаш-ириш ташкил этади.

В.Д. Лобашев [78] шахсга йўналтирилган ўқитишнинг замонавий парадигмаси шахсий функцияни ташкил этувчи таълимни, миланиятни трансляция қилиш усули сифатида кўриб чиқади. Унинг асосида шахс ўзаро боғланган сифатларни эгаллаши лозим, улар: ўз-ўзини англашнинг юқори даражаси; кадр-қиммат; ўзини ҳурмат қилиш; мустақиллик; ўз тартиби; фикрлашнинг мустақиллиги; ҳурмат ва чидамлик; қобилият; ечим қабул қила олиши; жавобгарликни сезиш қобилияти; эркин танлашни амалга ошириш қобилияти.

Замонавий шароитларда шахснинг юзага келиши жараёнари ва механизмлари, роли ва ўрнини аниқловчи маданий-мантқий муҳитни шакллантиришнинг амалий-йўналтирилганлик факторлари ажратиб кўрсатилади.

Бизнинг педагогик фаолиятимизнинг асосий мақсади, ўқувчиларнинг шахсий ўқув фаолиятини таъминлаш учун, уларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олиш ва ривожлантириш учун шароитни яратишдан иборат бўлиши лозим. Ишнинг мазкур босқичида кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ечимимиз керак:

- ўқувчининг субъект тажрибасини очишга имкон берувчи ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли шакллари ва методларидан фойдаланиш;
- синфда ҳар бир ўқувчининг ишида қизиқувчанлик атмосфerasини яратиш;
- топшириқларни бажаришда хато қилишдан қўрқмасдан, турли усуллардан фойдаланиш, уларга ўз фикрини билдиришни стимуллаштириш;
- ўқувчига ўқув мазмунини тури ва шаклини танлашга имкон берувчи дидактик материаллардан дарсда фойдаланиш;
- ўқувчининг ўз иш услубини топганлигини, дарс давомида бошқа ўқувчиларнинг иш усулларини таҳлил қилишини, энг самаралиларини танлаш ва ўзлаштиришини рағбатлантиришга интилиш;
- дарсда ўқувчининг иш усулларида ташаббускорлик, мустақиллик, танловчанлигини намоён этишга имкон берувчи муносабат вазиятини яратиш.

Шахсга йўналтирилган технологиялар диққат марказида ўсиб келаётган инсоннинг ўз имкониятларини максимал амалга оширишга, янги тажрибаларни қабул қилишга, турли ҳаётий вазиятларда англаш ва жавобгарликни сезишга интилишлари ётади.

Ўқув жараёнига фаол ёндашиш юзаси қараганда оддий кўриниши мумкин. Ўқитувчи бирор ҳодисани узоқ вақт тушунириш ўрнига ўқувчига дарсликдаги маълум мавзунини мустақил ўқиб-ўрганишга, мавзу юзасидан берилган амалий тажрибаларни мустақил бажариш, ўқув натижаларини текшириш учун тест саволларига мустақил жавоб тайёрлашни топшириши ижобий натижа беради.

Агар ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг моҳиятини қўра олмаса, у ўқув мақсадини тан олмайди, ўқитувчи қўйган вазифаларни тушунмайди ва қабул қилмайди. Шунинг учун ўқув материални мазмунини аввал ўқитувчи томонидан ижобий ўзлаштирилиб, қайта ишланиб, ундан ўқувчини қизиқтирадиган, шахсий тажрибасига мос келиб, фикрини кўзгайдиган, ҳаяжонга соладиган хос жиҳатлар белгилаб етказилгандагина натижаси самарали бўлиши исботланган. Ана шундагина ўқувчи ўзини ушбу ҳодисаларнинг бевосита иштирокчиси ва ижодкори деб ҳисоблайди.

Ўқитувчи ўқувчини суёт тингловчидан дарс жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириши қатта аҳамиятга эга. Бунга

ўқувчининг ўз билими ва қобилиятига ишонч ҳиссини ошириши ун интириш омилидир. Ушбу вазифани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида ўқувчининг жисмоний, ақлий ва руҳий жиҳатдан ривожланиш даражалари таҳлил қилиниб, зарурий тавсияларни бериб, педагогик қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятига зарур ўринларни тузатиш ва қўшимчалар киритиб бориш муҳим. Ўқувчининг шахсий мустақил билиш фаолияти уларнинг ички мотивацияси юқори даражада бўлганда фаол ва самарали бўлади. Билиш ва ижодий фаолиятга нисбатан мотивация даражасини оширишнинг самарали воситаси — муаммоларни ўқитиш усули ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб мажбурий бўлмаган дарслар ҳақида гап кетганда, муаммоларни ўқитиш усули мақсадга мувофиқ эканлиги эътирозга ўрин қолдирмайди. Оддий дарсларда ўқитувчи берадиган вазифа кўпинча самарасиз, мажбур этувчи мотивация ҳисобланади. Ўқувчиларнинг дарсларда зеркичиши бу — уларнинг дангасалигидан эмас, балки ўқитувчининг уларни ўқитиётган мавзуга қизиқтира олмаганлигидан келиб чиқшини унутмаслик лозим. Кўп дарслар одадда «сўров-тушунтириш» олинган билимларни мустақамлаш — уйга вазифа» схемаси асосида ўтилади. Оқибатда, айрим ўқувчиларнинг онги ва кўли бўш қолади. Дарс жараёнида мақсаддан четлашиб, вақтни беҳуда ўтказиш, дарс бўлмаган соҳада мулоқот қилиб, вақтни беҳуда ўтказиш, дарсликдан бошқа қўшимча адабиётларни ўқимаслик дарс мазмунига салбий таъсир ўтказувчи жиҳатлардир. Шунингдек, қийин ва ғализ саволларни бериш ҳам ўқувчиларни ноқулай ҳолатга солиб, оқир-оқибат фандан ва ўқитувчидан бешишга олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим-тарбия асосида шахснинг интенсив ривожланиши, моддий-маънавий кадритларни ўзлаштириши фақат унинг шахсий фаолияти натижасида амалга ошади.

Шахснинг коммуникатив сифатларини ривожлантириш шахсга йўналтирилган технологиялар ёрдамида рўй беради. Бундан ташқари, шахсларо ўзаро муносабат технологияси: низоларни ечиш, музокараларни ўтказишда муҳим элемент ҳисобланувчи ахлоқ қўنىкмаларини шакллантиради. Кишининг бу қобилияти, шеригига ҳурмат ва унга муносабатини сақлаган ҳолда ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади.

Шахсга йўналтирилган технологиялар, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларига мос ўқитиш ва тарбиялаш методлари

хамда воситаларини топишга ҳаракат қилади: психодиагностик методика қуролланишни олади; ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ва муносабатни ўзгартиради; ўқитишнинг турли воситаларини қўллайди; таълим моҳиятини янгидан яратади.

Шахсга йўналтирилган технологиялар, авторитар, анъанавий ўқитиш технологияларига қарама-қарши ҳолда, улар ўқувчида мухаббат, ғамхўрлик, ҳамкорлик, шахснинг ижодкорлиги ва ўз-ўзини фаоллаштириш учун зарурий шароит атмосферасини яратади.

Шахсга йўналтирилган технологиялар ва анъанавий дарсни шахсга йўналтирилганлик билан таққослаш хусусиятларини ўрганиш, бизга коллежнинг шахсга йўналтирилган модели қуйидаги сабабларга кўра энг истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатади:

- таълим жараёни марказида билиш субъекти сифатида, таълимни инсонпарварлаштиришнинг жаҳон тенденциясига жавоб берувчи ўқувчи туради;
- шахсга йўналтирилган ўқитиш соғлиқни сақловчи технологиялар ҳисобланади;
- кейинги пайтларда шундай тенденция кузатилмоқдаки, оналар таълим муҳитида ўз болалари учун қулай, шинамликни изламоқда;
- коллежда мазкур моделга ўтиш зарурияти жамият томонидан тан олинмоқда.

Бизнинг фикримизча, И.С.Якиманский томонидан шакллантирилган шахсга йўналтирилган дарснинг энг аҳамиятли принциплари қуйидагилар [151]:

- ўқувчининг субъектив тажрибасидан фойдаланиш;
- уларга турли топшириқларни бажаришда, ўқув материалларини мустақил танлашда, турли тип, шакллари ҳисобга олишда эркинлик бериш;
- ўқувчиларнинг ижодкорлигини амалга ошириш воситаларини топиш;
- ҳамкорлик, мотивация, ютуқларга эришиш жараёни асосида ўқитувчи ва ўқувчининг муҳим эмоционал контактини таъминлаш.

Шахсга йўналтирилган таълим технология ўқувчи шахсини таълим тизимининг марказига қўяди, уларнинг қобилиятини рўёбга чиқариши учун ҳар томонлама шарт-шароит яратади. Педагогик технологиянинг яна бир муҳим тарафи таълим жараёнидаги ўқувчининг ўрни ва унга катталарнинг муносабатидир.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси инсонийлик философияси, психологияси ва педагогикасининг уйғунлигини намоиш қилади. Ўқитувчининг диққат марказида мустақил ва масъулият билан қарор қабул қилишга қодир бўлган ўқувчи шахси туради. Уларга билим берувчи анъанавий педагогик технологиялардан фарқли ўлароқ шахсга йўналтирилган таълим технологиясида юқорида қайд этилган йўналишларни шахс томонидан забот этилиши тарбиянинг асосий мақсади қилиб қўйилади.

Шахсга йўналтирилган технологиялар

Бугунги кунда мутахассисларни тайёрлаш тизимида фаол педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки мазкур технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларни ўқитиш мазмунни таҳлил этишга, юқори натижаларга эришишга имконият яратади.

Ҳозирда жуда кўплаб педагогик технологиялар мавжуд. Уларни ишлаб чиқиш, ўз навбатида, у ёки бу назарий концепцияларга мос келади. Чунки технологияларни лойиҳалаш мураккаб жараён бўлиб, ўз ичига бир қанча, яъни концептуал, методик, операцион, аналитик, назорат-баҳолаш, натижавий каби даражаларни олади [95].

Шахсга йўналтирилган технологиялар - субъект-субъект муносабатларига асосланган [105, -Б. 48].

Олимларнинг таъкидлашича, бу технологиялар ўзаро ҳамкорликка асосланган ва ўқувчига муносабат худди педагогик мулоқот субъекти сифатида қаралади. Бунда унинг индивидуал-типологик хусусиятлари, шахснинг тўлиқ шаклланиши, ўз имкониятларини сезиши, ўз ҳатти-ҳаракатларига жавобгарлиги, бошқа кишиларни тушуниши ва ҳурмат қилиши ҳисобга олинади.

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган назарияларига қуйидаги асосий тамойиллар хос бўлади:

- инсонпарварлик, яъни инсонга ҳар томонлама ҳурмат ва мухаббат кўрсатиш, унга ёрдамлашиш, унинг ижодий қобилиятига ишонч билан қараш, зўрлашдан тўла воз кечиш;
- ҳамкорлик, яъни ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатидаги демократизм, тенглик, шериклик;
- эркин тарбиялаш, яъни шахсга унинг ҳаёт фаолиятини кенг ёки тор доирасида танлаб олиш эркинлиги ва мустақилликни бериш, натижаларини ташқи таъсирдан эмас, ички ҳиссийётлардан келтириб чиқариш. Шахсга йўналтирилган технологияларнинг коммуникатив

асоси – педагогик жараёнда ўқувчига инсоний - шахсий ёндашув ҳисобланади.

Муҳаббат ва ҳурмат, унга ёрдамлашиш ҳислатлари асосида цивилизация шаклланиб келди. Миллатимиз шаклланиши билан биргаликда халқимизнинг менталитети инсонга муҳаббат ва ҳурмат кўрсатиш, унга ёрдамлашиш ҳислатлари асосида юзага чиқди. Аввало, ёшларимизга нисбатан муҳаббат яққол намоён бўлади.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, ажойиб шахсий ғазилатларга асосланган таълимимиз, жаҳон фанининг шаклланишига ва ривожига ўзининг муносиб ҳисса қўшгани билан ажралиб туради.

Шахсга йўналтирилган технологиялар инсоннинг ақлий қобилиятларини очишига хизмат қилади.

Индивидуал ёндашувнинг замонавий янги талқини қуйидагилардан иборат: Ўртача ўқувчига йўналтиришдан воз кечиш; шахснинг яхши ҳислатларини излаш; шахс ривожланишининг индивидуал дастурларини тузиш.

Шахсий ёндашишда, биринчи навбатда, қуйидагилар зарур бўлади: ҳар бир ўқувчи қиёфасида ноёб шахсни кўриш, уни ҳурмат қилиш, тушуниш, қабул қилиш, унга ишониш. Ўқитувчида барча ўқувчилар истеъдодли деган ишонч бўлиши керак; шахсга, ютуқни маъқулловчи, қўллаб-қувватловчи, хайрихоҳ вазиятлар яратиш, яъни ўқиш, қониқиш ва хурсандчиликни олиб келиш керак; бевосита мажбурлашга йўл қўймаслик, қолоқликка ва бошқа камчиликларга ургу бермаслик, унинг нафсониятига тегмаслик; педагогик жараёнда ўқувчиларга ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришга имконият яратиш ва қўмаклашиш.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари илмий-техникавий тараққиёт жадаллаштирилган даврида ривожланган давлатларда шакллантирилганлигини инобатга олган ҳолда улар чуқур илдишларга эга эканлигини таъкидлаш тўғри бўлар эди.

Қадимий файласуф Сукрот ўз чиқишларида савол ва жавоб усулини ишлатар эди. Бу усул ҳақиқатни билиб олиш учун ёрдам берар эди.

Қадимий Рим педагоги М.Ф.Квентилиан ҳар бир шогирдга эътибор ва диққат билан ёндашишни тавсия берган эди. Ўрта аср шарқнинг буюк олиму мутафаккирлари томонидан йирик педагогик мерос қолдирилган.

Асрлар, минг йиллар давомида шахсга янгича қараш қуйидагилардан иборат бўлади: педагогик жараёнда шахс объект

имик, субъект ҳисобланади; ҳар бир ўқувчи қобилият эгаси, индивидуал эса истеъдод эгаси ҳисобланади; юқори этик ва эстетик қадриятлар (саҳийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждон қабилар) шахснинг устувор ҳислатлари ҳисобланади.

Муносабатларни демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқувчи ва ўқитувчи ҳуқуқларини тенглаштириш; ўқувчининг эркин танлаб олиш ҳуқуқи; ҳаттога йўл қўйиш ҳуқуқи; ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи; ўқитувчи ва ўқувчилар муносабати зайли: тақикламаслик, бошқариш эмас, биргаликда бошқариш, мажбурлаш эмас, ишонтириш, буюриш эмас, ташкил қилиш, ҳегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Янги муносабатларнинг асосий мазмунини, ҳозирги замон шароитида самарали натижа бермайдиган ва ғайрининсоний ҳисобланадиган зўравонлик педагогикасидан воз кечишдир. Муаммо бу замойилни мутлақлаштиришда эмас, балки унинг оқилона мезонларини аниқлашдадир. Умуман олганда тарбия жараёнида зўравонлик мумкин эмас, аммо жазолаш инсонни камситади, ривожланишини сусайтиради.

Шахсга йўналтирилган технологияларни таълим жараёнида амалга оширишда асосий вазифа – тарбия, таълим, ўқувчиларнинг ривожланиши ва ўз-ўзини ривожлантириш қонуниятлари ва мантиқини аниқловчи методологик ва методик позицияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган технологиялар талабаларда ижобий Мен-концепцияни шакллантиришга йўналтирилган.

Р.Бернс [28] Мен-ўзлигининг қуйидаги иерархик структурасини ажратиб кўрсатади: Глобал “Мен” индивидуал англашнинг барча қирра имкониятларини ўз ичига олади. У 2 та йўналишда қўйиб чиқилади: Мен-англаш ва Мен-объект. Мен-англаш жараён ва ўз-ўзини баҳолаш қабил аниқланади. Мен-объект англаш жараёнида амалга оширилади ва ўз-ўзини англашга имкон беради.

Бу йўналишлар талаба интизомини аниқлаштиради. Бунда қуйидаги компонентларга эътиборни қаратиш лозим: Мен - аниқ, бу талабанинг ўзини ва ўз қобилиятларини қандай қабул қилиши, Мен - қўзғули, индивидни бошқаларнинг қандай қўриши, Мен - идеал бу талабанинг ўзини қандай бўлишини қўриши. Бу установақалар шахснинг физик, ижтимоий, ақлий ва эмоционал

ривожланишини таъминлайди. Ижобий муваффақиятга имкон берувчи Мен-концепциясини яратиш муҳим (Мен-ёқаман, Мен - қобилиятли).

Ижобий Мен-концепциясини шакллантириш учун қуйдагилар зарур: ҳар бир талабада ноёб шахсни кўриш, ҳурмат қилиш, тушуниш, қабул қилиш, ишонич; хурсандчилик олиб келувчи, муваффақият, қўллаб-қувватлаш, одамийлик вазиятини яратиш; билмаслик сабабларини ва нотўғри интизомни тушуниш ҳамда уларни бартараф этиш, бунда киши обрўсига путур етказмаслик; ижобий фаолиятда ўзини намоён қилиш имкониятларини кўрсатиш.

Киши ўз моҳиятига кўра ўзини атроф-муҳитдан алоҳида ажратиб кўрсатади, ўзининг жисмоний ва психик ҳолати, ҳаракатлари ва жараёнларининг субъекти сифатида ҳис этади, ўзи учун бошқаларга қарши турган ва айни чоғда улар билан узвий боғлиқ бўлган "Мен" сифатида намоён бўлади. Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишдан ҳосил бўладиган киёфа "Мен" деб аталади. Мен образининг ижтимоий психологик аҳамияти, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади.

"Мен"нинг сиймоси учта компонентни ўз ичига олади:

— когнитив таркибий қисм, кишининг ўз қобилиятлари, ташқи киёфаси, ижтимоий аҳамияти кабилар;

— иккинчи — ҳисси баҳолаш таркибий қисми, ўзини ҳурмат қилиш, ўзига бошқа нуктаи назардан ёндашиши, ўзининг севизи, ўзини ерга уриши кабилар;

— учинчи — хулқ-атворнинг иродавий-таркибий қисми, сени тушунишлари учун интилиш, ўртоқларининг хайрихоҳлигини, ҳурматини қозониш кабилар [5].

Шахсга йўналтирилган таълим мазмунини технологиялаштириш асосан ўқув ва дидактик материалларни ишлаб чиқиш, ўқувчи шахсини ривожланишини назоратга олиш ишларини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутди. Технологиялаштириш ўқувчига ўқув материалнинг мазмунини ўзи танлашига ўз-ўзини баҳолашга имконият яратади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясидаги фундаментал ғоя тушунтиришдан-тушунишга, монолождан-диалогга, назоратдан ривожланишга, бошқаришдан-ўзини ўзи бошқаришга ўтишдан

иборат. Педагог асосий урғунни фанни билишга эмас, балки биринини тушунишга ҳаракат қилиб, ўқувчининг ижод этиши учун эркинлигини таъминлаши керак. Ижод ва изланиш ўқувчининг шахсга йўналтирилган таълим технологияси муҳитидаги борлигининг асоси бўлмоғи лозим. Аммо ўқувчининг жисмоний, интеллектуал ва руҳий ҳолати мустақил равишда таълимдаги ижодий изланиш талаб қиладиган топшириқларни бажаришга ва ҳаётий муаммоларни ечишга етарли эмас. Шунинг учун унга педагогик қўллаб-қувватлаш ва ёрдам керак бўлади. Шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг тавсифидаги мана шулар "калит" сўзлардир.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясига қўйиладиган талаблар: диалог (ўзаро суҳбат); фаоллик ва ижодкорлик; ўқувчининг индивидуал ривожланишини қўллаб-қувватлаш; ўқувчига мустақил ижод қилиши, қарор қабул қилиши, таълим олиш тури ва услубларини танлаши учун имконият яратиб бериш;

Педагог қўйдаги талабларга жавоб бериши керак: санъат, ижодкорлик ва ўқувчига ҳурмат билан муносабатда бўлиш; инсоний, педагогик позицияда бўлиш; ўқувчиларнинг руҳий ва жисмоний соғлом бўлиши ҳақида қайғуриши; доимий равишда маданый-ахборот, фанни ривожлантирувчи янгилеклардан унумли фойдаланиб таълим жараёнини бойитиб бориши; таълим мазмунини билан ишлашни билиши ва унга шахсга йўналтирилган шакл бера билиши; турли педагогик технологиялардан фойдалана олиши ва уларга шахсни ривожлантирувчи йўналиш бера олиши;

— ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини қўллаб-қувватлаши ва уларни ривожлантириш ҳақида қайғуриши.

Шундай қилиб, таълим жараёнида шахсга мурожаат қилмасликнинг иложи йўқ. Шахсга йўналтирилган таълим технологияси ўқувчи шахсини бутун бир таълим тизимининг марказига қўяди ва унга табиатан берилган ўз қобилиятини рўёбга чиқариши учун ҳар томонлама қулай, хавфсиз, эркин шарт-шароит яратади. Ўқувчи шахси бу технологияда нафақат субъект, балки кенг имкон берилган субъект бўлиб, у таълим тизимидаги асосий бўлмаган мақсадларга эришиш воситаси эмас, балки унинг асосий мақсади ҳисобланади.

II БОБ. КИМЁ ФАНЛАРИНИ ҲҚИТИШ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ШАХСГА ҲЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР

2.1. Коллежларда кимё фанларини Ҳқитиш мазмунини Ҳрганиш методикасининг Ҳзига хос жиҳатлари

Педагогика бҲйича, айниқса, бу соҳадаги кейинги йилларда нашр қилинган адабиётларда илмий-техника тараққиётининг эришган ютуқлари муносабати билан коллеж Ҳқувчиларига касбий таълим бериш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқишни давом эттириш зарурлиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар кўп марталаб айтилмоқда. Дарҳақиқат, республика-мизнинг мустанкил давлат сифатида жаҳондаги илгор, тараққий этган демократик давлатлар қаторига қўшилиши учун инти-лаётган ҳозирги даврда жамиятимизга, саноат ва ишлаб-чиқаришининг барча соҳаларида фаоллият кўрсатишга тайёргар-лиги етарли ҳар тарафлама ривожланган шахслар керак.

Шундай экан, коллежларда барча фанларни, шу жумладан кимё фанини Ҳқитишни яхшилаш, кимё фанидан таълимда касбий тамойилни ҳозирги давр Ҳқув концепцияси талабларига биноан амалга ошириш орқалигина эришилади.

Ҳозирги вақтда касбий таълим бҲйича адабиётларда икти-содий ривожланишда шахс омилининг кучаётганлиги кўплаб қайд этилмоқда. Чунки шахс омили давлатимизнинг социал-иктисодий ривожланишининг асосий омили ҳисобланади, бошқа Ҳўналишларнинг ҳаммаси эса шахснинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Илмий-техника тараққиёти жамиятнинг билим даража-сига, инсоннинг ишлаб чиқариш бҲйича кўникма ва малакаларига боғлиқ равишда ривожланади.

Илмий-техника тараққиёти коллеж Ҳқувчиларининг амалий тайёргарлигига ҳам янгича талаблар қўяди. Унинг характери умумтехникавий, ижтимоий, умуммехнат кўникма ва малака-ларининг турличалиги билангина эмас, балки уларнинг сифати, ҳаракатчанлиги, янги техника ва технологиянинг жорий қилина

бориши ҳамда Ҳзгараётган меҳнат шароитларида қўллай билиши билан аниқланади.

Маълумки, физика, кимё ва биология фанлари ишлаб чиқа-ришнинг илмий асосини ташкил этади. Шунинг учун коллежларда кимё ва Ҳқув режасидаги бошқа фанларни Ҳқитишни тубдан яхшилашимиз, уларнинг ҳар бирини, жумладан кимёни Ҳқитишда касбий таълимни амалга ошириш ишига жиддий ёндашишимиз керак. Яна бир марта таъкидлаймизки, Ҳқувчи келгусида баркамол шахсга айланиши учун уни коллежда фан асосларини касбий таълим руҳида Ҳқитишни яхши Ҳўлга қўйилгандагина эришиш мумкин. Коллежларда кимё Ҳқитишни ишлаб чиқариш асослари билан боғлаб олиб борганимиздагина пировард натижада ишлаб-чиқаришни малакали ишчи ва мутахассис ходимлар билан таъмин-лаш ишига ёрдамлаша оламиз. Бу мақсадга эришиш Ҳўлларини аниқлаш учун биз даставвал кейинги йилларда бажарилган кимё Ҳқитишни ишлаб чиқариш билан боғлашга оид илмий тадқиқот ишларини, педагогик ва услубиётга оид адабиётларни таҳлил қилдик ва Ҳзимизнинг ишимизга ёрдам берадиган хулосалар чиқаришга интилдик.

Коллежларда кимё фанларини Ҳқитиш мазмунини тако-миллаштириш, касбга Ҳўллаш ишларининг давр талаблари асосида бажарилишини Ҳўлга қўйиш мақсадида биз *"Сиз шахсни шакллантириш омилларини биласизми?" Ҳқув курсини Таклиф этдик ва унинг самарадорлигини асослаб бердик.* Таклиф этилаётган бу Ҳқув курсининг мазмунини ташкил этувчи Ҳқув материаллари кимё дастури асосида танланган, кимёнинг амалий масалалари ёрдамида Ҳқувчиларнинг саноат ишлаб чиқариши асосларига оид билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни мақсад қилиб қўйилган.

Мазкур тадқиқот ишининг кимё Ҳқитишдаги аҳамиятини ҳеч қандай камситмасдан туриб, тадқиқот ҳақидаги баъзи эътирозларимизни кўрсатишни лозим топдик, унда бирор аниқ мавзу бҲйича Ҳқув материалнинг мазмуни, уни Ҳқувчиларга тушунтиришга оид кўрғазмалар воситалар, машғулотни Ҳтиш услубиёти ишлаб чиқилмаган. Бошқача айтганда, бу тадқиқот ишида кимё Ҳқитувчиларининг амалий фаолиятига Ҳзвий ёрдам берадиган материалларни муфассал ёритилмаган.

Шунинг учун коллежда кимё Ҳқитишда унинг мазмунини такомиллаштиришга хизмат қиладиган мазкур илмий тадқиқотни

Ўтказиш долзарб педагогик муаммодир. Коллежда кимё ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда касбий таълим тамойилини жорий этиш ва касбга йўллаш ишини яхшилашга қаратилган ушбу тадқиқотнинг ижобий ҳал этилиши, албатта, ўқувчиларнинг касбий ва меҳнатга тайёргарлигининг кучайишига ёрдам беради, деб қараймиз.

Ҳозирги вақтда коллежлар олдида билимли, бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликларини енга оладиган, жамият ва халқимиз фаровонлиги учун курашадиган ёшларни тарбиялаб етиштириш вазифаси туради. Бу вазифаларни ҳал этиш учун коллежларда таълимнинг, жумладан, кимё фанларини ўқитиш мазмунини ва ўқитиш услубиётини шу куннинг талабларига мослаб, таълимнинг янгича мезонларини ишлаб чиқиш ва мунтазам давом эттириб боришимиз керак. Коллежда турли фанлар, шу жумладан кимёни ўқитишнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтириш учун унинг касбий мазмунига эътиборни оширишимиз керак. Ўқувчиларга кимё фани асосларини ўқитишда касбий тамойил амал қилингандагина, уларни битириб чиққан ёшлар ҳозирги замон саноат ва ишлаб чиқаришида фаол иштирок эта оладилар. Бу каби вазифаларни амалга оширишда бизга шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар ёрдам беради.

Коллеж кимё курсини, унинг амалий масалалари билан боғлаб ўқитишнинг зарурлигини ва афзалликларини олимлар ҳар тарафлама текширган. Улар мазкур педагогик муаммонинг педагогик асосларини, кимё ўқитишда касбий тамойилни жорий қилишда амалий масалаларга оид билимларнинг тизимларини тузишнинг асосий йўналишларини аниқлаб берганлар. Коллежда кимё ўқитишни ишлаб чиқариш билан боғлаб ўқитиш ва унинг касбий таълимдаги ижобий ролини кўрсатишга кўп тадқиқотларда бағишланган. Мазкур ишда таъкидлаганимиздек, кўп тадқиқотларда кимё асосларини ўрганишга етарлича аҳамият берилган. Аммо коллеж кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга алоҳида педагогик муаммо тарзида қўйилиб ва уни ҳал этишга бағишланган илмий тадқиқот иши деярли йўқ. Бошқача айтганда, ўқувчиларга ишлаб чиқаришнинг кимёвий асосларини ўрганишга оид тадқиқот ишлари кўп бўлса-да, аммо унинг иккинчи ташкил этувчиси — кимёга оид амалий материалларни ўрганишга илмий тадқиқот ишлари етарли эмас.

Биз кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш билан касбий таълимни амалга оширишда коллежларда ишлаб чиқаришнинг кимёвий асосларини ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришнинг характерли хусусиятларидан бири эса, янги илмий изланишлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдир. Бунинг оқибатида коллежда ўрганиладиган ўқув материалнинг ҳажми ортиб кетиши мумкин. Амалий кимёга оид касбий материалларнинг ўқувчиларни ортиқча юктамаслиги ва зериктириб қўймаслиги учун бундай билимлар коллеж кимё дастурида назарда тутилмаган, ўқувчилар учун бутунлай нотаниш бўлган соҳалардан эмас, балки уларнинг умумтаълим фанларидан эгаллаган билимларига суяниши, аниқроқ айтганда, уларнинг амалиётга қўлланишига оид бўлиши керак. Бизнинг назаримизча, эгаллаган билимларни амалда қўллай билиш, бу ўқув материалнинг онгли равишда, тўғри ўзлаштирилганлигини мезонидир. Коллежда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун кимё фанида касбий таълимни амалга ошириш воситаси сифатида қаралаётган бундай материаллар мазмунини аниқлаш ва такомиллаштириш учун бир неча педагогик талабларни олға суришимиз керак.

Коллежда таълим жараёнини назарий таҳлил этиш ва олиб борилган тажрибавий ўқитишларимиз асосида қуйидаги таклифларни берамиз:

— кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришнинг илмий даражаси ошиб бораётганлиги муносабати билан шахсга йўналтирилган амалий масалаларга оид материаллар умумлаштирувчи, такомиллаштирувчи материаллар тамойилида киритилиши керак;

— шахсга йўналтирилган амалий масалаларга оид материаллар кимё дастури материаллари билан узвий боғланган бўлиши шарт;

— шахсга йўналтирилган амалий масалаларга оид материаллар кимёвий қонунлар, ҳодисалар ва омилларнинг ишлаб чиқариш шароитида қўлланишини акс эттириши керак;

— шахсга йўналтирилган амалий масалаларга оид материаллар соҳанинг илмий асосларини кўрсатиши билан биргаликда, айти шу вақтда ўқувчиларни меҳнат фаолиятининг у ёки бу турига қизиқишининг ортишига ва шу асосда касб танлашга онгли равишда ёндашишига ёрдам бериши керак;

— коллеж кимё фанида шахсга йўналтирилган амалий масалаларга оид материалларни ўрганишда дидактиканинг асосий тамойиллари: илмийлик, муаммоли, кўргазмали, тушунарли, тизимли ва кетма-кетлик, таълимнинг мустақамлиги ва бошқа тамойиллардан келиб чиқиши керак;

— ўқувчиларни соҳада касб танлашга йўллаш характеридаги шахсга йўналтирилган амалий масалаларга оид материаллар, уларнинг кимёдан билимларини чуқурланишига ёрдам бериши керак;

— шахсга йўналтирилган амалий масалаларга оид материалларни кимё ўқитиш жараёнида ўрганиш кимёнинг бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши асосида амалга оширилиши керак. Бу таклифлар асосида кимёга оид шахсга йўналтирилган амалий материалларни ўрганишда кимё ўқитувчиси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак;

— соҳанинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда дарсларда, синфдан ташқари ишларда ўрганиш учун юқоридаги талабларга амал қилган ҳолда шахсга йўналтирилган ўқув материаллари мазмунини танлаш керак;

— уларни ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш ва тажрибавий ўқитишларни олиб бориш керак;

— кимё ўқитувчисининг кимёга оид шахсга йўналтирилган амалий материалларни ўрганишга оид фаолияти асосида услубий тавсияномалар ёзиб ва нашр қилиб ўз тажрибасини оммалаштириши керак.

Маълумки, ҳар бир дарснинг мақсади, ўқув-тарбиявий вазифалари бор. Шунинг учун кимё ўқитувчиси биз таклиф этаётган шахсга йўналтирилган материаллар ўрнини топиб ишлатиши, бундай гуруҳдаги материалларни ўргатишга ижодий ёндашиши керак.

Коллежда кимё ўқитувчиси ўқувчиларга асосий шахсга йўналтирилган ўқув материалларини мустақил ва чуқур ўзлаштириб олишларига ҳамда олган билимларини амалий масалаларни ўрганишга қўллай олиши билан биргаликда уларни ишлаб чиқаришга қизиқишини тарбиялашга ёрдам бериши лозим. Кимёдан амалий билимлар ўқувчиларга соҳанинг илмий асосларини ўрганиш имконини беради. Шунинг учун шахсга йўналтирилган амалий материаллар пухта ўрганиш жараёни ўқувчиларни касбларга йўналтириш учун хизмат қилади.

Кимёдан дарслар ўқувчиларнинг мустақил амалий фаолиятларининг кучайишига ёрдамлашиши лозим. Бу тамойилни ўзлаштириш ўқувчиларнинг назарий материалларни ўрганиш билан бир қаторда турли шахсга йўналтирилган амалий ишларни бажаришини ҳам назарда тутати. Шунинг учун дарсларда турли лаборатория ишларини бажаришда, моделлар ва макетлар ясашда, кўргазмали тажрибалар ўтказишда турли ўлчалар ўқувчилардан ақлий фаолиятнинггина эмас, балки қўллари билан ҳам ишлашни талаб этади. Бу ўз навбатида ўқувчилар малакаларининг ортishiга ва меҳнат тарбиясига ёрдамлашади. Мустақил амалий ишлар ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш даражасини кучайтиради, коллеж ўқувчиларининг ижодий қобилиятларини ўстириш эса ўқитишнинг бош вазифаларидан биридир. Ижодкорлик ўқувчининг фаоллиги ва мустақиллигининг олий шаклидир. Шундай қилиб, коллежларда кимё ўқитиш жараёнида кимёга оид шахсга йўналтирилган амалий материалларни юқорида айтилган талаблар асосида ўрганилса, унинг педагогик самарадорлиги юқори бўлади.

Коллежларда кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришдан кўзланган асосий мақсад: ўқувчиларни кимё фанининг асосий тушунчалари, қонунлари ва назариялари билан таништириш, ўқувчилар онгида бизни ўраб олган дунёнинг табиий-илмий манзарасини тўғри шакллантириш, илмий тадқиқот услубларини етгаллаш, ўқувчиларни маҳаллий ҳамда минтақада содир бўладиган кимёвий ҳодисалар билан таништириш, мустақиллик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, эркинлик, ҳамкорлик, ижодкорлик каби қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг амалий қўникма ва малакаларини кучайтириш, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаоладиган шахсларни тарбиялашдан иборатдир. Бу мақсадларга эришиш учун коллежларда таълим-тарбиянинг ҳамда кимё фанини ўқитиш услубиётининг хозирги кун талабларига жавоб берадиган даражага ўтказилсагина амалга ошади. Кимё ўқитишни хозирги замон билан боғлаб борилгандагина, ўқувчилар билимини кенгайтиришимиз ва чуқурлаштиримиз мумкин. Бу ишни амалга оширишда кимёнинг бошқа фанларро боғланишига асосланишимиз ва ундан фойдаланишимиз зарур.

Кимё ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган амалий кимё масалаларини ўрганишни ҳам асосий дидактик тамойиллар каторига кўтаришимиз керак.

Кимёнинг шахсга йўналтирилган амалий масалаларининг соҳалари кўп бўлиб, биз улар орасидан фақат кимё мазмундагиларини танлаш ва ўрганиш услубиётини ишлаб чиқишни ўзимизга мақсад қилиб қўйдик. Ҳозирги вақтда фан ва техниканинг жадал тараққий этаётганлигига қарамай яқин келажакда соҳанинг бу функцияси сақланиб қолади. Ишлаб чиқаришининг тараққиёти даражаси миллий иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолатини ҳам белгилайди. Саноати ривожланган ва иқтисодий бақувват давлатларда саноат ҳам ривожланган бўлишини ҳам-мамиз яхши биламиз.

Педагогик ва услубий адабиётлар орасида коллеж кимё фанининг бошқа фанлар (физика, биология ва б.к.лар) билан алоқасини ёритишга бағишланган илмий тадқиқот ишлари кўп. Аммо улар орасида кейинги йилларда амалга оширилаётган таълим тизимига асосланиб, бу фанларнинг ҳозирги вақтда эришган ютуқларини эътиборга олган ҳолда ўтказилган илмий тадқиқот ишлари етарли эмас.

Маълумки, физика жонсиз табиятнинг энг содда ва шу билан бирга умумий хоссаларини ўрганади. Биология эса жонли табиятнинг ривожланиш қонунларини ўрганади. Ҳозирги кунда биз биология фанида рўй бераётган сифат ўзгаришларнинг гувоҳимиз, биз яшаётган даврда биология фани физика ва кимёнинг ютуқлари асосида, математик аппарат билан қуролланган ҳолда тавсифий фандан микдорий ҳисоблар олиб борадиган фанга айланиб бормоқда.

Физика ва кимёнинг ютуқларидан фойдаланиш асосида ҳаёт негизларини молекулалар сатҳида тадқиқот этиш бошланди ва шу асосда биологик физика (биофизика) ва биологик кимё (биокимё) фанлари вужудга келган ва жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Юқорида келтирилган кимёнинг физика, биология, математика каби фанлар билан алоқасининг қисқача таҳлилидан кўриниб турибдики, кимё мазмундаги амалий масалалар кўп, биз улар орасидан коллеж кимё дастури билан узвий боғланган, ўқувчиларнинг кимёвий билимларини чуқурлаштирадиган, улар-

нинг ёшларига мос келадиган ҳамда касбий билимини кучайтирадиган ўқув материалларигина танлади.

Биз таклиф қилаётган кимёга оид шахсга йўналтирилган амалий материаллар коллеж кимё курси дастуридаги материаллар билан узвий боғланган. Уларни янги материални баён этиш дарсларида, лаборатория ва масалалар ечиш дарсларида, синфдан ташқари ишларда ўрганилади.

Биз юқорида ҳозирги даврда фанларнинг тараққиёти турли фанларнинг ўзаро боғланишининг кучайишига ёки фанларнинг бир-бирига, масалан, кимёнинг биологияга ва физикага кириб бориши билан характерланишини айтиб ўтганмиз. Бу боғланишлар коллежда ҳам турли фанлар орасидаги боғланишларда ўз аксини топиши керак.

Кимёни ўрганишда олдинги ўзлаштирилган билимларгагина таяниб қолмасдан, шу билан бирга бошқа табиий фанлардан олинган билимлардан ҳам фойдаланиш керак ёки бошқа фанларни ўқитиш жараёнида эса кимёдан Олинган билимларга суянилади. Кимё фанини бошқа ўқув фанлари билан боғланишини амалга ошириш ўқувчиларнинг тушунчалар, ҳодисалар, назариялар орасидаги ҳар томонлама боғланишлар борлигини ўрната олиш кўникмасини шакллантиради, бу фанлараро боғланишлар билимларни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Биз таклиф қилаётган кимё йўналишдаги амалий кимёнинг характерли белгиси шундаки, унда кимё ўқитиш жараёнида ўқувчилар ўзлаштирган кимёвий тушунчалар, ҳодисалар ва қонунлар биология ва кимёда қўлланилади. Масалан, кимё фанидаги зичлик, масса, оғирлик кучи, ҳарорат, иссиқлик микдори, солиштирма иссиқлик сигими, иссиқлик ўтказувчанлик, намлик ва бошқа тушунчалар физика, биология, ботаника каби фанларда ҳам қўлланилади.

Умумлаштириб айтишимиз мумкинки, кимё йўналишдаги билимларни фанлараро боғланишларга асосланиб баён қилишдан мақсад, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги касбий билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, пировард натижада ўқувчиларни ишлаб чиқариш соҳасида касб танлашга йўллашдир.

Шундай қилиб, коллеж ўқувчиларини касбга йўллаш ишининг асосини касбий таълим ташкил этади, шахсга йўналтирилган касбий материаллар ўқувчиларнинг касб танлашга кенгроқ имкониятлар яратади. Коллежни битирадиган ўқувчиларни

соҳада ишлашга йўллаш ишини коллеж, оила ва ишлаб чиқариш ташкилотлари биргаликда олиб борагина муваффақиятларга эришиш мумкин.

Биз ушбу бобда кимё мазмунига оид танланган шахсга йўналтирилган ўқув материалларни дарсларда жорий этиш бўйича коллеж кимё ўқитувчисининг фаолиятини тахлил қиламиз. Шу максатда машғулот турлари орасидан назарий материалларни баён қилиш, лаборатория ишларини бажариш, масалалар ечиш дарсларини танладик. Коллежда ўқувчиларни кимёдан шахсга йўналтирилган амалий ишлар билан таништириш бўйича олиб борилган педагогик синовлар натижасида худди шу турдаги дарсларнинг мазкур тадқиқот ишининг муаммосини ҳал этишда самарадор эканлиги аниқланди.

Коллежда ўқувчиларга кимёдан таълим беришда шахсга йўналтирилган дарсларнинг турлари орасидан янги материални баён этиш асосий дарс тури бўлиб, унда кимё ўқитувчисининг ўқитиш жараёнида касбий таъйинини жорий қилиш имкониятлари катта. Ўқитувчи дарсда янги материални баён этиш учун турлича: ҳикоя, суҳбат ва мазруза услубларидан фойдаланади. Ўқитувчининг дарс жараёнида у ёки бу услубдан фойдаланиши дарснинг мақсади ва вазифаларидан, янги ўқув материалнинг мазмунидан, ўқувчиларнинг билим даражаси ва ҳаётий тажрибаларининг кенглигидан ҳамда уларнинг ўрганилаётган мавзуга қизиқишидан келиб чиқади. Кимё ўқитувчиси янги материални баён этишда ишлаб чиқаришга оид шахсга йўналтирилган амалий харақтеридagi касбий материаллардан фойдаланишида коллежлар жойлашган ҳудудлардаги ишлаб чиқаришининг тармок хусусиятларини яхши билиши керак.

Ишлаб чиқаришда амалга ошаётган ҳозирги даврда, коллеждаги ҳар бир фанга, шу жумладан ўқувчиларнинг кимёдан эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишларига талаб янада ортади. Шунинг учун, ҳар бир ишлаб чиқариш ходими фан асосларини яхши билиши ва уни аниқ зарурий шароитда қўллай билиши керак. Республикамызда саноатни хомашё билан таъминлаш сингари муҳим вазифалар белгиланган. Бу вазифаларни ҳал этилиши ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ходимларининг фидокорона меҳнат қилишини талаб этади. Бундан ташқари, бу шарафли меҳнат жараёнига коллежни битирган ёшларнинг қўшилишини ҳам қучайтириш лозим. Шунинг учун ҳар бир

ўқитувчи ўсиб келаётган ёш авлодни, бу соҳада касб танлашга йўллаш ишларини тинмай амалга ошира бориши керак. Кимё дарсида дастур материалини ёритишда, шу мавзуга боғлиқ бўлган амалий масалаларга ҳам ўқувчилар диққатини жалб этиш муҳим.

Энди янги материални баён қилиш жараёнида кимёдан шахсга йўналтирилган амалий ишларга оид материаллардан фойдаланишга 1-мисол сифатида "Суюқликларда диффузия ходисаси" мавзуси бўйича таклиф қилинаётган ўқув материаллари билан ўқувчиларни таништиришга оид мулоҳазаларимизни келтирамиз.

Диффузия ходисасини ўрганишга бағишланган дарснинг асосий вазифаси ўқувчиларни МКН (молекуляр-кинетик назария)нинг моддалар молекулалари доимо ҳаракат ҳолатида бўлади деган асосий қонуниятларидан бири билан таништириш эканлиги маълум. Бизнинг фикримизча, коллежларда юқоридаги мавзунини ўтишда ўқувчиларни молекуларларнинг яримўтказувчи тўсик орқали диффузияси-осмос ходисасини ҳам таништириш керак. Чунки, диффузия ва осмос ходисалари ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаёт фаолиятида муҳим вазифаларни ўтайди. Диффузияда модда зарралари ҳажмининг концентрацияси (бирлик ҳажмдаги зарралар сони) катта қисмидан концентрацияси кичик қисмига афзал равишда кўчиб ўтади. Тупроқнинг газ алмашиши, ҳаво режими, ўсимликларнинг илдизи орқали озик моддаларни ўзлаштириши, карбонат ангидрид газининг ўсимлик баргига сингиб кириши каби жараёнларнинг ҳаммаси диффузия йўли билан амалга ошади. Диффузия ва осмос ходисаларисиз ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини тасаввур этиш қийин. Ўқувчиларга осмос ходисасини, уларнинг кимё фанидан эритмалар ҳақидаги ўзлаштирган билимларидан фойдаланиб тушунтирамиз. Идишдаги бирор модданинг кучсиз эритмасини соф эритувчидан эритувчи модда молекулаларини ўтказиб, эриган модда молекулаларини ўтказмайдиган яримўтказувчан тўсик билан ажратилган, деб олайлик. Осмос ходисаси яримўтказувчан тўсик билан ажратилган турли концентрацияли эритмалар орасида ҳам вужудга келади.

Шакларнинг сувдаги эритмаси учун ярим ўтказувчан бўлиб, қорамол ва қўй пуфагининг ички пардаси ва бошқа баъзи сунъий пластмасса (целлофан плёнчалар, пергамент қоғози кабилар) бўла олади. Мазкур тажриба бўйича кузатишлар кўрсатадики, эритма

сатҳи аста-секин кўтарила бошлайди ва бирмунча вақт ўтгач, эритувчи (сув) сатҳидан бирор баландликда тўхтайдди. Бунинг сабабини қуйдагича тушунирамыз. Бошланғич пайтда идишдаги эритувчи (сув) молекулаларининг концентрацияси, эритмадаги сув молекулаларининг концентрациясидан шаклар молекулалари концентрацияси катталигича ортди. Шунинг учун дастлаб соф эритувчидан ярим ўтказувчан тўсик, орқали диффузияланиб ўтадиган эритувчи (сув) молекулаларининг сони, эритмадан ярим ўтказувчан тўсик орқали эритувчига ўтадиган сув молекулаларининг сонидан ортди. Бу фикримизни ўқувчиларнинг тўғри тушуниб олишлари учун уларга қуйидаги саволларни берамыз ва олинган жавобларни умумлаштирамыз.

Ўқитувчи: Нима учун бошланғич пайтда эритувчи(сув)дан эритмага ярим ўтказувчан тўсик орқали ўтадиган сув молекулалари сони, тескари йўналишда ўтадиган сув молекулалари сонидан ортди бўлади?

Ўқувчи: Идишнинг бир қисмида эриган модда молекулалари бор, уларнинг маълум қисми ярим ўтказувчан тўсик яқинида ҳам бўлади. Эритувчи ва эриган модда молекулаларининг ўзаро таъсири ҳамда уларнинг тўсик моддаси билан таъсирлари натижасида эритмадаги сув молекулаларининг баъзилари ярим ўтказувчан тўсикдан ўта олмайдди.

Ўқитувчи: Тўғри, идишнинг 1 қисмидаги эриган модда ва эритма таркибидаги сув молекулаларининг ўзаро таъсир кучлари, сув молекулаларининг 2 тўсикдан эритувчига томон ўтишига қаршилиқ кўрсатади. Бундан ташқари, ярим ўтказувчан тўсикдаги тешиклар шу қадар кичикки, улардан сув молекулалари ўта олмайдди. Энди айтинлар-чи, 2 нинг шкала томонидаги сув молекулаларининг концентрациялари ўзаро тенгми?

Ўқувчи: Йўқ, тенг эмас, 1 ва 3 қисмлардаги сув молекулаларининг концентрациялари ўзаро тенг эмас. Бошланғич пайтда 1 даги сув молекулаларининг концентрацияси 3 дагидан кичик.

Ўқитувчи: Тўғри, дастлаб соф суяқлик ва эритма сатҳлари ўзаро тенг. Аммо 1 даги сув молекулаларининг концентрацияси 3 даги сув молекулаларининг концентрациясидан кичик. Шунинг учун ўнгдан чап томонга кўпроқ сув молекулалари диффузияланади. Натижада эритманинг сатҳи эритувчининг сатҳига нисбатан кўтарила бошлайди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин ярим ўтказувчан тўсикдан қарама-қарши йўналишда ўтувчи сув молекулаларининг

сони ўзаро тенглашади, яъни мувозанат ҳолат ўрнатилади. Кўра-мизки, мувозанат ҳолатда эритувчи молекулаларининг ярим ўтказувчан тўсикнинг қарама-қарши сиртларига берган босимлари ўзаро тенг бўлади. Эриган модда молекулаларининг вужудга келтирилган босими эса ярим ўтказувчан тўсикнинг иккинчи томондаги сиртга узатилмайдди.

Ярим ўтказувчан тўсикнинг бир томондаги сиртга эриган модда ва эритувчи молекулаларининг биргаликда вужудга келтирилган босимининг, ярим ўтказувчан тўсикнинг иккинчи томонига эритувчи молекулалари вужудга келтирилган босимдан катта бўлганлиги учун эритма сатҳи эритувчи сатҳга нисбатан кўтарила бошлайди, бирмунча вақтдан кейин эса эритма сатҳи эритувчи сатҳига нисбатан бирор h баландликда тўхтайдди, яъни мувозанат ҳолати ўрнатилади. Бу ҳолатда ярим ўтказувчан тўсикка иккала томондан эритувчи молекулаларининг вужудга келтирилган босимлари ўзаро тенг бўлади. Худди шундай ҳолатда эритманинг осмотик босими эритма суяқлиги устунининг ҳосил қилган гидростатик босимига тенг бўлади. Ўқувчиларнинг осмотик босимнинг эриган модда молекулаларининг ярим ўтказувчан тўсик сиртга урилиши натижасида вужудга келишини тушунишига алоҳида эътибор бериш лозим. Бирор идишга қуйилган, аммо ярим ўтказувчан тўсик билан эритувчидан ажратилмаган эритма идиш деворига осмотик босим бермайдди.

Ўқувчиларга осмотик босимнинг пайдо бўлишини янада яққол кўрсатиш учун қуйидаги тажрибалар намойиш этилади.

1. Қорамол ёки кўй пуфагини спирт билан тўлдириб, оғзини маҳкам боғлаб сувга туширайлик. Бунда осмос ҳодисаси сабабли пуфак ичига кўпроқ сув киради ва пуфак шиша бошлайди, ҳаттоки осмотик босим таъсирида пуфак ёрилиб кетиши ҳам мумкин. Бу тажрибанинг тескариси, яъни пуфак ичига сув тўлдириб, спиртга ботирилса, пуфакнинг кичрайиши кузатилади. Ўқувчиларга қуритилган медалар (майиз, туршак, олма қоқи ва бошқалар)нинг ёрмасдан ҳўлланса, уларнинг шишишини, бўжмайиб қолган сабзи ёки гул новдасини сувга солинса, уларнинг “тирилиши” кузатилади. Бу ҳолларда меванинг қобиқдан сув молекулалари ўтиши мумкин, аммо меванинг ичидаги шаклар молекулалари ўта олмайдди. Сув мева ичига диффузияланиб, у ерда шакларнинг сувдаги эритмасини ҳосил қилади. Бу эритмада,

уларни танлов вазиятига олиб киради, катта даражадаги муаммолар ва фаолликка ундайди;

– ўқувчиларни ривожлантиришга йўналтирилганлик, тайёр олимларни эмас, балки муаммолар материални беришни таъминлади, бу дарсликларда, таълим мазмунининг асосий эгаларида акс этиши лозим. Шахснинг ривожига, унинг ўз-ўзини англаши ва баҳолашига имкон берадиган ички хиссиётни (ўз-ўзини кузатиш, ўзига ҳисоб бериш) ривожлантиришга бериладиган махсус вазифаларга ҳам бу тегишли;

– мазмунини танлашда, ўқувчиларнинг шахсий тажрибасига, хиссиёт ва туйғуларига таянадиган, уларни қийслаш ва солиштиришга ундайдиган ўз фикрини, баҳоларини ифодалашга туртки берадиган материалларга таянишни кўзда тутиш муҳим, бу танқидий тафаккурни кадриятли мақсадларни рағбатлантиради.

Демак, шахсга йўналтирилган ёндашув, ўқитишнинг мазмунини ва шаклини танлашга, уни услубий ташкил этишга катта талаблар қўяди.

2.2. Ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув муаммолари

Ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув муаммолари замонавий таълимда энг кўп муҳокама этиладиганлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда таълим муассасаларида катта эътибор берилаётган нарса таълим муҳити бўлиб, бунда шахснинг ривожланиши, ижодкорлиги ва ўз-ўзини фаоллаштириши учун шароитлар яратилади.

Ҳар бир таълим оловчи билан индивидуал ишлаш учун, унинг психологик ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда, жамики таълим жараёнини ўзгача қуриш лозим. Биз ўз ишимизда дарсларни тузишга қуйидаги ёндашувлардан фойдаландик:

– шундай шарт билан ўқув материални танладикки, бунда ўқувчининг олдинги ўқиш тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, у ўқувчининг шахсий тажрибаси мазмунини аниқлашни таъминласин.

– ўқув материални шундай ифода этишга ҳаракат қилдикки, у фақат билимлар ҳажмини, тузилмасини, умумлаштиришни кенгайтирмасдан, бир ўқувчининг шахсий тажрибасини тубдан ўзгартирсин.

юқорида баён қилинган тажрибалардаги каби осмотик босим бўлиб, мева қобиғини шишириб юборади.

Қорамол ёки қўй пуфаги териси билан қопланган воронкага шакарнинг сувдаги кучсиз эритмасини қуйиб, тоза сувли идишга туширайлик. Дастлаб воронкадаги эритманинг ва ташқарисидаги сувнинг сатҳлари бир хил бўлсин. Тажрибадан кўринадики, воронкадаги эритма сатҳи вақт ўтиши билан аста-секин кўтарила бошлайди ва идишдаги сув сатҳидан бирор н баландликда тўхтаб қоллади. Демак, бу тажрибада ҳам эритма суюқлиги устунининг гидростатик босими, эритма вужудга келтирган осмотик босимга тенг бўлади.

Ўқувчиларга бу каби шахсга йўналтирилган ўқув материалларини баён қилиш, уларнинг қимёдан билимларининг орттишига олиб келади, уларнинг қимёвий тушунчалари кенгайди, ниҳоят, касбий билимларининг савияси ортади. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Биз бу ерда иккита мисол ёрдамида қимё амалий материални дарс жараёнида ёритиш масаласини қарайлик. Худди шундай ишларни коллеж қимё фани дастурининг биз танлаган мавзуларининг исталганида амалга ошириш мумкин. Қимё дастурининг аниқ мавзулари билан боғланган амалий ўқув материалларини баён қилишдаги қийинчилик, ўқувчиларга амалий материалларни ўргатиш бўйича услубий адабиётларнинг камлигидир. Коллеж қимё ўқитувчилари шахсга йўналтирилган амалий масалаларни ўрганиш ишига жиддий ёндашсаларгина, бу ҳаракатдаги материалларни бошқа адабиётлардан топишлари мумкин ва уларни қимё нуқтаи назаридан таҳлил этиб ўқувчиларга баён қилиш керак.

Ўқитиш мазмунига нисбатан, шахсга йўналтирилган ёндашув қуйидаги асосий йўналишларда намоён бўлади:

– ўқитишнинг қимё фанлари мазмунини танлашда ўқувчиларнинг манфаат ва муаммолари ҳисобга олинади. Бу, аввало, матнли материал ва муҳокама учун мавзуларни танлашда, долзарб аудио-кўргазмали материални жалб қилишда, шу жумладан, Интернет кўмагида маълумотлар олишда намоён бўлади;

– материални танлаш, тақдим этиш ва эҳтиёж босқичини назарда тутати. Эҳтиёж босқичи тақдим этиш босқичидан биринчи пастроқ туради, чунки, ўқувчиларнинг имконият ва эҳтиёжлари ҳисобга олинади, бу ўқувчиларга табақалаштирилган ҳамда индивидуал ёндашувни амалга оширишга имкон беради,

– топшириқларни бажариш давомида мунтазам ўқувчиларнинг шахсий тажрибаларини фандан таклиф этилувчи билимлар илмий мазмун билан мувофиқлаштиридик.

– ҳар бир дарс давомида ўқувчиларни мустақил фаолиятга фаол қизиқтиришга ҳаракат қилдик, бунда уларни у ёки бу билимларни эгаллашда мустақил таълим, ўз-ўзини ривожлантириш ва мустақил ифода этиш имкониятларини таъминлашни инobatга олинди.

Дарснинг ўқув материали шундай ташкил этиладики, бунда ҳар бир ўқувчи топшириқларни бажаришда танлаш имкониятига эга бўлади.

– билимларни киритишда ўқув ҳаракатларини бажариш усулларини – ўқувчиларнинг шахсий ривожланишини инobatга олиб, ўқув ишларининг умумманткили ва специфик усулларига ажратамиз.

– дарсларда турли баҳолаш ва назоратни таъминлаймиз, бу фақат ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш натижаларини эмас, балки таълим олиш жараёнининг ўзини ҳам ёки шундай ҳаракатларни қайд этадики, бунда ўқувчи ўқув манбаини ўзлаштириши орқали амалга оширади.

Ўқувчиларнинг субъектив фаолиятини – таълим олишини аниқ баҳолашни таъминлаш учун, дарсларда тузатиш, индивидуал ишларнинг турли шаклларида фойдаланамиз.

Дарсларда шахсга йўналтирилган ёндашувни кўзда тутиб, ўқувчиларда фақат хотирани ривожлантирмасдан, балки дарслик текстидаги ички қарама-қаршилиқ, муаммоликдан фойдаланиб мустақил фикрлашни ҳам ривожлантирамиз, уларни ўқувчиларнинг шахсий тажрибаси асосида қайта ишлаб чиқамиз.

Албатта, бундай принцип асосида дарсларни ўтказиш, ўқитувчидан ўзининг фаолиятини мунтазам тахлил қилишни талаб этади. У илғор самарали йўл билан қандайдир ўқув вазибаларини ечилишни, қай тариқа ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигини, қайси билимлардан фойдаланиш кераклигини ажрата олиши муҳим.

Биз ўз дарсларимизда дидактик материалларнинг икки туридан фойдаланамиз:

– ўқувчи фойдаланиши муҳим бўлган, тайёр усуллар кўрсатилган топшириқлар;

– ўқувчи бажариши учун таклиф этилаётган топшириқлар, кишининг бажарилиш усулларини ёритиб беради.

Ўқувчининг ишини самарали баҳолаш турлича бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларга ўзлаштириш учун бериладиган ўқув материалларида биз ўқув ишларини ташкил қилишни аниқлаш учун аниқ мақсадларни қўямиз.

Масалан, уйга вазифа бериш билан нима талаб қилинишни аниқ белгилаб берамиз: ёддан ўрганиш; текстни ўқиш ёки таржима қилиш; алгоритм бўйича жадвални тўлдирish; саволларга жавоб бериш; дарсда ишлатилган иборалардан диалог тузиш; қўшиқ ёзиш; намуна бўйича ранглардан фойдаланиш.

Уйда топшириқлар устида ишлаш билан ўқувчилар ўзлаштириш фаолиятини ташкил этиш бўйича аниқ мақсадни қўя олиши лозим. Бу турли мақсадларни қўя олиш, бизга ўқувчи ўқув ишларининг қандай усулларидан фойдаланишини аниқлашга ёрдам беради. Бир хил материални психологларнинг кўрсатишича, турли сенсорли тизимни фаол киритиш орқали ўзлаштириш мумкин.

Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз томондан дарсларда ўзига хос таълим муҳитини яратганимизни кўрсатиб ўтиш керак, улар ўз ичига қуйидагиларни олади:

– турли мазмун, тур ва шакллардаги ўқув материалларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш;

– фанлардан барча дарсларда техник воситалардан фойдаланиш;

– ўқувчининг ўз ҳаракатларида хато қилишларидан кўркуви олдини олиш учун ўқув топшириқларини бажариш усулларини танлашга эркинлик бериш;

– ўқувчиларнинг ижодкорлигини фаоллаштириш мақсадида гуруҳли ва индивидуал машғулотнинг ноанъанавий шаклларида фойдаланиш;

– жамоавий фаолият ва мустақил ижод қилиш учун шароит яратиш;

– ўқитувчининг ўқув ишларини индивидуал усулларини доимо тахлил қилиши ва баҳолашга доимо эътибор бериши;

– изланувчанлик фикрлашини моделлаштирувчи индивидуал ўқитиш дастурларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

– диалог, имитацион-ролли ўйинлар, ўқув мулоқоти тренинглари асосида кичик гуруҳларда машғулотларни ташкил этиш.

Шундай қилиб, дарслар шундай машғулотларга айланди, бунда ҳар бир ўқувчи билимларни фақат ўзлаштирмасдан, балки ўз-ўзини англайди, ўзини ўқишни бошқара олади, ўзининг реал имкониятларини баҳолай олади, уларнинг ривожланиш йўлларини прогноз қила олади, яъни ўзини шахс сифатида куради.

Кимё фанини ўрганишда ўқитишга шахсга йўналтирилган ёндашув коллежларда кўпроқ самарали ҳисобланади. Кимё фанини амалий жиҳатдан ўрганиш ўқитиш натижасини, ўқувчиларнинг тарбияси ва ривожланишини, уларнинг реал нутқ фаолиятини, умуммаданий дунёқарашини кенгайтиришни реал таъминлайди, ҳиссиётини, сезувчанлигини, хотирасини, фикрлашини ривожлантиради. Ўқитиш шароитининг аниқ ижтимоий фаол шакллари рағбатлантиради.

Мазкур ёндашув асосида ўқувчиларнинг кимё фанини ўзлаштириши, умум ва махсус ўқув кўникмаларини ривожлантиради, шу билан бир қаторда мақсадга интилиш, меҳнатсеварлик, қийинчиликларни енгилда тиришқоқлик каби сифатларни ривожлантиради. Лекин бунга фақат, ташкил этилувчи фаолиятга қизиқишни шакллантириш, дарсларни ташкил этишда ҳайрихоҳлик атмосферасини яратиш, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини, уларнинг фантазиясини, тасаввур этишини ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Кимё фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашувга имконият берувчи дарсликнинг энг муҳим жиҳатлари қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

– дарсликнинг мазмуни бутунлай таълим олувчиларга йўналтирилган бўлиши, уларнинг имконият ва эҳтиёжларини қаноатлантириши керак;

– амалий жиҳатдан ҳар бир дарсда тажрибага ва ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятлари, жумладан кимё фанидан эгалланган кўникма ва малакаларга таянч берилади;

– дарслик бўйича ўқитиш, дарсларда ўқувчиларнинг ўзлари ишлашлари учун энг қулай шароитларни яратади;

машқларнинг шартли жойлашганлиги, коммуникатив амалиёт, бизга ишлашнинг самарали метод ва усулларини мулоҳиша имконият беради;

текст турларининг ҳар хиллиги ўқувчиларнинг фанга бўлиш доимий қизиқишларини ошишига кўмаклашади;

– ўқув комплекси материали дарсларда саволлар ва ижодий аниқликлардаги ўқувчиларнинг ақлий ҳамда эмоционалликни қаноатлантирувчи муаммоли топшириқлардан кенг фойдаланишга имконият беради;

– ишнинг турли шакллари бирлиги – индивидуал, гуруҳли, жупли, фронтал, дискуссияли, ўйинли ўқитиш – дарсларда ўқувчиларнинг фаолиятини фаоллаштиради.

Ижодий иш билан шуғулланувчи ҳар бир ўқувчининг оқлида кўплаб муаммолар пайдо бўлади, бу муаммоларни ҳал этиш учун ўқитувчи бутун умри давомида меҳнат қилади, улар:

– ўқувчини ўқитишга қандай ўргатиш керак;

– ўқитишда ҳар бир ўқувчининг муваффақиятини қандай таъминлаш керак;

– ўқувчининг ўқув фаолиятини ташкил этишда унинг қобилиятини қандай сақлаш ва мустаҳкамлаш керак;

– ҳар бир ўқувчининг ўқув машғулоти давомида ижтимоий тажрибаларини қандай таъминлаш керак, уларнинг билим ва кўникмаларини қандай тенглаштириш керак ва б.к.

Ўқитишда индивидуал-йўналтирилган ёндашув – бу ўқув фаолиятини ташкил этишнинг шундай шаклики, бунда ўқувчиларнинг интилишлари, қизиқишлари ва намоён қилувчи қобилиятлари инobatга олинади, лекин ўқувчиларни умумтаълим таълиғарлиги базавий даражаси пасаймайди. Ўқитишнинг индивидуал-йўналтирилган ёндашув тизими – ҳар бир ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини синф-дарс тизимига адаптация (соддалаштириш) қилишга ундайди. Энг аввал, у индивиднинг ўқишга ҳослиги ва шахсини, унинг бетакорорлигини ҳисобга олишга йўналтирилган.

Индивидуал-йўналтирилган ўқитишни аниқ методик шартларда амалга ошириш мумкин: ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўқитувчи томонидан чуқур билиш ва ҳисобга олиш; биргаликда ўқувчиларнинг индивидуал ва гуруҳли ўқув фаолиятини ташкил этиш; дарснинг барча босқичлари таъинлаштирилган вазифалардан фойдаланиш.

Янги материални ўрганишда, ўқувчиларнинг топшириқларини бажаришда, билимларни мустахкамлашда, уй вазифасига тайёргарлик кўришда ўқитиладиган фан бўйича табақалаштирилган топшириқлардан фойдаланиш. Мактабдаги ва уйдаги мустақил ишлар бир-бирини тўлдирadi.

Маъруза дарсларида янги материални тушунтириш олиб борилади. Амалий машғулотларда ўқувчилар ўқитувчига ўқув мавзуларини топиради, амалий ва текширув ишларини бажаради, индивидуал консультация олади. Бутун ўқув жараёни 3 блокка бўлинади: маъруза, амалий, назорат.

Дарс бошида билимларни дастлабки фаоллаштиришни ўтказиш, 7-10 дақиқа давомида янги материални тушунтириш учун мини-маъруза ўтказиш лозим (синфнинг ёши ва тайёргарлигига боғлиқ ҳолда). Дарснинг иккинчи қисмида амалий машғулот ўтказиш керак, бунда ўқувчилар ўқитувчи ўқув мавзусини топиради, индивидуал топшириқ ва амалий ишларни бажаради, индивидуал консультация олади, дарснинг учинчи қисмида текширув ишларини ўтказиш керак.

Бўлимлар бўйича индивидуал-йўналтирилган ўқув режалари тузилади, ҳар бир ўқувчининг ўз қобилиятига, топшириқни бажариш даражасини танлаш ҳиссига, ўқув материални ўзлаштириш темпига мос ҳолда. Бўлимни ўрганиш бошида ўқувчига ўқув режаси берилади. Кейин уларни бажариш бўйича ишларни қандай ташкил этиш бўйича ўқувчиларга инструмент ўтказилади. Маъруза блокидан кейин ўқувчилар ўзининг индивидуал-йўналтирилган ўқув режасини амалга оширишга киришади.

Ўқув режасида фрагмент-топшириқлар ўқувчиларнинг фан бўйича билим, кўникма, малакалари даражасини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Шундай фрагмент-топшириқларни тузиш учун параграфга ёки ўқув қўлланмаси мавзусига киритилган савол ва топшириқлардан фойдаланилади. Бунда топшириқ режага ёзилиши шарт эмас, ўқув қўлланмасида топшириқ рақами ва бети кўрсатилади, улар қарточка-топшириқ кўринишида ўқитувчи томонидан берилади.

Танланган фрагмент-топшириқлар даражасига мустақил тайёргарлик кўришни ўқувчи амалий машғулотда ҳам дарсдан ташқари бўш вақтда ҳам амалга ошириши мумкин. Бу асосан шу билан боғлиқки, бунда индивидуал-йўналтирилган ўқув

режалари бир вақтда ўзида уй вазифасини саклайди. Ортиқча юкларни бартараф этиш учун (2-жадвал), бажариладиган топшириқлар ҳажмига қўйиладиган мезонларни инобатга олиш керак. Агар ўқувчи ўз имкониятини пасайтирса, унда ўқитувчининг тушунтириш ишлари йўли билан, ўқувчи ўз даражасига мосини танлайди. Шу билан бирга ўқувчиларнинг ўзлаштиришнинг таянч даражаси чегараланмайди.

Топшириқни бажаргандан кейин ўқувчи ўқитувчи томонидан баҳоланадиган ўрганилган ва бажарилган ёзма материални топиради. Ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг барча саълоларга берган жавоби тингланади. Шундай қилиб, ўзаро ўқитиш, суҳб ўқувчилар фаолиятини муваффақиятлироқ стимуллаштириш, ўзларини баҳолаш даражасини ошириш ситуации яратилади.

Ўқувчи бир вақтнинг ўзида 2 тадан ортиқмас мавзу ёки параграфни топириши мумкин. Агар жавоб беришда ўқувчи танлаган топшириқ даражаси бўйича баҳони тасдиқламаса, унда топшириқ даражасини имкон даражасида ўзгартириш билан ўқув материални такроран топириши мумкин ёки ўқув материални аниқ билишига мос келувчи баҳони қўйиш масаласи ечилади. Лекин барча ҳолатларда, ўқувчилар жавоб беришда иложи борича қоникарсиз баҳодан фойдаланмаслик керак. Чунки ўқувчи хато қилишга ва уни тўғрилашга ҳаққи бор.

Алоҳида ўқувчилар билан индивидуал ишларни тўхтатиш нактии ўқув жараёнида энг муҳим ҳисобланади. У барча ўқувчилар ўртасида ҳолисона тақсимланиши лозим. Бу фақат суҳб ўқувчилар учун эмас, балки қобилиятли, кучли ўқувчилар учун ҳам муҳим. Бу шу нарсага олиб келадики, улар аста-секин куч сарфлашдан узоқлашади. Шу мақсадда, синф ўқувчилари ўртасида вақтни сарфлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

2.3. Шахсга йўналтирилган технологияларни амалга ошириш бўйича таълим турлари

Бутунги кунда ўқув машғулотлари самардорлигини ошириш муҳим ҳисобланади. Таълим муассасаларида ўқув машғулотлари самардорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-хунарли, ижодий ва мустақил фикр юрита

оладиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш, бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш ўқув машғулотларида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Мазкур жараёнда бу технологияларни қўллаш, аввало, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштиришни талаб этади. Чунки, уни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай технология қутилган самарани бермайди.

Педагогик технологияларнинг асосийларидан бири бўлган шахсга Замонавий педагогик технологиялар ичида қўйилган мақсадларга мос келувчилари бизнинг нуқтаи назаримизда қуйидагилардир:

- шахсий-инсонпарварлик технологияси;
- ҳамкорлик технологияси;
- лойиҳалаш методи;
- табақалаштирилган ва индивидуал ўқитиш технологияси;
- модулли ўқитиш;
- муаммоли таълим технологияси;
- танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияси;
- лойиҳалаш технологияси;
- ўйин технологияси;
- ахборот-коммуникация технологиялари;
- эркин ўқитиш технологияси;
- ўқувчини қўллаб-қувватлаш технологияси;
- мажбурамаслик ўқитиш;
- диалогли ўқитиш технологияси;
- рефлексивли ўқитиш технологияси.

Бу технологияларни илмий тадқиқот ишлари, муаммоларни ечиш, индивидуал фаолиятда, мустақил танқидий фикрлашни ривожлантиришда, муомала маданияти кабиларда қўллаш ҳамда улардан шахсга йўналтирилган муаммоларни ечишда фойдаланиш самарали ҳисобланади. Юқоридаги барча технологиялар шахсга йўналтирилган таълимдаги инсонпарварлик ёндашувга тааллуқлидир. Ушбу йўналишларнинг ҳар бирида таълим ўқувчи шахсининг қизиқиши, қобилияти, имконияти ва шарт-шароитлари эътиборга олиниб ташкил этилади. Айниқса, шахсга йўналтирилган таълимда ўқувчида мустақил фикрлаш орқали муаммоли вазиятлардан чиқишга интилиш малакасини шакллантиришга алоҳида урғу берилади. Буларни ичида шахсий-субъектли ёндашув,

шахсининг, унинг алоҳида хусусиятларининг ривожланишига тўлиқ миқдорда қаратилган ҳисобланади. У ҳар бир ўқувчига ноёб, тикрорланмас, ўхшамас каби муносабатда бўлишни назарда тутати. Улардан айримларини кўриб чиқамиз.

Шахсий-инсонпарварлик технологияси: ўқувчиларда дунёнинг борлик картинасини шакллантиришга имкон берувчи ва реал дунё тизимлилигини максимал очиб берувчи тушунчаларга оид турли фанлардан дастурли билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган.

Бошқа технологиялар (масалан, фаолиятли, функционал-тузилмалли)дан фарqli ўларок, мазкур технология шахсининг бутун бир ривожланишини назарда тутати ҳамда инсонпарварлаштириш принципига асосланади, яъни худди муҳим йўналишли, ҳаётий режалар, шаклланаётган мотивлар, талаблар ва шахсининг социологик ва психологик қонуниятларига боғлиқ маънавий ривожланиш даражаси каби характеристикалар орқали ифодаланади.

Таълим жараёнининг инсонпарварлик йўналиши киши экологияси, унинг маънавий соғлиғи, ҳаёт тарзи, шахсий эркинлиги ва ахлоқини сақлаш билан намоён бўлади. Бу технологияни амалга оширишдан кўзланган мақсад, бу ўқувчиларнинг ижтимоий ва билиш фаоллигини, таълим мазмунини юқори даражада ўзлаштиришни таъминлашдан иборат.

Унга қуйидагича эришилади:

- таълим жараёни субъектларининг биргаликдаги ҳаракатларини ташкил этиш;
- амалий машғулотларда ишлашга ҳар бир микрогуруҳларнинг аъзоларини жалб этиш;
- таълимнинг фаол шакл ва методларидан (масалан, порт-фолио, кейс-метод, лойиҳалаш, ақлий ҳужум ва б.к.лар) фойдаланиш.

Ўқувчиларни ўқитишда шахсий-инсонпарварлик технологиясини амалга ошириш қуйидаги этапларни ўз ичига олади: ўқув вазифаларини англаш ва ўқитишга шахсий мотивни яратиш; ўқувчининг субъект тажрибасини фаоллаштириш; субъект тажрибасининг табиий-илмий ва ижтимоий интеграцияси ҳамда ўрганилаётган мавзуларнинг фикрий моделини яратиш; субъект ва кўпсубъектли тажрибани тизимлаштириш жараёнида ўрганилаётган мавзуларнинг белгили моделини

яратиш; индивидуал билимлар рефлексияси ва коррекцияси; ўқув вазибаларини бажариш асосида ўқувчи томонидан субъект фаолиятини ўзи назорат қилиши ва баҳолаши.

Ҳамкорлик педагогикасининг мақсади – таълим олишнинг шахсий мазмунини ривожлантириш, ҳаётга муносабат, ижодий фикрлаш, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро диалоги, бир-бирини тушуниши кабилар билан боғлиқ.

Бу вазиятда ўқитувчи ва ўқувчининг субъект-субъект ўзаро таъсири амалга оширилади

Мазкур технологияни амалга оширишдан мақсад – шахсий-инсонпарварлик воситалари асосида умуммаданий ва касбий компетенцияларни шакллантиришдан иборат. Унга қуйидагича эришилади:

- “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи” муносабатларида коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш;
- ҳамкорликда ривожланувчи ижодий фаолият (масалан, жамоавий ижодий фаолият);
- фаолиятнинг тадқиқотчилик, ахборот, ижтимоий-коммуникатив турларида умуминсоний кадрият (эзгулик, ғамхўрлик, виждонлилик, фазилатлилик, фуқаролик ва инсонийлик)ларни шакллантириш.

Шахсий-инсонпарварлик технологияси: бу технология аввало шахсни инсонпарварлик ёндашуви, психотерапевтик йўналиши билан бошқа технологиялардан ажралиб туради. Бу ўқувчини ҳар томонлама ҳурмат қилиш, уни яхши кўриш ҳамда унинг ижодкорлик имкониятларига ишонч билан қараш ғояларини илгари суради. Бу технологияда шахсга муносабат бирламчи бўлиб, индивидуал ёндашув ҳамда инсоний қарашлар бошқа йўналишлардан устун туради. Бу технология аввало шахсни инсонпарварлик ёндашуви, психотерапевтик йўналиши билан бошқа технологиялардан ажралиб туради. Булар ўз ўрнида мажбурлашни қоралайди ва аксинча ўқувчини ҳар томонлама ҳурмат қилиш, уни яхши кўриш ҳамда уларнинг ижодкорлик имкониятларига ишонч билан қарашни илгари суради. Бу технологияда шахсга муносабат бирламчи бўлиб, индивидуал ёндашув, ноталабчан демократик бошқарув ҳамда ёрқин инсоний қарашлар бошқа йўналишлардан устун туради.

Ҳамкорлик технологияси: бу технология педагог билан ўқувчи ўртасидаги тенглик, демократия ҳамда субъектлар орасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга оширади. Ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкор ва ижодкор сифатида иш юритиб биргаликда машғулот мазмунини, мақсадини аниқлайди ва биргаликда баҳолайди. Мазкур технология ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги тенглик, демократия ҳамда субъектлар орасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга оширади. Ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкор ва ижодкор сифатида иш юритиб биргаликда машғулот мазмунини, мақсадини аниқлайди ва биргаликда баҳолайди.

Муаммоли ўқитиш технологияси. Муаммоли ўқитиш дейилганда, ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо ўқувчиларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ва ақлий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган ўқув машғулот жараёнини ташкил этиш назарда тутилади. Мазкур технологиядан ўқув машғулот жараёнида фойдаланиш яхши натижалар беради. Бунда ўқитувчи аввало, муаммоли вазият ярадади, саволлар қўяди, масалаларни, топшириқларни тақлиф қилади, муаммоли вазиятнинг ечишга қаратилган муҳокамани уюштиради, ҳулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Ўқувчилар ўз билим ва тажрибаларига асосланиб, муаммоли вазиятнинг ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги тақлифларини айтади ва олдин олган билимларини умумлаштиради, муаммоли вазиятнинг ечишнинг оқилона вариантини танлайди. У ўқувчиларнинг билимга қизиқишларини ошириш билан бирга, уларда фикрлаш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Замонавий таълим шароитида малакали мутахассисларни истеъмолчилар талабларига қараб тайёрлашни, ўқувчиларнинг танлаган ихтисосликлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантирилиши, мустақил равишда билим олишга ва амалий фаолиятга ўргатилиши таъминланиши керак. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчилар ва ўқитувчилар ўқувчиларда ўқув фаолиятига ижодий ёндашни ривожлантириш йўллари, технологиялари ва усулларини қидириб топмоқдалар. Бугунги кунда таълим жараёнида ижобий самара бераётган илғор педагогик технологиялардан бири муаммоли ўқитишдир.

Кимё фани муаммоли ўқитиш технологиясининг асосий вазифаси – ўқувчиларнинг мазкур фанга оид билимлар тизимини

билан дуч келганда шаклланади. Бунда ўқувчилар амалий топшириқларни ечиш учун билим, кўникма ва малакаларнинг старлича эмаслиги далили билан тез-тез дуч келади. Бу далилни англаш ўқувчиларда онгли кизиқишни уйғотади ва янги билимларни излашга ундайди;

– топшириқни ечишнинг назарий мумкин бўлган йўли ва танланган усулнинг амалий жиҳатдан амалга оширилмаслиги орасида қарама-қаршилиқ бўлган ҳолда муаммоли вазият-осон юзага келади;

– ўқув топшириғини бажариш натижаларига амалий жиҳатдан эришиш ва ўқувчиларда уни назарий асослаш учун билимларнинг йўқлиги орасида қарама-қаршилиқ бўлганда муаммоли вазият юзага келади;

– агар ўқувчилар қўйилган масаланинг ечиш усулини билмаса, яъни улар томонидан янги далилни тушунтириш учун олдинги билимларининг етарли эмаслиги тан олинган ҳолда муаммоли вазият юзага келади [92].

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун кимё фани дарслигини муаммоли ўқитишда ўқитувчи аниқ ўқув мақсадларига йўналтирилган саволлар ва топшириқлар ишлаб чиқиши лозим. Муаммоли саволларни ҳал этишда ёки топшириқларни бажаришда ўқувчиларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатига туртки беради ва жараёни назорат қилади. Ўқувчи эса, ўз таълимининг фаол қатнашчиси бўлиб қолади.

Муаммоли вазият ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатдан кимё фанини ўқитишдаги мантикий кетма-кетликка ўхшайди. Кетма-кетлик принципи шундан иборатки, бунда таълимининг даражаси жиҳатдан ҳар бир босқичда ўқитиш мазмунини аниқлашда аввалги босқичларда ўзлаштирилган билимлар, яъни таълим ҳисобга олинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунга айтиш мумкинки, муаммоли вазият ўқувчиларни бўлажак касбларига бўлган кизиқишларини орттиришнинг муҳим омили бўлади.

Кимё фани ўқув дастурларига мувофиқ ўтиладиган маъруза, амалий машғулот ва лаборатория машғулотлари учун тузилган таркатма материалларда келтирилган муаммоли топшириқларга мос ўқувчилар мустақил равишда тайёрлаб келадиган саволлари ифодаланиб машғулотларни ташкил этиш, уларнинг ижодий фикрлашини уйғотишда муҳим аҳамият касб

ва ақлий фаолият усулларини самарали ўзлаштиришларига ёрдам бериш, уларда олган билимларни касбий фаолиятларида пайдо бўладиган янги вазиятларда ижодий қўлай олиш, бу фанга оид ўқув муаммоларини ечиш кўникмаларини шакллантириш, мустақил билим орттириш қобилиятларини сингдиришдан иборат.

Муаммоли ўқитиш технологияси кимё фани таълими жараёнини амалга оширишда универсал восита ҳисобланади. Бу технология ўқувчилар вазиятга масалани излаш фаолиятига эга бўлгандагина, муаммони ифодалаш ва ечишга тайёрлангандагина самарали бўлади. Кимё фани ўқитувчиси машғулотга тайёрланар экан, бирор ўқитиш технологиясини ёки уларнинг бирикмасини танлаши, машғулотнинг мақсади, кимё фани ўқув материалининг мазмуни, аудитория характери, унинг тайёрлик даражасига асосланиши лозим.

Т.В.Кудрявцев муаммоли ўқитиш моҳиятини қуйидагича кўради: муаммоли ўқитиш ўқувчилар олдида муаммоли вазиятларни яратишда, уларнинг мустақиллигида ва ўқитувчининг умумий раҳбарлиги остида, ўқувчиларининг ўқитувчи билан биргаликда фаолияти боришида, бу вазиятларни англаш, қабул қилиш ва ҳал қилишда ҳулосаланади. Бироқ, бундай аниқлаш муаммоли ўқитишни тушунишнинг бутун ҳажминини акс эттирмайди. Бундан ташқари, баъзан ўқитишнинг тадқиқот усуллари гуруҳи ҳам муаммоли ўқитиш деб юритилади. Эҳтимол, бу ерда муаммоли сўзини тадқиқот маъносига тушуниш таъсир кўрсатади [71, 72].

Кимё фанини ўқитишдаги муаммоли методлар – фандан муаммоли вазиятлар яратишга, ўқувчиларнинг мазкур фандан билимларини фаоллаштиришни талаб этадиган, мураккаб масалаларни излаш ва ечишга, таҳлилга, алоҳида фактлар ортда ҳодиса ва қонунларни кўра олишларига асосланган методлардир.

Муаммоли таълим технологияларида муаммоли вазият яратиш, саволларни тўғри қўя билиш ва уларнинг ечимини гуруҳ билан бирга ва яқка ҳолда излаш қатта аҳамият касб этади [98].

Муаммоли ўқитиш жараёнини кўриш учун мос равишдаги муаммоли вазиятларни олдиндан кўзда тутилган ва тизимли яратиш талаб қилинади. Қуйида келтирилганлар кимё фанини ўқитиш амалиёти учун характерли ҳисобланади:

– муаммоли вазият кўпинча ўқувчи янги амалий шароитларда олдин ўзлаштирган билимдан фойдаланиш зарурияти

этади. Ўқувчиларни фикрлашга мажбур этадиган баъзи саволларни тавсифлаймиз.

Саволларни муҳокама этиш ўқитувчи учун ҳам фикрлаш йўналишини белгиловчи йўлланма сифатида фойдалидир. Аввалдан тайёрланган саволлар ва муаммони ечиш жараёнида тузилган саволларни муҳокама қилайлик.

Масалан, кристалл моддани суюқлантириш учун унинг кристалл панжарасини емириш лозимлиги сабаби нимада? Бу савол умумий бўлиб, унга жавоб бериш чуқур фикрлашни талаб этади. Аудиториянинг тайёргарлик даражасига қараб, муаммони торайтиришни талаб этувчи кичик муаммони саволлар қўйиш мумкин: “Кристалл панжара тугунларида нималар туради? Нима сабабли молекуляр тузилишли моддаларнинг суюқланиш ҳарорати паст бўлади?”

Муаммони амалий жиҳатдан ҳал этиш борасида ўз-ўзимизга савол бериб, фикримизни онгли бошқаришимиз мумкин. Аввал фикр юритиш учун зарур бўлган муаммо танлаб олинади. Муаммони ечишнинг ҳар қайси босқичида қатор саволлар берилади. Булардан энг умумийларини мисол сифатида келтириш мумкин. Бу нима учун керак? Бу қаерда тайёрланади? Бундай шароитларни яратиш мумкинми? Бу шароитларни ким ва қачон яратди ва бошқалар.

Ижодий муаммоларни ечишда эркин саволлар бериш керак бўлади. Масалан, Агар . . . бўлса, нима бўлади? Яна нима . . . ? кабилар.

Муаммони вазият яратадиган ва муаммони ҳал этишда, яна шундай саволлар бериш ҳам мумкин: Бунда қандай янги шакллардан фойдаланишимиз мумкин? Буни яна қаерда қўллаш мумкин?

Мавжуд жиҳоз ёки нарсаларни такомиллаштириш, маҳсулотлар турини ўзгартиришга оид саволлар ҳам анча ёрдам беради. Ўз-ўзига яна шундай саволлар бериш мумкин. Агар бунинг бирор жойини ўзгартирсак, нима ҳодиса рўй беради? Буни яхши томонга қандай ўзгартириш мумкин?

Саволлар корхонадаги фойдаланилаётган технологияни ўзгартириш ёки янгиларини яратишга қаратилган бўлса, машғулотнинг самараси ортади ва бўлажак мутахассиснинг касбий билими юқори даражага кўтарилади.

Муаммоларни ижодий ҳал қилиш мобайнида, қўйилган муаммоларни катталаштириш, кичрайтириш, бўлиш усулларидан фойдаланиш мумкин. Катталаштириш тоифаси янгиликни яратишда чексиз имкониятларни таъминлайди. Катталаштириш доирасини тадқиқ этиш учун ўқувчи ўзига қуйидаги саволларни беради: Нима қўйиш мумкин? Бу янада қучли бўлиши мумкинми?

Ижодий қобилиятларни рағбатлантириш учун кичрайтириш йўлидан фойдаланиш ҳам мумкин. Масалан: Агар бунни кичрайтирсак, нима бўлади? Яна нимани чиқариб ташлаш мумкин? Буни янада ихчамлаштириш мумкинми? Агар бунни янада пасайтирсак, нима бўлади? ва бошқалар.

Муаммони ўқитишда кимё фани ўқитувчисининг фаолияти қуйидагилардан иборат бўлиши керак: Ўқувчилар эътиборига мавзу бўйича муаммони саволлар ҳавола этиш; ушбу саволлар ечимини топишга йўналиш бериш; ўқувчилар томонидан берилган ечимларнинг тўғрилигини исботлашни таклиф этиш; агар ўқувчилар томонидан берилган ечимлар тўғри бўлса, кимё фани мавзуси юзасидан олинган билимлар бўйича хулоса қилишларини тавсия этиш; ўқувчилар томонидан берилган фаразлар ноаниқ бўлса, у ҳолда ечимга яқинлаштирувчи савол қўйиш; жавоблар ва ечимлар бўйича ўқувчиларни рағбатлантириш ёки баъзи ноаниқликларни кўрсатиш; кимё фанидан олинган янги билимларни мустаҳкамловчи саволларни қўйиш; олинган кимё фанининг назарий билимларини амалиётда қўллаш учун машқ ёки топширик бериш.

Ўқувчининг фаолияти қуйидагилардан иборат бўлади: мавзу муаммосининг саволларини қабул қилиш ва уни ечим йўлларида излаш; берилган савол бўйича ечимнинг турли вариантларини таклиф этиш; берган фаразлардан бирининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилиш; янги эгалланган билимлари тўғрисида хулоса ва фикрлар билдириш; тўғри ечимни излаш; мавзу бўйича кўпроқ маълумотга эга бўлиш; берилган таклиф, ечим ва хулосаларни таққорлаш орқали билимларини мустаҳкамлаш; кимё фанининг назарий билимларини амалиётда қўллашга йўналтирилган топшириқларни бажариш.

Кимё фанидан ўтказилаётган муаммони ўқитиш самардорлиги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятига боғлиқ. Муаммони ўқитиш ўқувчиларнинг илмий-

изланувчанлик қобилиятини шакллантиради, уларнинг билим олиш фаоллигини оширади.

Ўқитувчи муаммоли саволлар қўйиб, ўқувчиларнинг муҳокамада фаол иштирок этишини таъминлайди. Уларнинг муаммони ечиш жараёнида катнашиш имконига қараб, муаммоли ўқитишни турли даражада ташкил этиши мумкин [11].

Бу ўз навбатида кимё фанидан дарсларни мазкур технология асосида ташкил этишнинг моҳияти ва мазмунини чуқурлаштиради.

Лойиҳалаштириш фаолияти ўқувчилар билан ишлашни ташкиллаштиришнинг оммабоп шаклларидадир. Лойиҳалаш методди - ўқитишни ташкиллаштирилиши бўлиб, ўқувчилар режалаштириш жараёни ва амалий вазифаларни бажаришлари орқали лойиҳа кўринишда билим олади. Лойиҳалаштириш методини қўллаш натижасида лойиҳа кўринишидаги билим ўзлаштирилади. Лойиҳалаштириш ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифодалайди, амалда жорий этилиши эса ўқитувчини юқори малакали мутахассисга айлантиради, ўқувчининг эса нуфузини бирмунча оширади ва ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг янги қирраларини очади.

Ўйин технологияси. Ўйин кишилар муносабатининг қўл-қиррали транслятори, халқ маданиятини амалга ошириш усуллари, шахснинг ўз-ўзини амалга ошириш доираси ҳисобланади. Унинг педагогик моҳияти тарбиявий-ривожланувчи функцияларда очиб берилади: ижтимоий-маданий, коммуникатив, диагностика, корреляцион (ўзаро боғланган), кўнгил очар ва б.к.

Шахсга катта таъсир кўрсатадиган ўйинлар ўтказишнинг абсолют ихтиёрийлик, мустақиллик ва мамнуниятли, эркин қобилиятлик, гуруҳ ёш қобилиятларини ва индивидуаллигини ҳисобга олиш, ўйин моҳиятининг демократик-инсонпарварлик тамойиллари. [143].

Шахсий-инсонпарварлик технологиясини амалга оширишда ўйиннинг 4 та асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

- фақат натижалардан эмас, балки фаолият жараёнининг ўзидан қониқиб ҳосил қилиш, фақат истакка қараб қабул қилинувчи эркин ривожланувчи фаолият (процедурли қониқиб);
- бу фаолиятнинг ижодийлик, кўпроқ импровизацион энг фаол характери (ижодкорлик майдони);

- фаолиятнинг, рақобатнинг, конкуренциянинг, ўйиннинг сезгирлик табиати, эмоционал кучи каби - эмоционал кўтаринкилик;

- ўйин мазмунини ифода этувчи, унинг логик ва вақтинча кетма-кетликда ривожланишида тўғри ёки қўшимча қоидалар мавжудлиги.

Шахсий сифатларнинг ривожланишига ўйиннинг тузилиши таъсир кўрсатади, уларга муҳимлик, режалаштириш, мақсадни амалга ошириш, натижаларни анализ қилиш киради. Бунда ўқувчи ўзини худди тўлиқ субъект каби амалга оширади.

Ўйин фаолияти мотивацияси, унинг ихтиёрлиги, мусобақа элементлари танлаш имконияти, ўзини намоён қилиш, ўз-ўзини амалга ошириш эҳтиёжларини қаноатлантириш билан таъминланади.

Ўйин давомида ўқувчининг фаоллиги -сарғузашта, рақибликда, талаб этишда намоён бўлади. Ўйинда шахснинг кучли томонлари, индивидуал қобилиятлари, мустақиллиги юзага чиқади.

Шундай қилиб, ўйин технологияси қуйидаги муаммоларни ечади: ўқувчининг фаоллиги, унинг эҳтиёжи, мотивацияси, қизиқиши ва мақсадга қаратилганлиги билан аниқланувчи; шахс компонентлари тузилмаси ўзгариш динамикаси ва билиш жараёнининг такомиллашиши билан боғлиқ; амалий фаолиятда ўқувчиларнинг коммуникатив ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиради; терапевтик таъсир кўрсатади; инсонийлик муносабатлари моделини шакллантиради.

Бу муаммоларга боғлиқ ҳолда ўйиннинг асосий параметрлари аниқ бир ролни ўйнайди: улар ўйин ҳолати, вазият, ўйин ҳолати, ўйин роли, ўйиндаги тўққинлик, ўйин натижаси. Булар ўқувчиларнинг билиш ва ижодкорлик фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради.

ОТМнинг таълим жараёнида ўйиндан дунёқараш, ахлоқий ва эстетик тушунчалар учун, таълим технологиялари элементлари каби, тарбиявий тадбирлар ёки унинг қисмлари сифатида (қилиш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) фойдаланилади.

Ўйин фаолиятининг психологик механизмлари шахснинг ўз-ўзини намоёйиш этиш, билиши, жорий қилиши каби фундаментал

талабларга таянади. Бу технологиянинг мақсадли йўналтирилганлиги куйидагича:

- дидактик мақсадлар: дунёқарашни кенгайтириш, билув фаолияти, билим, кўникма ва малакаларни амалиётда қўллаш, амалий фаолият учун зарур бўлган алоҳида кўникма ва малакаларни шакллантириш, меҳнат кўникмаларини ривожлантириш;
- тарбияловчи мақсадлар: мустақилликни, эркинликни тарбиялаш, муайян ёндашувларни, ахлоқий, эстетик ва дунёқарашга оид сифатларни шакллантириш, ҳамкорликни, жамоатчиликни, коммуникативликни, муомалаликни тарбиялаш;
- ривожлантирувчи мақсадлар: диққатни, хотирани, нутқни, тафаккурни, таққослаш, солиштириш кўникмасини, ўқшашини топишни, мулоҳазаалашни, ижодий қобилиятларни, мақбул ечим топиш кўникмасини ривожлантириш;
- ижтимоийлаштирувчи мақсадлар: жамият меъёрлари ва қадриятларига аралашув, муҳит шароитларига кўникиш, кучли эҳтиросли назорат, мулоқотга ўргатиш.

“Йишчи ўйин” тушунчасини нотўғри қўллаш ҳам кузатилади. Бунга дискуссия, муаммоли семинар, роллар бўйича иш кўринишини беришга ҳаракат қилишади. Ўйлаш керакки, ўйинлар моҳияти чуқур мазмунли. Ўйиннинг реал оппозицияси инсон устидан ички ва ташқи мажбур қилиш шакллари ҳисобланади.

Эркин ўқитиш технологияси куйидагилар билан белгиланади: ўқув материалга қизиқиш, уйғотиш, билишга ва фаол ижодий фикрлашга рағбарлантириш; ўқувчиларнинг мустақиллиги ва ташаббусига таяниш; жамоа орқали билвосита усуллар билан талабларни амалга оширишни таъминлаш.

Янги индивидуал ёндашувнинг моҳияти шундаки, у таълим тизимида ўқув фанидан ўқувчига эмас, ўқувчидан ўқув фани томонига ҳаракатланишни тақозо этади, ўқувчиларнинг мавжуд имкониятларини инobatта олиб, уларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва бойитишга қаратилган бўлади.

Мазкур технологияда асосий ургу ўқувчининг ўз ҳаётий фаолияти давомида мустақил фикр юритиши ва танлаш эркинлигига қаратилади. Танлаш ҳуқуқига эга бўлган ўқувчи субъект вазифасини бажаришга ташқаридан бўлган таъсир остида эмас, балки ўзининг ички кечинмаларидан келиб чиққан ҳолда интилиб бажаради.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясига қўйиладиган талаблар – ўзаро суҳбат, фаоллик ва ижодкорлик, ўқувчининг индивидуал ривожланишини қўллаб-қувватлаш, ўқувчига мустақил ижод қилиши, қарор қабул қилиши, билим олиш тури ва услубларини танлаши учун имконият яратиб бериш кабилардан иборат.

Ўқитувчи куйидаги талабларга жавоб бериши керак: ижодкорлик ва ўқувчига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, инсоний позицияда бўлиш, ўқувчининг руҳий ва жисмоний соғлом бўлиши ҳақида қайғуриш, мунтазам фанни ривожлантирувчи янгиликлардан унумли фойдаланиб ўқув машғулотларини бойитиб бориш, ўқув машғулотлари мазмунини билан ишлашни билиши ва унга шахсга йўналтирилган шакл бера олиши, турли ўқитиш технологияларидан фойдаланиб, уларга ўқувчини шахсни ривожлантирувчи йўналиш бера олиш, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини қўллаб-қувватлаши ва уларни ривожлантириш ҳақида қайғуриши.

Мазкур технологияда асосий ургу ўқувчининг ўз ҳаётий фаолияти давомида мустақил фикр юритиши ва танлаш эркинлигига қаратилади. Танлаш ҳуқуқига эга бўлган ўқувчи субъект вазифасини бажаришга ташқаридан бўлган таъсир остида эмас, балки ўзининг ички кечинмаларидан келиб чиққан ҳолда интилиб аъло даражада бажаради. Анъанавий таълим тизимидаги ҳар қандай педагогик технологиянинг асосида тушунтириш ётади, лекин шахсга йўналтирилган таълим технологияси асосида эса тушуниш ва ўзаро бир-бирини тушуниш ётади. Тушуниш эса, бу мулоқот, ҳамкорлик, ўзаро бир-бирини англаш демакдир.

2.4. Шахсга йўналтирилган замонавий усуллар

Ҳозирги кунда таълим тизимида ўқитиш усулларининг бой ҳазинаси тўпланган. Ўқитишнинг дидактик усуллари ва уларни ўрни билан янгилаб бориш ўқитувчилар олдига муҳим вазифалар қўяди. Кенг маънода қўлланган усул ўқитишнинг ўз олдида қўйган мақсадларига эришиш, маълум объектни ўзлаштириш борасидаги назарий ва амалий фаолиятларни англатади.

Ўқитиш усули деганда, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қуттилган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолияти тушунилади. Ўқитиш усуллари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлишини,

Ўқитиш жараёнини қандай қилиб ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини белгилаб беради [5].

Ўқитишнинг оғзаки усуллари дидактикада уч турга – хикоя, суҳбат ва маърузага ажратилади. Оғзаки баён этиш усулида ҳар иккала фаолиятнинг, ўқув материалларини моҳирлик билан оғзаки баён қилиб бериши ва баён қилинаётган материалларни ўқувчилар диққат билан тинглаб, онгли ва мустаҳкам ўзлаштиришлари бирлигига амал қилинади. Демак, бу усул таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган усул ҳисобланади. Ўқитишнинг амалий усуллари ёзма машқ, тажриба, лаборатория ишлари, техник воситаларини ўз ичига олади.

Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли-изланиш усуллари ўқувчининг ўқув материалларини мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш, камчиликларни тез аниқлаш учун амалий кўникмаларни шакллантиради. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар яратиш, уларда ҳар нарсани билишга ҳавас, мустақиллик, ўқишга қизиқиш ва ижод қилишга интилиш каби шахсий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Ўқувчи онгида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, ўқувчининг фаол фикрлаш фаолияти, интеллектуал ҳислар ва руҳий кечинмалар муаммоли вазият яратади.

Индуктив ва дедуктив усуллари қўллаш ўрганилаётган мавзу мазмунини оқишнинг маълум мантиқини, хусусийдан-умумийга ёки умумийдан-хусусийга ўтишни танлашни аниқлатади.

Модель усули - табиий фанларни ўқитишда самарали усул ҳисобланади (модул дастури-мавзулар бўйича маъруза матни тайёрлаш, матнлар мантикий тугалланган фикрли модул қисм, блокларга ажратилади. Ўқитувчи ҳар бир модул мужассамлаштирган ахборотни, ўқувчилар томонидан ўзлаштириши учун бажарилиши лозим бўлган топшириқларни аниқ белгилаши, шулар асосида модул дастурларини тузиши).

Охири пайтда гуруҳларда дарс жараёнларини ташкил этишда диалогик ўқитиш, интерфаол ўқитиш, брейнсторминг, ақлни зўр бериб ишлатиш каби иборалар ишлатила бошланди ва буларнинг барчасида эътибор гуруҳнинг умумий бирор масала ёки муаммони ҳал қилишдаги умумий интилишлари назарда тутилади. Гуруҳ бўлиб ишлашнинг тафаккур учун аҳамияти, умумий фикрга қелиш, шу шароитда энг кўп фикр билдирган

гуруҳ аъзолари мустақил фикрловчи ва ўзгаларни ҳам эркин фикрлашга чорловчи мотиваторлар деб баҳоланади.

Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш усули. Бу усулда кўпроқ ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишига эътибор қаратилади. Улар алоҳида-алоҳида ёки 6 кишилик кичик гуруҳларда ижодий изланиш олиб борадилар. Ижодий изланиш кичик гуруҳларда ташкил этилганда машғулотда ўрганиш лозим бўлган ўқув материали кичик қисмларга ажратилади. Кейин бу қисмлар юзасидан топшириқлар ҳар бир ўқувчига тақсимланади. Шундай қилиб, ҳар бир ўқувчи умумий топшириқнинг бажарилишига ўз ҳиссасини қўшади. Кичик гуруҳларда топшириқ юзасидан мунозара ўтказилади. Гуруҳ аъзолари биргаликда маъруза тайёрлайди ва гуруҳ ўқувчилари ўртасида ўз ижодий изланишлари натижасини эълон қилади. Кичик гуруҳлар ўртасида ўтказилган ўқув баҳси, мунозара ўқувчиларнинг ҳамкорликда бажарган мустақил фаолиятининг натижаси, якуни саналади. Ҳамкорликда ишлаш натижасида қўлга киритилган муваффақиятлар ҳар бир ўқувчининг мунтазам ва фаол ақлий меҳнат қилишига, кичик гуруҳларни, умуман гуруҳ жамоасини жипслаштиришга, аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги қўтилмаган вазиятларда қўлланиб, янги билимларнинг ўзлаштиришига боғлиқ бўлади.

Командада ўқитиш усули. Бунда ўқувчилар тенг сонли иккита командага ажратилади. Ҳар иккала команда бир хил топшириқни бажаради. Гуруҳ аъзолари ўқув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир ўқувчи мавзудан кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга эътиборни қаратади. Ўқувчилар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик ҳар бир ўқувчининг қўлга киритган муваффақиятидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш ҳисси, қўлай ижтимоий-психологик муҳит вужудга қелиши зарур. Мазкур технологияда ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда, уларни бир-бири билан эмас, балки ҳар бир ўқувчининг кундалик натижаси аввал қўлга киритилган натижа билан таққосланади. Шундагина ўқувчилар ўзининг машғулот давомида эришган натижаси командага фойда келтиришни аниқлаш ҳолда, масъулиятни ҳис қилиб, кўпроқ изланишга, билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришга интилади.

Ҳамкорликда ўқитишнинг “Биргаликда ўқиймиз усули”. Бунда гуруҳ ўқувчилари 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга

ажратилади. Ҳар бир гуруҳ машғулотда бажарилиши лозим бўлган топшириқни маълум қисмини бажаради. Гуруҳлар топшириқларнинг тўлиқ бажарилиш натижасида ўқув материалнинг яхлит ўзлаштирилишига эришилади. Мазкур усулнинг асосий тамойиллари: гуруҳни тақдирлаш, ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, муваффақиятларга эришиш учун бир хил имкониятларни вужудга келтириш.

Эркин фикрлаш машғулотлари усули. Бу илмий-оммабон адабиётлар, вақтли матбуотда чоп этилган мақолалар ва уларнинг муҳокамааларига бағишланади. Ундан кўзда тутилган мақсад: ўқувчиларнинг билим доирасини, илмий дунёқарашини кенгайтириш; ўқувчиларни илмий, илмий-оммабон мақолалар, рисоалар, китоблар билан таништириш орқали, уларнинг билим олиш ва фанга бўлган қизиқишларини орттириш; ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни эгаллашларига эришиш.

Мунозарали машғулотнинг самараси куйидаги масалаларни тўғри хал этишга боғлиқ: ўқувчиларнинг машғулотга қизгин тайёргарлик кўришига; улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ёрдам улоштирилишига; ўқувчиларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини тўлиқ баён этишига; ўқувчиларда бошқаларнинг фикрини сабот билан тинглаш кўникмаларининг ҳосил қилинганлигига; ўқитувчининг иқтидори, ўқувчиларнинг билим фаолиятини фаоллаштира олиш кўникма ва малакаларига эгаллаганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Эркин фикрлаш машғулотларини ўтказиш учун ўқувчиларга кўпгина илмий, илмий-оммабон мақолаларни ўқишни тавсия этамиз.

Танқидий тафаккур усули. Бу ўқувчи қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуктаи назарини асослаб бериш имкониятига эга бўлишига асосланган. Одатда бундай зарурат мувоҳаса характерига эга масалаларни хал этаётганда юзага келади масалан: Таълим муассасасида ягона мактаб формаси керакми? Жамоа транспортда ўқувчилар учун бепул йўл чипгаси жорий этиш керакми? Ва бошқалар. Бу нарсалар ўқитувчига ўқувчиларнинг тинглаш ва мулоқот қилиш кўникмаларини, турли нуктаи назардан тушуниш малакасини ривожлантириш, баҳсли масалаларни хал қилиш, таҳлилий мушоҳада юритиш ва фикрлаш

лаёқатини ошириш, уларнинг ўз фикрини шакллантириш маҳоратини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

“Танқидий тафаккур”ни ўтказиш услубияти.

1. Ўқувчиларга мувоҳаса характерига муаммо, топшириқ ёки чалқаш масала қўйилади ва саволлар берилади. Масалан: Нима деб ўйлайсиз? Фикрингиз қанақа? Сизнингча қандай? Бу каби саволлар ўқувчи ўз нуктаи назарини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

2. Ўқувчига ўз нуктаи назари, фикрини ишлаб чиқиш учун имконият ва фурсат берилади.

3. Ўқувчи ўз фикрини асослайди, бунда унинг нуктаи назарини аниқлаб олиш учун саволлар бериш мумкин. Масалан: Нега бундай деб ўйлайсиз? Нималар асосида бундай хулосага келдингиз?

4. Ўқитувчи кўриб чиқиётган масала юзасидан бошқа фикрда бўлган ўқувчиларга сўзлаш имкониятини беради ва саволлар бериш мумкин. Масалан: Кимда бошқа фикр бор, нега? Ким айтилган фикрни маъқулламайди, нега?

5. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда турли нуктаи назарларни муҳокама қилиш воситасида барча фикрларни таҳлил қилиб чиқади ва саволлар бериш мумкин. Масалан: Нега бошқа ўқувчининг нуктаи назарини маъқулламайсиз? Ўз нуктаи назарингизни тасдиқловчи асослар келтира оласизми?

6. Муаммони топшириқ, масала, чалқаш масала бўйича қабул қилинган қарорга ўқувчилар томонидан ўз нуктаи назарларини қабул қилиши ёки қайта баҳолалиши билан эришилади ва саволлар бериш мумкин. Масалан: Сизнингча, кимнинг нуктаи назари энг мақбул? Юзага келган вазиятдан қайси йўл билан чиқиш маъқулроқ?

“Танқидий тафаккур” усулини ўтказиш қоидалари. 1. Аниқ белгилаб қўйилган вақтда ўқувчилар кўрсатилган топшириқ ёки чалқаш масаладаги ролларни ижро этишлари лозим. 2. Роль ўйналиши натижаларига кўра ўйин муҳокамаси ва баҳолалиши амалга оширилади. Иштирокчилар ва кузатувчилар ўйин пайтида содир бўлганларни таҳлил қилиб чиқиш ва муҳокама қилиш имкониятига эга бўлиши лозим ва саволлар бериши мумкин. Масалан: Ролли ўйин ўтказилаётганда қандай натижаларга эришилиши? Қайси муаммо тилга олинди, у ўз ечимини топдимми? Борди-ю ўйин шартлари ўзгартирилса, натижалар қандай бўларди?

“Ролли ўйин” усулини ўтказиш қондалари. Вакт регламентига аниқ ривоя этиш лозим. Ролли ўйинда иштирок этмаётган ўқувчилар кузатувчилар сифатида ишга солиниши ёки ёрдамчи ролларини (М: баённома ёзиб боровчи) ижро этиш лозим. Ўйин муҳокамаси пайтида ўқувчилар айтган фикрлар бошқа нукта назарда бўлган ўқувчилар томонидан назарда тутилган регламент доирасида асосли танқидга ёки муҳокамага тортрилиши мумкин. Зарур бўлиб қолган тақдирда баён этилган фикрга тузатишлар киритиш керакки, бу нарсаси фикрни аниқ ва қисқача ифодалаш имконини беради.

Ижодий ўйинлар усули. Ўқувчиларнинг ижодий изланиши, мантикий фикрлашини ривожлантириш ва қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар муҳим.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммолар вазиятларни ўқувчилар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ижодий қўллаш ва излаш орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ лозим.

Мазкур дидактик ўйинли машғулотда барча ўқувчилар ҳамкорликда ишлади. Аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб янги билимларни эгаллайди. Бу эса ўқувчиларнинг ўз билимларига, иқтидорига ишонч уйғотади. Натижада ҳар бир ўқувчи янада кўпроқ билим олишга киришади.

Мулоқот усули. Ушбу технология ўқувчиларнинг машғулот жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин баён этишга ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда, бундай машғулот ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда ўтказилади. Мақсад: танланган мавзу, муаммо асосида ўқувчиларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларини аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрдам бериш, эркин ҳолда баҳслашишларига шароит яратиш, мулоқот қила олишга ўргатиш. Қўлланиши: амалий, лаборатория, факультатив машғулотларда ва ундан ташқари ўтказиладиган тарбиявий соатларда қўлланилиши мумкин бўлиб, машғулот жамоа ва кичик гуруҳ шаклида ўқув аудиториясида ёки табиат қўйнида ўтказилиши мумкин.

Сўзлашув, суҳбат – шахсга йўналтирилган таълим назариясининг асосларидан бири. Шахс ривожланишида суҳбат

муҳим аҳамиятга эга. Суҳбат – ўқитиш усули сифатида, ўқув жараёни субъектларининг муносабатининг энг мақбул шакли шифатида кўпдан бери маълум.

Ўзининг тадқиқотда суҳбат, индивиднинг шахсий ривожланишига боғлиқ бўлган педагогик вазиятнинг универсал харақтеристикаси сифатида тадқиқ қилинади. Суҳбат бу маънода шахснинг янги тажрибани қабул қилиши учун мақбул шароитни яратишчи, ўзига хос ижтимоий-маданий муҳит сифатида кўриб чиқилади.

Шахснинг энг муҳим вазифаси аниқ бир ҳаётий вазиятга, унинг мазмунини аниқлаб беришга ўзининг муносабатини исбатлаб беришдан иборат. Айни бу ҳолатда, педагогда фақат суҳбат орқали қилиш мумкин бўлган, фикрни излаш жараёнига оқибат билан аралаштириш имконияти мавжуд бўлади. Суҳбат жараёнида у ўқувчиларга улар учраган қарама-қарши қаршиликларни кўришга ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суҳбат шахсга йўналтирилган вазиятни яратиш инструменти сифатида, ўқитишнинг кенг тарқалган савол-жавоб методидан фарқ қилади. Шахсга йўналтирилган вазият – ўқувчилар шахсий вазифаларини фаоллаштиришга, уларнинг муҳим танлашни амалга ошириш тажрибасини тўплашга, танқидий қабул қилишга, ҳаяжонли муаммоларни ижодий ечишга, аъъанавийликка махсус йўналтирилган ва б.к., суҳбат ёрдами билан яратилади. С.В.Белов [26] ушбу вазиятларга мос ҳолда суҳбатнинг турини ажратиб кўрсатади – мотивацион, ўзи тақдирот қилувчи, танқидий, инқилоли, аъъанавийли, маъноли-ижодий, ўзини амалга оширувчи ва б.к.

Ўйин усули. Ўйин инсон фаолиятининг меҳнат ва ўқув турлари билан бир қаторда туради. Ўйин – бу ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга ва яратишга қаратилган вазиятлар шароитидаги фаолият тури бўлиб, хатти-ҳаракат устидан ўзини-ўзи бошқариш юзасига келади ва такомиллашади.

Ўйин – бу мақсад сари ҳаракат қувончи, ҳаддан ташқари интилишга тесқари ... мақсадга эришишнинг барча йўлларини янлашиб ўтиб ўша мақсадга эришиш.

Инсоний амалиётда ўйин фаолияти қўйидаги вазифаларни бажаради: кўнгил очиш (ўйиннинг асосий функцияси: қизиқиш уйғотиш, вақтичоғликни таъминлаш, жонлантириш); коммуни-

катив-мулоқот диалектикасини эгаллаш; ўз-ўзини намойиш этиш; терапевтик (хаётий фаолиятда юзага келадиган турли қийинчиликларни енгиб ўтиш); ташхисли (меъёрий ахлоқдан четга чиқишни аниқлаш); миллатлараро коммуникация: барча халқлар учун ягона бўлган ижтимоий-маданий кадриятларни эгаллаш; ижтимоийлашув (ижтимоий муносабатлар тизимига киришиш, инсоний ҳаёт меъёрларини ўрганиш).

Фаолият сифатида ўйин тузилмасига мақсадни аниқлаш, режалаштириш, мақсадни жорий этиш, шунингдек, натижалар таҳлили ҳам табиий ҳолатда киради, уларда шахс ўзини субъект сифатида тўлиқ намойиш этади. Ўйин фаолияти мотивацияси, унинг ихтиёрийлиги, танлаш имкониятлари ва мусобақалашув унсурлари билан таъминланади, ўз мавқеини аниқлаб олишда, ўз-ўзини намойиш қилишда эҳтиёжлар қаноатлантирилади. Жараён сифатида ўйин тузилмасига киради: бажариш учун ўзига олган роллар; бу ролларни амалга ошириш воситаси сифатида ўйинли ҳаракатлар; предметлардан ўйин учун фойдаланиш, яъни ҳақиқий буюмларни шартлилари билан алаштириш; ўйин иштирокчилари ўртасидаги реал муносабатлар; сюжет (мазмун)-ўйинда шартли ишлаб чиқиладиган воқелик соҳаси.

Замонавий таълимда ўқув жараёнини фаоллаштиришга ва жадаллаштиришга йўналтирилган ўйин фаолиятидан қуйидаги ҳолатларда фойдаланилади:

- тушунчаларни, мавзуларни ва ҳатто ўқув предметининг бўлимини эгаллаш учун алоҳида технологиялар сифатида;
- бирмунча йirik технологиянинг элементи (баъзан бир-мунча аҳамиятли) сифатида;
- машғулот ёки унинг қисми (кириш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) сифатида;
- аудиториядан ташқари ишлар технологияси сифатида (“Қилини қирқ ёриб”, “Заковат”, КВН ва б.).

Машғулотларнинг ўйинли шакли ўйин усуллари ва вазиятлари ёрдамида яратилиб, ўқувчиларни ўқув фаолиятига қизиқтириш воситаси сифатида намоён бўлади. Ўйинга оид усуллар ва вазиятларни амалга ошириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича боради: дидактик мақсад ўқувчилар олдида ўйинли масалалар кўринишида қўйилади; ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди, ўқув материалдан унинг воситаси сифатида фойдаланилади; ўқув фаолиятига мусобақа унсурлари киритилиб, улар дидактик

масалаларини ўйин вазифаларига ўтказиш; дидактик топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади.

Ўқув жараёнида ўйин технологияларининг ўрни ва мавқеи, ўқув ва ўйин элементларини қоғиштириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг педагогик ўйинлар функциялари ва таснифларини тушунишга боғлиқ. Биринчи навбатда ўйинларни фаолият турлари бўйича ажратиш лозим: жисмоний (двигателли), интеллектуалли (ақлий), меҳнатий, ижтимоий ва психологик. Педагогик жараён характери бўйича ўйин қуйидаги гуруҳларга бўлинади: ўргатувчи, машқ қилувчи, назоратловчи ва умумлаштирувчи; билишга оид тарбияловчи, ривожлантирувчи; номахсул, маҳсулдор ва ижодий; коммуникатив, диагностика, касбга йўналтирувчи, психотехник кабилар.

Ўйин методикаси характери бўйича: предметли, сюжетли, ролли, ишбилармонлик, имитацион ва ўйин-драма. Предметли соҳа бўйича ўйинлар: ўқув режасидаги барча предметлар-философия, педагогика, математика, социология ва бошқа фанларга оид. Ниҳоят, ўйин технологияларининг ўзига хослигини кўп жиҳатдан ўйин ўтказиладиган мухит(объект) аниқлаб беради: предметли, предметсиз; стола, уйда, кўчада; компьютерли, телевизорли, ўТВ; олға ҳаракатланишнинг турли техник воситалари ёрдамида.

Ўйин технологияларнинг мақсадли йўналтирилганлиги:

- дидактик мақсадлар: дунёқарашни кенгайтириш, билув фаолияти; билим, қўникма ва малакаларни амалиётда қўллаш; амалий фаолият учун зарур бўлган алоҳида қўникма ва малакаларни шакллантириш; меҳнат қўникмаларини ривожлантириш;
- тарбияловчи мақсадлар: мустақилликни, эркинликни тарбиялаш, муайян ёндашувларни, мавқеларни, ахлоқий, эстетик ва дунёқарашга оид установакаларни шакллантириш; ҳамкорликни, жамоатчиликни, коммуникативликни, муомалаликни тарбиялаш;
- ривожлантирувчи мақсадлар: диққатни, хотирани, нутқни, тафаккурни, таққослаш, солиштириш қўникмасини, ўхшашини топишни; мулоҳазалашни, ижодий қобилиятларни, рефлексияни, мақбул ечим топиш қўникмасини ривожлантириш; ўқув фаолияти мотивациясини ўстириш;
- ижтимоийлаштирувчи мақсадлар: жамият меъёрлари ва кадриятларига аралашув; мухит шароитларига қўникиш; кучли

эхтиросли назорат, ўз-ўзини ростлаш; мулоқотга ўргатиш; психотерапия.

Ўйинли ўқитиш усули кўп функционалли ва инсоннинг турли психологик хусусияти ва сифатларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун қўлланиши мумкин: касбий йўналтирилганлик, ақлий мустақиллик у ёки бу фаолият соҳасидаги билим, кўникма ва малакалар: билиш ва касбга оид масалаларни ижодий ҳал этиш, таъкилотчилик ва коммуникатив сифатлар, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш ва б.

Ўйинли ўқитиш вазифалари ичида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим: инструменталли-кўникма ва малакаларни шакллантириш; гностик-билим ва тафаккурни шакллантириш; ижтимоий-психологик-ўқувчида коммуникатив сифатларни шакллантириш.

Таъкидланганлар билан бир қаторда ўйинли ўқитишнинг диагностика, мотивацион, моделлаштирувчи, ташкилий ва креатив, назорат ва тузатиш функциялари жорий этилади.

Ўйинли ўқитиш усулларининг юқори самарадорлиги анъанавий усул билан таққослаганда жиддий афзалликлар билан фарқланади. Уларнинг баъзиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– қабул қилинган ечим натижаларининг аниқлиги: ўйинда батафсилликка аҳамият бермаслик, ахборот салмоқдан ишга тааллуқли бўлмаган реал жараёнлар хусусиятларидан келиб чиқадиган шовқинларни ўчириш мумкин;

– вақтнинг ўзгарувчанлик кўлами: ўйин тез ёки секин тарзда воқеа боришини бошқаришга имкон беради. Шартли амалиёт ҳолатида тузиладиган ўйинда, бир неча соат ёки бир неча йил яшаш мумкин;

– кўрсатманинг ўзгариши: ўқитиш давомида малакаларнинг тўлланиши билан тажрибани такрорлаш: бир вазиятнинг ўзини ҳар гал ечимга янгича ёндашган тарзда бир неча марта қайта ўйнаш мумкин;

– қамраб олиш кўламини ўзгартариш имкониятининг мавжудлиги турли шароитларда жиддий ечимларни излаб топиш муддатини етарлича қисқартариш мумкин.

Ўқув режасига ўйин машғулотини киритиш ечими мутахассис бўйича ўқитишнинг умумий графикасини ишлаб чиқиш босқичида қабул қилинади. Бундан олдин мутахассис тайёрлашнинг туғунли нуқталари ва уларга оид ўйинли ўқитиш усулини

қўллаш мақсадга мувофиқ белгилаб олинади. Уларни ўқув режага шундай жойлаштириш лозимки, ҳар бир машғулот бир фан бўйича эмас, балки бир неча аралаш ўқув предметлари бўйича билимларни жамлашни талаб этсин. Бунда ўйин машғулотлари пастки курслардан юқорига ўтиши давомида тақомиллашиб бориши, мумкин қилар амалиётда учрайдиган реал воқеаликларни қамраб олиши шарт.

Ҳар бир семестрда 2-3 ўйинли режалаштириш ва ўтказиш, бунда аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, касбий ролларни ижро этиш, имитацион машқлар бажариш каби ўйин машғулотларини ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўйинли ўтказиш вақтини режалаштиришда машғулотлар жадвалига қўйиладиган умумий талаблардан ташқари қуйидаги жиҳатларни кўзда тутиш лозим:

– ўйин асосий курс маърузалари ўқилган ва ўқувчилар унда иштирок этишлари учун назарий жиҳатдан тайёр бўлгач, режалаштирилгани маъқул;

– ўйин учун алоҳида бошқа машғулотлар билан юкланмаган кунларни ажратиш тавсия этилади, сабаби қатнашчиларнинг диққат ва эътибори ўйинда тўлланиши лозим. Агар ўйин 2 ёки 4 соатга мўлжалланган бўлса, унда уни ўқув якунида якунлаш мақсадга мувофиқ, чунки ўқувчилар ўйиндан кейин роллардан тез чиқиб кетиб, бошқа ўқув фанларига тезда ўтиша олмайд;

– ўйин ўқувчиларнинг кўп вақти ва диққатини олади, шунинг учун ўтказиш вақти семестрда бажариладиган ишларнинг умумий жадвали билан мослаштирилиши зарур.

Ўқув ўйинларини ўтказишда ахборот таъминот муҳим роль ўйнайди, у қатор ташкил этувчилардан иборат: ўйин машғулотларига киритиладиган вазиятларнинг тавсифи; ўйинли ўтказиш вақти ва унинг мураккаблиги ҳамда аҳамиятини ҳисобга олган натижаларни баҳолаш мезонлари; ўйин машғулотларини режалаштириш ва ўтказиш мезонлари; ўйин машғулотларини режалаштириш ва ўтказиш ҳужжатлари; меъёрий ва сонли маълумотлар. Ўйинли вазиятлар ўйин машғулоти дастурининг асосини ташкил этади ва батафсил унинг тавсифини қамраб олади. Ўйинли ўтказиш вақтида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳақ-хуқуқ ҳамда вазифалари, алоҳида босқичлар кетма-кетлиги, мазмун ва вақт бўйича тақсимланиши, қадам ва босқичлар қатнашчиларнинг ўзаро ҳаракатланиш тартиби қайд этилади.

Ўйинни ахборот таъминлашнинг муҳим таркиби ҳужжатлаштириш ҳисоблашиб, қатнашчиларга қабул қилинадиган ечимларни синчиклаб ўрганиш учун бериладиган дастлабки ва режали ҳужжатларни ва бу ечимларни бажариш натижалари қайд этилган ҳисобот ҳужжатларини муҳасамалаштиради. Меъёрий ва сонли маълумотлар, ўйин машғулотида қатнашчилар фойдаланиладиган ҳужжатларнинг махсус тўпламидан иборат бўлади.

Ўйин самараси ўқитиш усули сифатида анъанавийдан кўра, моддий техник таъминотга боғлиқ бўлиб, унинг таркибига аудитория, ўйин учун махсус жиҳозлар, маълумотларни акс эттирувчи воситалар, бошқариш воситалари, тренажёрлар, ҳисоблаш техникалари ва ҳ.к. Табиийки, моддий техник таъминот таркиби ва жойлашиш ўйин машғулоти шакли, қатнашчилар сони ва бошқа қатор омилларга боғлиқ бўлади. Ўйинларни ўтказиш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш давомида қатор муаммоларга дуч келинди: ўйин раҳбари бутун ўйин давомида ўқувчиларни узлуксиз ишчи юклама билан таъминлаши зарур. Такомиллашув кўпчилиги ечимларнинг изчил қабул қилиниши, ўйинни бошқаришнинг мантиқий тартиби билан боғлиқ.

Яна бир муаммо ҳар бир ўйин иштирокчисининг индивидуал ишларини объектив баҳолаш ҳисобланади, ўйин натижаси кўп ҳолларда аниқ бир ўқувчи фаолияти билан боғлиқ эмас. Бу муаммо ўйинда ўқитувчининг фаол иштироки билангина ечилиши мумкин, бу ҳолатда ўқувчи қобилияти тўғрисида бирмунча тўлиқ тасаввур ҳосил қилиниши ва бу ҳулосалардан натижаларни баҳолаш учун фойдаланиши мумкин.

Шундай қилиб, ўқувчининг эркин, ижодий ва ҳар томонлама ривожланишини таъминловчи ҳамда ўқув машғулотларини ташкил этишни такомиллаштиришда қўлланиладиган юқоридаги усуллар ўқувчиларнинг мустақил ишлаш самарадорлигини ошириш, ижод қилиш, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, ўқувчилар билимини ҳолисона баҳолаш, ўзлаштиришни кўтариш, ўқув материали мазмунини шакли ва усулларини доимий янгиллаб бориш ҳамда малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини доимий равишда ошириб боришни таъминлаш учун янги имкониятлар беради.

III БОБ. ШАХСГА ЎЙНАЛТИРИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Шахсга ўйналтирилган дарсни ташкил этишнинг назарий-методологик асослари

Шахсга ўйналтирилган ўқитиш тизими интегратив, янги сифатга эга бўлмоқда. Айниқса, ички томондан ўқув-тарбиявий жараён субъектлари янгиланиши лозим: ўқитувчи ва таълим олувчилар. Уларнинг ҳар бири ўзига у ёки бу позицияни қабул қилиши лозим. Ўқитувчи таълим олувчи билан унинг шахсини ҳурмат қилиш режаси асосида тенглашиши лозим, қандайдир устунлик қилиш, қўшимча ҳуқуқ, турли ва авторитар имтиёзлардан воз кечиши керак.

Таълим олувчи эса ўзининг ўқувчи ролини тўғри англаши, ўзини касбий ривожлантиришга интилиши, ўқитувчига саволлар бериши, улар билан баҳслашиши мумкин.

Ўқитиш мақсадида ўқув материали мазмунини ўқув-тарбиявий жараёни шахсни ривожлантириш субъектларининг воситасига айланади: ўқитувчи ва таълим олувчилар. Таълим муассасасида асосий ўқитиш шакли маъруза ҳисобланади.

Шахсга ўйналтирилган тизим шароитида ўқитувчи назарий ўқитишда бўлажак ўқитувчининг шахсий хarakterистикаларини (ўқиш маҳорати, фикрлаши, саволлар бериши, ҳулосалар чиқариши) ривожлантириш учун асосий эътиборни дарсга қаратади. Бундай шароитларда ўқитувчи фикрлай олиши, ахборотларни эслаб қолишлари лозим. У мустақил таълим фаолияти кўникмаларини шакллантириши, фикрлашини уйғотиши ва бошқаларни амалга ошириш керак.

И.С.Якиманский [152, -Б.124] фикрича, шахсга ўйналтирилган дарснинг асосий мазмунини шундан иборатки, кўриб чиқиладиган мавзу бўйича ўқувчиларнинг субъект тажрибасини очиб ташлаш учун, уни бериладиган билим билан мослаштириш, илмий томонларини кучайтириш орқали материалнинг ўзлаштирилишига эришиш лозим.

Дарс доимо ўқувчининг фақат билиш имкониятларини фаоллаштириш эмас, балки ҳар бир ўқувчининг шахсий намоёнлигини кўрсатишни тизимли ўрганишга ҳам қаратилган бўлиши керак.

Дарсда ўқитувчи бутун синф билан ишлайди, лекин бунда у ҳар бирини кўриши ва тушуниши керак. Замонавий дарс мақсад ва вазифалари бўйича жуда эгилувчан, ўқитиш метод ва шакллари бўйича вариатив, техник воситалардан фойдаланиш бўйича мазмунга бой бўлиб қолди, лекин ҳар доим ҳам уни шахсга қаратилган деб бўлмайди.

Шахсга йўналтирилган дарс – бу ўқитувчи томонидан фақат, ижобий ижодкорлик атмосферасини яратиш эмас, балки ўқувчиларнинг субъектли тажрибасига уларнинг шахсий ҳаёт фаолияти сифатида мунтазам мурожаат қилишдир.

Дарсда субъект тажрибаси билан ишлаш, ўқув ишлари жараёнининг биргаликдаги таҳлилига йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигига имкон берувчи муносабатнинг турли шаклларида фойдаланишни назарда тутати.

Шахсга йўналтирилган дарснинг асосий ғояси, кўриб чиқиладиган мавзу бўйича ўқувчиларнинг субъект тажрибаси мазмунини очиб бериш, уни билим билан мослаштириш, шу билан материални ўзлаштиришга эришиш. Ўқитувчи дарсда ўқувчиларга унинг субъект тажрибасидаги чегараланганликни айланиб ўтишга ёрдам беради.

Ўқитувчининг профессионал позицияси шундан иборат бўлиши керакки, бунда ўрганиладиган мавзу мазмунни бўйича ўқувчиларнинг ҳар қандай фикрларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак.

Бу тенг ҳуқуқли диалог (полилог) бўлиши мумкин, қайсики бунда ҳар бир ўқувчи муҳокама қилинадиган мавзу бўйича кўркмасдан ўз фикрини билдириши мумкин. Ўқитувчининг вазифаси – бу илмий мазмунли, дарога мос тахминларни аниқлаш ва умумлаштириш, ажратиш, қўллаб-қувватлашдан иборат.

Шахсга йўналтирилган дарснинг асосий хусусияти, материал дастурини муваффақиятли эгаллашга имкон берувчи психофизик заминга таяниш ҳисобланади. Бунинг учун, индивидуал вазифа-карточка зарур (иллюстратив, тарқатма материал).

Шахсга йўналтирилган дарсда ўқитувчи ўзига координатор, диалог ташкилогчиси, ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш ёрдамчиси ролини олиши керак.

Энг муҳими, ўқув вазифаларини ечиш учун оптимал широйитларни биргаликда излаш ва таҳлил қилиш ҳисобланади. Бу ўқувчилар ўқув материалини ўзлаштириш бўйича, бунда қандай воситалардан фойдаланиш кераклиги ишларини қандай ташкил қилишнинг баҳолаш назарда тутилади. Яна ўқувчиларнинг қисқоқчалари ва ўқитувчилар билан ўзаро муносабати ҳам муҳим ҳисобланади.

Фактик ўқитувчи ўзининг бир қисм мажбуриятларини ўқувчиларга юклайди. Кучли ўқувчилар бир-бирининг ишини текширади ёки паст ўзлаштирувчиларни, янги манбани киритганда дарслик бўйича мустақил ишлашда, ўқитувчи уни баён этиши шарт эмас, балки ўқувчиларнинг билдиришларига таянган ҳолда ўқилганлар бўйича суҳбат ташкил этиш мумкин.

Дарсда назорат (мустақил) ишлар натижаларини таҳлил қилиш билан, ўқитувчи фақат қўйилган баҳони эълон қилмасдан, мавзу бўлимларини такрорламасдан, балки ишларни бажаришда ўқувчилар фойдаланган усулларни ҳам муҳокама қилиши керак, энг самарадор ва оригиналларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш лозим. Бу ҳолат дарсда ҳар бир ўқувчи билан ишлашга имкон беради. Ўқитувчи ўқувчилар билан бирга билимларни ўзлаштиришнинг самарали йўллари излайди ва топади, билдирилган фикрларни рағбатлантиради, амалга ошмаган ҳаракатларни таҳлил қилади, ўқувчиларни ҳаттолар устида ишлашга, сабабларини топишга, уларни бартараф этишга стимуллаштиради. Бундай шaroитларда синфни бошқариш қийин бўлади, аммо пассив, зерикувчи ўқувчилар бўлмайди. Уларнинг ҳар бири шунга умид қилиши мумкинки, бунда уни эшитади, таклифини муҳокама қилади, тахминларига ҳурмат билан қарайди.

Ўқув ишлари усуллари ўқувчилар томонидан мустақил эгалланади. Синфда барча ўқувчиларни бир хилда ўқитилади, лекин ҳар бири ўзгача ўқийди. Усулда ўзлаштириш керак бўлган ўқув материалининг тили, тури, шаклини ўқувчининг индивидуал танлаш қобилияти амалга оширилади.

Усулда ўқув ҳаракатининг рационал ва интуитив, интеллектуал ва эмоционал, рефлексив ва тушунарсиз, стереотип ва оригинал компонентлари келтирилади. Дарсда жавобларни таҳлил қилишда, ўқувчиларга саволлар билан мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ: “Бундай ҳулосага қелиш учун сен қандай фикр юритдинг?” Бажарилган топириқни баҳолашда: “Жавобини то-

пиш учун сен нима қилдинг?" Уй вазифасини текширишда: "Оғзаки жавобга тайёрланишда қандай режадан фойдаландинг?"

Саволларга жавоб бериш билан ўқувчилар, ишларнинг шахсий технологиясини очади, лекин бунда дарсда хурмат қилиш, оқиллик атмосфераси яратилиши лозим. Бунда ўқитувчи, ўқувчи у ёки бу топшириқни қандай бажарганлиги, қандай ақлий ҳаракатларни намоен этганлиги, қийинчиликлар нимадалиги ҳақида муҳим ахборотларни олади. Таҳлил қилиш билан у, ишларни рационал ташкил этиш, тахмин қилинаётган усулларни такқослаш, энг самаралисини баҳолаш, энг оригиналларини танлаш ва уларни биргаликда муҳокама қилиш бўйича ўқувчиларга керакли маслаҳатларни беради.

Шахсга йўналтирилган дарсни ўзгартиради: ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро муносабати типини (командаликдан ҳамкорликка); дарс давомида ўқитувчининг таҳлил қилишга асосий эътиборни қаратишини; ўқувчи позицияси: бажарувчидан фаол ижодкорга ўтиши; ўқувчилар фаоллигига боғлиқ ҳолда ўқитувчи томонидан дарсда ўқув вазиятлари танлашни, мактаб кимё таълимининг замонавий концепцияси табиий-илмий билимларнинг интеграциясини кучайтиришни, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши, интеллекларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишда фаолият турларидан кенг фойдаланишни назарда тутати [77]. Шу билан бирга, умумий ўрта таълимини глобаллаштириш ва инсонпарварлаштириш тенденцияси ўқитишнинг янги технология ва воситаларини қўллаш зарурлигини буюради. Бундан ташқари, мактаб таълимининг замонавий концепцияси ўқитишга табақалашган ёндашувни назарда тутати.

Ўқитувчи инсонпарварларни тарбиялаши, эркин шахсни шакллантириши лозим. Замонавий дарснинг мақсади, бундай шахсни шакллантириш ва тарбиялаш учун шароитларни яратиш ҳисобланади. Маълум бир шароитларда педагогик мақсад ва вазифаларга айланади, бунда ўқувчи томонидан қабул қилинган вазифа унинг фаолияти мотиви бўлиб чиқади. Тўғри қўйилган вазифа – дарснинг 50 % ютуғидир. Ўқитувчи аниқ бир дарснинг педагогик вазифаларини шакллантиришда ўқув материалининг мазмунидан келиб чиқиб иш қўради. Шунинг учун баъзан мақсад ва мазмун ўзаро боғлиқ бўлгани боис мақсадларни қўйиш бўйича ишларнинг муҳимлиги англабмайди.

Аниқ бир дарснинг педагогик вазифалари (мақсад) қуйидагилардан йиғилади: таълимий таркибли (предметли, мазмунли); тарбиявий таркибли бу замонавий дарсда бош ҳисобланади; ривожлантирувчи таркибли (эмоционал доира ва интеллектни ривожлантириш, эркинликни ва иродани шакллантириш).

Дарснинг таълимий вазифалари – ўқувчилар томонидан аниқ бир билимлар тизимини ўзлаштириш, бу билимлар асосида умумтаълим ва махсус кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Умумтаълим кўникмалари ўқув-ташқилий, ўқув-ахборот, ўқув-интеллектуал, ўқув-коммуникатив ҳисобланади. Махсус кўникмаларга асбоб, жиҳозлар билан ишлаш, физикавий ва кимёвий ҳодисаларни, моддаларнинг хоссалари ва таркибини илмий тушунириш киради.

Замонавий дарснинг тарбиявий вазифалари – ўқувчиларнинг дунёқарабини, ишонч ва қарашлар тизимини шакллантиради. Ўқитиш ва тарбиялаш ўзаро чамбарчас боғлиқ.

Тарбиялаш жараёни узоқ муддатли, натижа эса вақтга боғлиқ, шунинг учун у ёки бу мақсад қатор дарсларни ўз ичига олади. У дарсдан бу дарсгача ўқитувчи турли тарбиявий вазифаларни қўяди.

Ривожлантирувчи аспект ўқитувчи дарснинг уч қисмдан иборат мақсадини режалаштиришда бирмунча қийинроқ ҳисобланади. Чунки ўқитувчи баъзан ҳар бир дарсда янги ривожлантирувчи мақсадни шакллантиришга ҳаракат қилади, бунда болани ўқитишдан қўра, унинг ривожланиши секин боришини эсдан чиқариб қўяди. Баъзан шахснинг ривожланиши фикрлашнинг ривожланишига олиб келади. Фикрлай олиш ўқувчиларнинг таҳлил қила олиши, асосийларни ажратиш таққослаш, тизимлаштириш, исботлаб бериш, муаммоларни қўйиш ва еча олиши кабиларни эгаллагандан сўнг йиғилади.

Бундан ташқари, биринчи ўринда нутқни ривожлантириш вазифаси туради. Тил – бу фикрларни материал ифода этиш, тил бой бўлса, фикрлаш шунчалик бой бўлади. Дарс мақсади педагогик вазифаларга трансформацияланади:

1. Ахборотли. Нимани ўқитамиз ва нимага ўқитамиз?
2. Операцион. Қандай йўл билан ўқитамиз?
3. Мотивацион. Бу бизга нимага керак?
4. Коммуникатив. Ким билан ва қерда?

Агар вазифа ўқувчи томонидан қабул қилинса, у билим олиш мотиви бўлиб чиқади. Дарс вазифаси ўқувчи қизиқиши доирасида

туриши керак, ўқувчи бу билимлар нима учун кераклигини, каерда қўллаш олиш кераклигини билиши лозим. Дарснинг умумий структурасига ўқувчиларнинг шахсий тажрибаси киритилади.

Мақсад ва мазмун ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятининг ўзаро боғланган усулларини – методларни аниқлайди. Худди шу ерда ўқитувчи ишларининг стили рўбга чиқади. Эвристик суҳбат, диалог, полилог – болани тарбияланиши ва ривожланишида самарали ҳисобланади. Фикр юритиш иши интеллектни такомиллаштиради, диалог олиб бориш эса коммуникатив сифатларни ривожлантиради. Кимёни ўрганишда асосий аҳамиятни тадқиқотчилик методи эгаллайди. Бу методдан фойдаланишда ўқувчилар тадқиқотчилик гипотезасини илгари суради, материалларни танлайди. Ўқувчи фаол тадқиқотчи позициясини эгаллайди, продуктив фикрлаш фаоллашади, ўқитиш ижодий ёндашув шаклланади.

Қатъий айтганда, дарсда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этишнинг 2 та шакллари мавжуд – индивидуал ва гуруҳли. Баъзан бир вақтда бутун синф билан ишлаш (фронтал)га эътибор қаратади, бу шакл камроқ тайёргарликни талаб этади, лекин у камроқ самарали, бунда ишга фақат бир нечта ўқувчини жалб этиш мумкин, қолганлари фақат дарсда иштирок этишади ёки фақат ўзларининг ишлари билан шуғулланишади.

Ишларнинг энг самарали шакли гуруҳли ҳисобланади: кичик (жуфтли) ҳамда катта (4-5 киши) гуруҳлар. Бу шакл ўқитувчидан дастлабки тайёргарликни талаб этади: ўйланган топшириқларни ишлаб чиқиш, ишга қобилиятли гуруҳларни шакллантириш, гуруҳларда ишларни ташкил этиш – ўқувчиларни мулоқот қилишга, бирига ёрдам беришга, ўзини ва ўртокларини баҳолашга ўргатиш. Гуруҳларни шундай шакллантириш керакки, бунда ўқувчилар турли тайёргарлик даражасига эга бўлсин, кучлилар кучсизларни ўқитсин. Турли даражали гуруҳларни ҳам шакллантириш мумкин – фақат кучлилар ёки фақат кучсизлар, лекин бундай гуруҳларда ишлаш вақтида фақат ўқитиш вазифалари ҳал этилади.

Ишларнинг индивидуал шакли асосан билимларни текширишда фойдаланилади. Янги материал устида, мустақамлаш, такрорлаш, умумлаштириш бўйича ишлашда гуруҳли шакллар маъқулдир. Микрогуруҳ ўқувчига таклиф этилган ишлар доирасида ўз ҳаракатлари мақсадини аниқлашга, мумкин бўлган ечимларини излашга, амалий имкониятларни ва билимларни эркин

танлашни сезишга, пайдо бўлган муаммоларни ечишда мустақиллик кўрсатишга имкон беради.

2. Дарс структураси. Ўқув машғулоты структурасини ташкил этувчи босқичлар йиғиндиси қуйидагилар:

- ташкилий босқич;
- уй вазифасини текшириш;
- ўқувчининг субъект тажрибасини фаоллаштириш;
- фаолиятнинг янги билимлари ва усулларини ўрганиш;
- ўрганганларни тушунишни дастлабки текшириш;
- ўрганганларни мустақамлаш;
- ўрганганларни қўллаш;
- тизимлаштириш ва умумлаштириш;
- назорат ва ўз-ўзини назорат;
- коррекция;
- уй вазифаси хақида ахборот;
- ўқув машғулотини якунлаш;
- рефлексия.

Ушбу босқичлар йиғиндисидан ўқитувчи дарсда ечилиши керак бўлган вазифаларга мос турли комбинацияларни яратади.

Асосий босқич ўқув машғулоты типини аниқлайди. Мавзунини ўрганиш чегарасида қуйидаги кетма-кетликдан фойдаланилади: янги билимларни ўзлаштириш, такрорлаш ва мустақамлаш, билим ва кўникмаларни қўллаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, билимларни назорат қилиш ва баҳолаш, билимларни коррекция (тузатиш) қилиш дарслари.

Комбинацияланган дарс қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: ташкилий, уй вазифасини текшириш, билимларни ҳар томонлама текшириш босқичи, билимларни фаоллаштириш, янги билимларни ўзлаштириш, билимларни мустақамлаш дарси, уй вазифасини бажариш бўйича инструктор, ўқув машғулотига якун яшаш, рефлексия (хаёл суриш) босқичи. Мазкур дарснинг камчилиги ўқувчиларнинг билиш фаолиятини пасайтирувчи педагог ҳаракатини башарот қилиш ҳисобланади.

Хулоса қилинса, шундай босқичлар борки, улар ҳар дарсда, албатта, иштирок этади: ташкилий, билимларни фаоллаштириш, уй вазифасини бажариш бўйича инструктор, якуинни чиқариш ва рефлексия. Бу босқичларга эътиборсизлик қилиш ва аниқ ўзлаштирмаслик тўлиқ ҳажмда дарс мақсадига эришишга олиб келмайди.

Ташкилий босқич – жуда киска вақтли, дарснинг барча психологик кайфиятини аниқлайди. Саломлашиш, ўқитувчининг ширин сўзи, тинч, ишонч одати мазкур босқич вазифаларини бажаришнинг шарт ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг субъект тажрибасини фаоллаштириш босқичи уларнинг мотивациясини ва ҳамкорликда фаолиятга киришни таъминлайди. Бу босқичда баъзан чегараланадиган билим ва кўникмаларни фаоллаштириш етарли эмас. Киши анлаган ҳолда фақат шахсий мазмун эгаллайдиган билимларнигина ўзлаштиради.

Уй вазифаси деярли ҳар бир дарсда берилади, лекин баъзан бу босқич фақат нимани бажариш керак, деган ахборотлар билан чегараланиб қолади. Лекин уни бажариш тўғрисида, албатта, ахборот бўлиши лозим. Бу ўқитувчи ўзи уй вазифасини бажариш тартибини сўзлаб бериши керак, дегани эмас.

Ўқувчилар билан биргаликда уни бажариш режаси, керакли тушунтиришлар ҳам бўлиши лозим. Бу босқичнинг йўқлиги уй вазифасини бажаришда, билимлардаги камчиликда, ўзлаштирилмасликдаги муаммоларга олиб келади.

Баъзан вақтнинг етишмаслигидан, дарснинг тўғри режалаштирмаслигидан охири 2 та босқич тушиб қолади – яқун ясах ва рефлексия. Лекин улар ҳам муҳим психологик аҳамиятга эга. Ўқувчи натижаларини баҳолаш, кейинги ишларда, ютуқларни исботлашда, ижобий эмоционал кайфиятни яратишда стимул бўлиб хизмат қилади. Рефлексия ҳам ўқувчиларнинг эмоционал доирасини ривожлантиришга, ҳамкорлик тамойилларини ўзлаштиришга имкон беради.

Ўқитувчи томонидан таълим жараёни оптимал конструкциялаш шакли – бу технологик харита ҳисобланади. Бу харита ўқув жараёнини анъанавий режалаштиришда йўлга қўйиладиган типик хатоликлардан қочишга имкон беради: дарс мақсадлари ўртасидаги ўзаро алоқанинг йўқлиги; ўқув предметларининг бош линияларига мос ўқув машғулот материални тўғри танлашнинг; дарсларда шакл ва методлар ўртасида ўзаро алоқанинг йўқлиги; ўқув машғулотининг битта типидан фойдаланиш.

Технологик хариталарда, ҳар бир мавзунини ўрганиш мақсади, ўқувчилар нимани билиш кераклиги кўрсатилади, дарс типи, назорат шакли, жиҳозлар, уй вазифаси аниқланади. Ҳар бир мавзунини ўрганиш бошида тахминан ўқув вақтининг ярми янги билимларни ўрганишга бағишланади, кейин билимларни мустаҳкамлаш,

изимлаштириш ва умумлаштириш дарси, агар вақт етса такрорлаш дарси, охирида ҳар бир дарс текшириш ва билимларни назорат қилиш билан тугайди.

Тизимли ва фаолиятли анъанавий ёндашувлар билан бир қаторда амалиётда кўпўлчамли ва инструментал ёндашувлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кўпўлчамли ёндашув асосида бошқаришда – бир вақтнинг ўзида визуал (кўз билан кўриш), ўқитиш жараёнининг турли элементларини фазовий, тизимли ва иехарик (қўйдан юқорига босқичма-босқич ўтиш) ташкил этиш таъминланади.

Кўпўлчамли тушунчаси ўзига ўхшаш “**манتيкий-маъновий модель**” (МММ) тушунчаси билан боғлиқ. МММ – бу дидактик кўпўлчамли инструментларни аниқ амалга ошириш, намуна сифатида, билимларни табиий тилда етказиш моделлари. МММ тасаввур этиш ва таҳлил қилиш, ўқув фаолияти, ўқув жараёни ва ўқув материални лойиҳалашни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган.

Равшанки бу тизимда ўқувчи пассив ролни ўйнайди, шахснинг фаол ва ташаббускорлигини ҳеч қандай тарбиялай олмайд. Ўқувчини китоб билан мустақил ишлашга, ўз фаолиятини режалаштиришга, экспертиза ўтказишга, ғояларни илғари суриш ва текширишга ўргатиш учун ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятини методик таъминлаш зарур, таълим жараёни доирасида турли фаолият турларини бажариши мумкин бўлган дидактик инструментлар зарур.

МММ учта даражада фойдаланилади.

1. Ўқувчиларга тайёр ҳолда ёзув ёки дидактик материал кўринишида бериш. Дарсларда янги материални тушунтиришда билимларни дастлабки тақдим этишда ахборотлар кенгрок кўришда берилади.

2. МММни ўқувчилар билан биргаликда янги материални ўрганиш ёки такрорлашда тузиш.

3. Ўқувчилар томонидан МММни мустақил ишлаб чиқиш ва МММни қалитли модель ёки ажратилган координаталар бўйича ишлаб чиқиш.

Дарсни моделлаштириш механизми: координатлар сонини, уларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишини аниқлаш; ҳар бир координатанинг энг муҳим элементларини аниқлаш; аралаш коор-

динаталар энг муҳим элементлари ўргасидаги алоқани ўрнатиш; ахборотларнинг калитли сўзларгача узелларда бурилиши.

Дидактик кўпўлчамли инструментлар воситасида МММларни куришда ўқитишга шахсга йўналтирган ёндашув амалга оширилади, бу ёндашувнинг асосий тамойилига амал қилинади, ўқитиш жараёни марказида ўқувчи, унинг ўқув фаолияти туради. Дидактик кўпўлчамли инструментлар МММларни куришда гуруҳларда ишни стимуллаштирилади.

Турли режимларда (жуфтли, гуруҳли) ишлаш, ўқитишда коммуникатив-фаолиятли ёндашувни амалга оширишга имкон беради. Бундан ташқари, вазият иштирокчилари турли ўқитилганлик даражасига эга бўлади, кўриш таянчига биноан дарсда тенг даражали компетентлар бўлиб қолади (уч баҳоликларнинг муаммоси ечилади). Кўргазмали, компакт МММ кўринишда ўқув материаллини катта блокинни бериш имконияти, ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини ўзлаштириш учун вақтдан озод этишга ёрдам беради, МММдан мунтазам фойдаланиш ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзу бўйича мантикий тасаввурларини шакллантиради.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти визуал шаклда рўй бериши лозим (ўзлаштириш самарадорлиги визуал шаклда 90 %га, вербал шаклда 30 %га етади). Бунга ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан ўтказилувчи тажрибалар ва экспериментлар имкон беради, лекин улар назарий визуал ахборотларни кўтариб юрмайди. Дафтарда назарияни оддий ёзиш кўп жойини эгаллайди, лекин кўргазмали бўла олмайди. МММ ўқувчилар томонидан фақат зўр ўзлаштирилмасдан, матнли ахборотга кўра, барча мавзунини яхлит ва унинг ҳар бир таркибий элементини алоҳида кўришга имкон беради.

Дарсларда бундай моделни куриш ўқитувчи ва ўқувчиларга нима беради? Ўқитувчи учун – дарсга тайёргарликни енгиллаштирилади, ўрганиладиган материалнинг кўргазмаллигини кучайтиради, ёзишни енгиллаштирилади, ўқув-билув фаолияти учун алгоритм беради, ўқитиш самарадорлигини оширилади, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигини кучайтиради. Ўқувчи учун – фикрлашнинг назарий шакллларини қўллаб-қувватлайди, ўқув материаллини еслаш жараёнини яхшилайдди, бош мия иккала ярим шарининг ишлашига мажбур этади, мантикий қарашларини ривожлантиради, ижодий тасаввурини стимуллаштирилади.

Қайд этиш синхронлиги, еслаб қолиш сифати ошади, кўргазмали туфайли хотирада ахборотларни ушлаб туришга ҳожат йўқ, ўқувчи ўз хоҳишига кўра, бу модель билан ишлаши мумкин. МММни такорлаш-умумлаштириш дарсларида, заҳёт ва имтиҳонларга тайёргарлик кўришда қўллаш кулай.

Ментал хариталар – бу визуал шаклда ахборотларни тизимлаштириш ва фикрлаш жараёнини акс эттириш учун кулай инструмент ҳисобланади. Бу хариталардан қандайдир вазифалар устида фикр юритишда гоё ва фикрларни стенограмма қилиш учун фойдаланиш мумкин. Улар харита марказида ва унинг шохларида жойлашган сўз ва иборалар асосида курилади. Марказдан узоқлашган сари муаммоларни қатъий аниқлаштиришга олиб келади. [122].

Шахсга йўналтирилган дарсни ишлаб чиқиш.

Қоллежда кимё дарси.

Ўқувчиларга қуйидаги топшириқлар таклиф этилади:

1. Тушунтир, Менделеев системасида нечта элемент бор – 100 ёки 105?

2. Чиз, атом сўзини ўқиш билан нимани тасаввур қиласан?

3. Нимага ва нима учун кимё қондаларида истисно бор?

4. Кислород ва сувга қараш билан инсоният сувни ўйлаб топди. Натрий билан хлорга қараб нимани ўйлаб топиш мумкин?

“Шахсга йўналтирилган дарс орқали ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш йўллари” мавзусида эксперементал иш ўтказилади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув гоёси, ўқувчининг индивидуал ривожланишида таълим жараёнининг максимал таъсири учун педагог томонидан шароитларни яратишдан иборат. Уни амалга ошириш учун мақсадли ориентирлар танлаб олинади:

– ўқувчиларда илмий билимларни шакллантириш;

– ўқувчиларга ўз индивидуал услубини ва ўқув фаолияти темпини излаш ва топишда, индивидуал билим жараёнларини, қизиқишларини очиш ва ривожлантиришда ёрдам бериш;

– ўқувчига ижобий “Мен-концепциясини” шакллантириш, ижодий қобилиятни ривожлантириш, ўз-ўзини англаш кўникма ва малакаларини егаллашга қўмаклашиш.

Ўқувчи бунда бажариш учун материалларни эркин танлайди, ўқитувчи эса уларни бажаришга қизиқиш уйғотади.

Тажрибанинг кийинлиги — ўқув фаолиятини ташкил этишга ёндашувларни қайта англашда, ўқувчилар билан ишлашда оптимал шакл ва методларни танлашда.

Шахсга йўналтирилган ёндашувни жорий этишдаги кийинчиликлар: шахсга йўналтирилган ёндашув тушунчасининг бир хил эмаслиги; ўқитувчига йўналтирилган наشرларнинг турличалиги; шахсга йўналтирилган ёндашув оид дидактик воситалар билан таъминланмаганлик; бунга мос ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигининг йўқлиги; ўқувчиларнинг шахсга йўналтирилган ўқитишга тайёр эмаслиги; шахсга йўналтирилган ўқитишнинг объектив камчиликлари;

Шахсга йўналтирилган ўқитиш режимида дарсларни ўтказиш ғоясини И.С.Якиманский илгари сурган. Шахсга йўналтирилган ўқитишда мазмун — бу фақат предметли билим ва кўникмалар, замонавий предметли вазифаларни ечиш эмас, балки ўқувчиларнинг ўз-ўзини ўзгартириши, ўз-ўзини ривожлантириш усуллари ва амалларидир.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш тизими бўйича ўқувчи шугулланиши билан ичкари ва ташқаридан ўз-ўзига қараш имкониятини олади, ўзини бошқа ўқувчилар билан солиштиради, ўз ҳаракатини ўзи баҳолайди; эркинлик кучига эга бўлади, ўқув фаолиятида ўзини бошқара олади, ўз эҳтиёжларини назорат қилади; шахсий эмоционал тўсиқларни айланиб ўтишга ўрганади; ечимларни тез қабул қилиш қobiliяти ривожланади; ўзини намоён этиш, ижодкорликда, муносабатда, билишда, муҳаббатда, ҳафсизликда ўз статусини ошириш эҳтиёжини қониқтиради, чунки шахсга йўналтирилган ўқитиш эҳтиёжларини қониқтириш ҳамда ўқувчилар аниқ бир хулқни уйғотиш техникасига таянади; атроф-муҳит билан гармонияга эришиш йўлида продуктив муносабатга ўрганади.

Дарс — таълим жараёнининг асосий элементи бўлиб қолган ҳамда шундай бўлиб қолади. Лекин шахсга йўналтирилган ўқитиш тизимида унинг функцияси, ташкил этиш шакли жиддий ўзгаради. Ўқитишнинг мазкур тизимида ўқув вақтининг кўп қисми ўқувчиларнинг мустақил ишига ажратилади, шунинг учун бутун ўқув жараёни икки қисмга маъруза ва амалийга бўлинади.

Маъруза дарсида ўқитувчи томонидан янги материални тушунтириш олиб борилади. Маъруза муаммоли ривожлантирувчи характерга эга бўлиши лозим. Маъруза давомида муаммолар,

иницифа ва топшириқлар қўйилади, ўқитувчи раҳбарлигида уни ечиш билан ўқувчилар керакли хулосага келади. Маъруза давомида ўқитувчи ўқувчиларга саволлар беради, унинг жавоби олинган ахборотларни анализ, синтез, умумлаштириш ҳисобланади.

Маъруза ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабати асосида ташкил этилади, Маъруза охирида мавзу бўйича умумлаштирувчи жадвал тузилади, бунда ўқувчининг барча олинган билимлари йиғилади. Бу босқич мустаҳкамлаш ёки назарий даражани текширишда ўтказилади.

Ишлар шаклини ўқитувчи танлайди: жуфтликдаги ишлар, гуруҳли, индивидуал ишлар. Ўқувчилар фаолият турлари ҳам ҳар хил графикали диктант, тест, моделларни ҳимоя қилиш дидактик ўйинлар, ўйин-мусобақа бўлиши мумкин.

Амалий қисмида ўқувчилар ўзининг шахсга йўналтирилган ўқув режасини амалга оширишга киришади. Ўқувчиларнинг жавобида қониқарсиз баҳо қўйилмайди. Бу технология бўйича ўқувчи ҳаҳо қилиш ва уни тўғрилаш ҳуқуқига эга бўлади.

Шахсга йўналтирилган ўқув режасининг бир неча турлари бўлиши мумкин. Предмет бўйича шахсга йўналтирилган ўқув режасини тузишда қуйдагилар кўрсатилади: мавзу номи ёки курс бўлимлари; мавзуларни ўрганишнинг вақтинчалик рамкаси; ўқувчи билиши керак бўлган тушунча, қоида, терминлар; унинг яқин ривожланиш зоналарини ҳисобга олган ҳолда ўқувчига қўшимча индивидуал топшириқлар; ўқувчилар томонидан олинган ўқув натижалари.

Ҳар бир ўқувчи ўзининг қobiliятига, истагига боғлиқ ҳолда, ўқув режаси бўйича ҳаракат қилади: ҳар бир топширик даражасини ўтиш билан, предмет бўйича ўқув материални ўзлаштириш темпини режага асосан, аниқлаб боради, шу билан бирга ўзининг индивидуал ўзига хос хусусиятлари бўйича ҳаракатланишга шароит яратди.

Шахсга йўналтирилган дарс бир қанча босқичлардан иборат бўлади.

1. Мотивацион-мақсадли босқич: у ўз ичига эмоционал-психологик қайфиятни, таянч билимларни, дарс мавзусини, мақсадни аниқлашни олади.

2. Операцион босқич: назарияни, мустақил ишларни ва рефлексияни текширишдан иборат. Даражалар бўйича топшириқлар тақсимланишини кўриб чиқамиз. Шахсга йўналтирилган

Ўқитишда топшириқларнинг 3 та даражаси кўриб чиқилади. репродуктив – 1 даража; алгоритмик – 2 даража; ижодий – 3 даража ва қўшимча топшириқ. Ҳар бир даража топшириғини бажаришдан кейин ўқувчиларнинг эмоционал ҳолати ва билими даражасини аниқлаш учун сифат ва микдор рефлексиялари ўтказилади.

Ўқитишнинг анъанавий парадигмасида муваффақиятли ўқитиш кўрсаткичларига қуйидагилар қиради: йиллик якуний баҳо; маъмурият ишларни текшириш ва имтиҳон баҳоси; ўзлаштиришнинг таққослаш анализи.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш масаласига эътиборни қаратамиз. Ўқувчиларга турли даражадаги мураккаб топшириқлар берилади.

1-даража топшириғи: бу базовий стандарт. Бу даража эслаш, асосийсини ажратиш, намуна, алгоритм, кўп марта такрорлаш бўйича ҳаракат қилиш. Репродуктив даражадаги топшириқ қонирли баҳосига мос ўқув материални ўзлаштиришни таъминлайди. Бу даражадаги топшириқ мазмунни ўз ичига қуйидаги саволларни олади: Ким? Нима? Қачон? Қачон? Ҳамда ёзиш, суҳбат, назария ёки тушунчани шакллантириш, ҳарита ёки лугат билан ишлаш, тажриба ёки амалий машқларни бажаришни ҳам ўз ичига олади. Мазкур даража топшириқларини ҳар бир ўқувчи бажариши шарт, кейин бошқасига ўтилади.

2-даража топшириғи ўқувчиларнинг умумлаштириш, аниқлаш, қўллаш, амалга ошириш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ҳамда “яхши” баҳосига мос келади. Бу даража учун типовой саволлар: Нима учун? Нимага? Қандай? Моҳияти нимада? Қандай фойдаланиш мумкин? Ҳамда мисоллар келтириш имкониятини, таянч концепт тузиш ва б.к. ўз ичига олувчи вазифаларни ҳам назарда тутати.

Ўқитувчи топшириқларни тузиш учун, авваламбор параграф ёки ўқув қўлланмадаги мавзуга киритилган вазифа ва саволлардан фойдаланади. Дарс давомида ўқувчилар билан ўзаро муносабатда, ўқитувчи нотўғри жавоблардан хавотирланмайди, ишга барча ўқувчиларни жалб этади, фикрларни муҳокама қилади, улар ичидан илмий аҳамиятга эга бўлганларини танлаб олади.

Шуни эсда сақлаш керакки, битта топшириқ алоҳида ўқувчилар томонидан турлича қабул қилинади. Биттаси учун осон, бошқаси учун мураккаб бўлиши мумкин. Бу ҳолатда нима қилиш керак? Олдиндан ўқувчилар учун саволларни ўйлаш ва тайёрлаш

маҳсус ёрдам карточкаси лозим. Унда тўғри бажариш қондалари кўрсатилиши керак.

Амалиёт ишларининг кўрсатишча, турли ёрдамчи воситаларнинг мавжудлиги, ўқувчиларда зарурий билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда билимни мустаҳкамлашга имкон беради. Унинг ўзига хос тарбиявий томони ҳам бор. Карточкалардан фойдаланиш паст ўзлаштирувчиларга уларнинг қобилиятини оширишга, мустақил ишга ижобий муносабатини шакллантиришга ёрдам беради.

Ижодкорлик даражасидаги топшириқ, ўқувчиларда мустақиллик, танқидий фикрлаш, тадқиқотчилик кўникмалари, ўқув материални ўрганишга ижодий ёндашувни ривожлантиришга йўналтирилган ҳамда “беш” баҳога мос келади. Бу: таққослаш, тизимлаштириш, турли усуллар билан ечиш, мантиқий ҳатони топиш, сабабини тушунтириш, ўз муносабатини асослаб бериш, нима учунлигини исботлаш, аргументлар келтириш, мавзу бўйича текширув тестини тузиш, муаммо бўйича реферат ёзиш ва химоя қилиш, суҳбат ёки маърузани тайёрлаш ва ўтказиш ва б.к.

3-босқич рефлексия: бу ҳар бир даражани бажаргандан кейин келади. Дарс охирида ўқувчилар ўз ишини таҳлил қилади, кийинчиликларни аниқлайди, кейинги дарсга мақсад қўяди, топшириқларни бажармаган ёки камчиликка йўл қўйганларга кўрсатмалар беради, дарсда ўз қайфиятини намоён этади. Бу босқичда ўқувчилар уй ишларини танлашади.

Уйда ўқув топшириқларини бажаришнинг аҳамияти шундаки, бу ўқувчининг мустақил ҳаракати ва фикр юритишини ривожлантиради. У ўқитувчи кўрсатмаси ва дарслик бўйича ишлагани билан, лекин индивидуал ва мустақил ҳаракат қилади, бу ўз навбатида уларнинг фикрлашини ривожлантиришга имкон беради, материални англаган ҳолда эгаллашига ёрдам беради.

Шахсга йўналтирилган ўқитишда ўқувчининг билиш имкониятига, унинг ўқишдаги ютуқларига мос ҳолда уй топшириқларини индивидуаллаштириш зарур. Уй топшириғини бажаришда ўқувчи топшириқ даражасини танлаш ҳуқуқига эга.

Табақалаштирилган топшириқларни ишлаб чиқиш, ҳам дарсда, ҳам уйда қийинчиликларни тизимлаштиришга асосланган, қайсики бунда ўқувчилар материални ўзлаштиришни, билимдаги камчиликларни ўрганишни, мустақил ишларни таҳлил қилишни, хатоларни аниқ классификациялашни ҳис қилади.

Айрим ўқувчиларнинг ривожланишидаги камчиликларни инобатга олиш ҳам зарур: диққатсизлик, ишнинг паст темпи, нутқ даражаси ривожланиши ва б.к. Ўқувчиларнинг билимидаги индивидуал хусусиятлари уй вазифасини бажариш жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўқув фаолиятини таъминлашига имкон беради. Шунинг учун ўқувчиларнинг ўртача тайёргарлик даражасига қаратилган уй топшириқларини тақлиф этиш билан, қўшимча фикрлашни талаб этувчи топшириқларни танлаш, ечиш усулларини ижодий тўғри излаш керак, шу билан бирга аниқ бир ёрдам чорасини кўриш керак (ечиш намуналари, алгоритмлар, эсдалик, расм ёки чизма, ёрдамчи саволлар ва б.к.)

Шахсга йўналтирилган ўқитиш дарсларида уй топширигини танлаш имконияти назарда тутилади, ўқувчини ўз имконияти даражасини аниқлашга, ўз қийинчиликларини кўра олишга ўргатиш мумкин.

3.2. Дарснинг шахсга йўналтирилганлигининг психологик-педагогик характеристикалари

Дарснинг шахсга йўналтирилганга қаратилганлиги, қуйидаги психологик-педагогик характеристикаларни таъминлайди:

- ўқувчиларнинг субъектив позициясини шакллантириш ва стимуллаштириш;
- ўқувчиларнинг индивидуаллиги, ўзига хослиги, ноёблигини намоён қилиш ва ривожлантириш учун шароитларни яратиш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини шакллантиришга қаратилганлик (ўқув ахборотларни юбориш учун эмас);
- ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш, ўқитишнинг шахсий мазмунини стимуллаштириш ва ўрнатиш;
- ўқитишнинг ички мотивларини ривожлантиришга қаратилганлик;
- ривожлантирувчи маконни ташкил этиш, билиш (интеллектуал) қобилиятларни ривожлантиришга қаратиш;
- дунёга, билишга, атроф-муҳитга, ўзига бўлган эмоционал-аҳамиятли муносабатни шакллантириш;
- ўзаро ўқув ҳаракатлари давомида тенг шериклик муносабатини ташкил этиш;
- ишда бир-бирига ўзаро қизиқувчанлик муҳитини яратиш;

– педагогик жараёнда тесқари алоқани таъминлаш.

Шахсга йўналтирилган вазиятни фанларни ўқитишда фойдаланиш бўйича бир қанча тақлифларга эътибор қаратамиз. Бунда қуйидаги шаклларга эътибор қаратилади: ўрганиладиганларга муносабатни ифодалаш; эстетик кечинмаларни фаоллаштириш; шахсий кечинмаларни англаш.

Бунинг учун ўқитувчидан ўқувчиларни диалогга мунтазам киритиш талаб этилади [119]: предмет соҳасининг шахсий муҳимлигига биргаликда мўлжал олиш; суҳбат субъектларини қизиқтирувчи муаммоларни аниқлаш; ўқувчилар учун ҳаётий муҳим муаммоларни кўриб чиқиш; ўқувчиларга фандан ўз билиминини муносабатда восита сифатида фойдаланишга, ўз фикрини эркин ва мустақил баён этишга имкон бериш.

Ҳаддан ортиқ мактаб фан дастури, чегараланган ўқув соатлари микдорида, шунга олиб келадики, ўқув предмети олдида турган вазифалар бажарилмайди, ўқув материали ёмон ўзлаштирилади.

Ўқувчилар ўрганиши учун мавзунини танлаш билан, ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳар бир ёш гуруҳлари қизиқиши, шахсий ва интеллектуал имкониятларига эътиборини қаратиши лозим.

В.В.Серикова [120], С.В.Белова [27], И.С. Якиманский [153] ва бошқа педагоглар методик концепциясидан келиб чиқиб, шахсга йўналтирилган ўқитишнинг бош йўналиши – шахсга йўналтирилган суҳбат ҳисобланади, унинг асосида дарода шахсга қаратилган методлар ишлаб чиқилган.

Субъект тажрибасини фаоллаштириш методи. (И.С. Якиманский концепцияси). Ўқитувчи ўқувчиларга тасаввур қилиш учун тақлиф этади: улар шундай вазиятда бўлсинки, бунда улар худди қаҳрамон каби бўлсин. Бунда ўқувчилар қоидага кўра, ўз шахсий ҳаёти конкрет вазиятда каби тасаввур қилишади, бунда шу нарсга бўладики, уларда фақат тасаввур қилиш ишласан, балки ҳаёт тажрибасини фаоллаштириш рўй беради.

Масалан, қимёдан атом тузилиши мавзусини ўрганиш, ўз тасаввури билан уни чизади. Кейин ўқитувчи улардан чизганларини тушунтириб беришни сўрайди.

Интерспективли (ўз-ўзини қузатишга асосланган) анализ методи. Амалиётда ҳар доим эмоционалликни уйғотувчи ҳаётдан олинган бирор бир вазиятни тасвирлашга тўғри келади.

Ўқитувчининг вазифаси — ўқувчилар олдида шундай муаммоларни қўйишки, яъни улар бунда шахсий қайғуришнинг аксини билсин. Масалан, кўпчилик фикрига қарама-қарши туриш мумкинми? Ўқитувчининг саволларига жавоб бериш орқали, ўқувчи ўзи ҳақида, ўзининг ички дунёси ҳақида билимни олади. Муҳокама учун қўйидаги саволни танлаш мумкин: Бу вазиятда сен қандай ҳаракат қилган бўлар эдинг? Сен нимани танлаган бўлар эдинг?

Шахсга қаратилган театрлаштирилган услуб. Бу тезлаштирилган жараёнга ўқувчиларни жалб этишга қаратилган. Бунда сўз ўқувчиларни, уларнинг қизиқишлари, эмоционал ва интеллектуал фаоллигини ошириш учун қандайдир театр элементларидан фойдаланиш тўғрисида боради. Ўқувчи ўзига ерилган вазият ҳақида қайғуришга киришишни назарда тутди. Ўмирларда театрли-импровизацияли фаолият методикаси И.Л. Масандилова томонидан ишлаб чиқилган [86]).

Ўзини ижодий намоён қилиш методикаси. Бу ўқувчиларга ўқишда ўз ўрнини топишга мойилликка ёрдам беради. Бунинг учун ўқитувчига турли ижодий танловлар, театрлаштиришда иштирок этиш ҳақида зарурий ахборотлар билан таъминлаш, муваффақиятли чиқишда уларни тайёрлаш керак бўлади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган шахсга қаратилган методлар комплекси, ўқув жараёни кимё дарсларида қизиқувчанлик муҳитини, эмоционал очкиликни яратади, бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг энг яхши шахсий сифатларини ривожлантиришга имкон беради, атроф-муҳитга бефарқ бўлмасликка мажбур этади, ўқишга қизиқишни шакллантиради.

Шахсга йўналтирилган дарсни лойихалаш бўйича — замонавий мактаб инновацион муҳитида таълим жараёни сифатини етарли даражада оширишга имкон берувчи умумий тавсияларни, ўз-ўзини таҳлил қилишни эгаллаганлигини келтирамыз.

1. Дарсни лойихалашда, умумий курсда унинг ўрни ва мавзусини аниқлаш лозим, шунингдек, ўз-ўзини таҳлил этишда ўзига савол бериш керак: дарс охирида ўқувчилар учун тушунмовчиликлар қанчалик тушунарли ва аниқ бўлди.

2. Дарс олдида қўйилган ўқувчилар ва ўқитувчилар учун мақсадларни ўзаро боғлаш, дарсда нимага эришилди, муваффақият ва камчиликлар сабабларини аниқлаш.

3. Билим ва кўникмалар даражасининг шаклланганлигини аниқлаш лозим.

4. Мазкур дарс — диққатни, хотирани, онгни, эшитиш кўникмасини, ўз фикрини билдиришни, ўз фикридан қайтишни, фанга бўлган қизиқишини шакллантириш учун нимани қўшди, лозим саволга жавоб бериш керак.

5. Дарс қанчалик оптимал тузилганлиги ҳақида ўйлаш керак. У ўқув тайёргарлик даражаси, ўқувчиларнинг ривожланиши, синф спецификаси, педагогнинг қизиқиши ва температурага мос келади?

6. Дарсда ўқувчиларнинг фаоллик даражасини баҳолаш керак. Агар ўқувчи ўқитувчи саволларига жавоб беришни хоҳламаса, иш қандай стимуллаштирилиши керак?

7. Таҳлил қилиш керак: Дарс темпи қандай бўлди? Ўқувчиларнинг фаолият турларини ўзгартириш қандай ташкил этилди? Ўқув материали қандай ташкил этилди, тайёр билимлар кўринишида нима берилди, ўқувчиларнинг ўзи ўйлаб нималарга эришди?

8. Дарс давомида мавжуд билимларга таяниш қандай ташкил этилди, ўқувчиларнинг ҳаёт тажрибаси, улар учун дарснинг ўқув материали қанчалик фаоллиги каби саволларга жавоб беришга тўғри келади.

9. Ўқувчиларга уйга қандай вазифа бериш, уларга вазифаларни танлаш имкониятини бериб, текшириш технологияси тўғрисида ўйлаш керак.

10. Дарснинг психологик муҳитини, муносабат ва ўзаро ҳаракат ҳолатини ифодалаш зарур.

11. Дарс охирида ўқитувчининг қайфиятини баҳолаш керак. Унда нима ўзгарди? Бу ўзгаришларнинг сабаби нимада? Ўзига қўйиш ва олишдан қайси бирини қўйиш керак?

Машгулот жараёнида талабалар фаолияти ўқув-билиш даражасига эга бўлади. Машгулотнинг самарадорлиги ўқитувчи томонидан талабаларнинг мазкур фаолиятини ўзгаришларига олиб келади. Шу сабабли, ўқитувчи фаолиятни амалга оширишда муайян босқич, кимё фани ва унинг ҳар бир бўлимидаги машгулот мақсадларини аниқ билиши ва чуқур таҳлил қилиши ҳамда амалга ошириш йўлларини белгилаши лозим.

Талабаларни ДТС меъёрлари билан белгиланган билимларни эгаллаш, уларнинг мустақил ва ижодий фикрлаши, дарслик ва қўшимча ўқув адабиётлари устида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш, улар томонидан машгулот манбаларини мустақил ўзлаштиришга эришиш лозим.

Юқорида қайд этилган фикрлар асосида кимё фанини ўқитишга қуйидаги талаблар қўйилади:

- кимё фанини ўқитишнинг барча шаклларида дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машгулотларда талабаларни ўқитишнинг самарали шакллари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

- кимёдан мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш;

- кимё ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда самарадорликка эришиш;

- кимё ўқитиш жараёнида халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси асосида ўқитишнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш;

- кимё ўқитишда фан-техника ютуқларининг педагогик амалиётини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш;

- кимёдан ўқув-услубий мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- машгулот жараёнини замонавий педагогик технологиялар билан таъминлашни амалга ошириш;

- талабаларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, ҳуқуқий, иқтисодий, табиий муҳит ва тан соғлиғи таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш;

- кимё фанини ўқитишда талабалар онгига миллий истиқлол мафкурасини сингдириш.

Шундай қилиб, кимё фанини ўқитишда мақсадни аниқлаш, машгулот жараёнини лойиҳалашдан тортиб, то унинг самарадорлигини текшириш, уни синовдан ўтказиш ҳамда оммалашти-

ришгача бўлган жараёни ўз ичига олади. Машгулот мақсадлари педагогик жараёни ташкил этувчи қисмларнинг энг муҳими ҳисобланади. Дарҳақиқат бу жараён, ўзининг қанчалик мураккаблиги ва давомийлигидан катти назар аввало мақсадни аниқлашдан бошланади. Тамойил, мазмун, услуб, шакл каби ташкил этувчи қисмлари эса белгиланган мақсадга мувофиқ танланади ва ўзаро уйғунлаштирилади. Шу билан бир қаторда, миллий дастурининг асосий ғояларида таълим-тарбия жараёнига қўйилган талаблар асосида қимё ўқитишга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқиладди, белгиланган ўқитиш тамойиллари, қонунлари ва қимё ўқитишга қўйилган талаблар қимё фанини ўқитишни такомиллаштиришни тақозо этади.

Замонавий таълим шароитида малакали мутахассисларни истеъмолчилар талабларига қараб тайёрланиши, ўқувчиларнинг танлаган ихтисосликлари бўйича билим, қўникма ва малакаларини шакллантирилиши, мустақил равишда билим олишга ва амалий фаолиятга ўргатилиши таъминланиши керак. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчилар ва ўқитувчилар ўқувчиларда ўқув фаолиятига ижодий ёндашишни ривожлантириш йўллари, технологиялари ва усулларини қидириб топмоқдалар. Бугунги кунда таълим жараёнида ижодий самара бераётган илғор педагогик технологиялардан бири муаммоли ўқитишдир.

Муаммоли ўқитиш технологиясини амалга ошириш шарт-шароитлари ва маърузалар тузилмалари асосида ишлаб чиқилган қимё фанидан ҳар бири 2 академик соат (80 дақиқа) мўлжалланган муаммоли назарий машгулот ишланмаларининг мазмунни қуйидагича бўлиши мумкин:

Маъруза. Мавзу: Атом ядросининг тузилиши ва таркиби
2 (80 дақиқа) соат

Машгулот мақсадлари:

Таълимий: атомларнинг тузилишини ўрганиш бўйича инглиз олими Э.Резерфорднинг ўтказган тажриба ишлари, унинг ядро моделини тақлиф қилганлиги қабилаб тўғрисида ўқувчиларда билимларни шакллантириш ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Тарбиявий: ўқувчиларни ўз-ўзини назорат қилиш, атомларнинг тузилишини ўрганиб туриб, улардан тўғри мулоҳазалар чиқаришга ўргатиш.

Риноклантирувчи: ўқувчиларни фаоллигини ошириш, ядро модели тўғрисида назарий билимларни кенгайтириш.

Машгулот тури: муаммоли маъруза.

Машгулот ўқиш жойи: замонавий дидактик ва ахборот технологиялари (электрон хона тахтаси, компьютер, проектор, микроскоп, мультимедиа) воситалари билан жиҳозланган аудитория.

Фойдаланиладиган жиҳоз ва воситалар: плакат, схемалар, чимиллар, ядро модели ўз аксини топган слайдлар.

Машгулотнинг бориши: 1-босқич. Ташкилий қисм (машгулотга тайёргарлик). Ташкилий тадбирларни ўтказиш. Назарий машгулотни ташкил этиш, ўқитиш жойини танлаш, аудиторияни машгулотга тайёргарлигини қўздан кечириш, жиҳозларнинг ишчи ҳолатини текшириш, мавзуга тегишли тестлар, тарқатма манбалар, слайдлар тайёрлаш, назарий машгулот вақтини белгилаш.

Ўқув машгулотига кириш (5 дақиқа). Давоматни текшириш. Мавзунинг мақсади, режаси, эришиладиган ўқув натижалари билан ўқувчиларни таништириш. Машгулотни муаммоли маъруза шаклида ўтказилишини эълон қилиш.

2-босқич. Асосий қисм (60 дақиқа). Маъруза режаси: 1. Резерфорд тажрибаси. 2. Э.Резерфорднинг ядро модели. 3. Барча элементлар атомларининг ядролари тўғрисида. 4. Изотоп ва изобаралар ҳақида.

2.1. Сухбат шакли ўқувчилар билимини фаоллаштиради. Билимларни фаоллаштириш жараёнида ўқув муаммосини хал қилиш бўйича ўқувчиларнинг изланувчанлик фаолиятида фаол қатнашуви учун зарур бўлган ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган дастлабки билимлар қанчалик даражада етарлигини махсус саволлар орқали аниқлайди.

1. Э.Резерфорд атомларнинг тузилишини ўрганишда нималардан фойдаланган? 2. У қандай ядро моделини тақлиф этган? 3. Бугун атомнинг ўлчами қандай? Ядроники-чи? 4. Барча элемент атомларининг ядролари нималардан иборат? 5. Ядро қучлари нима? 6. Изотоп ва изобаралар деб нимага айтилади? 7. Қимёвий элемент нималардан иборат?

2.2. Фаоллаштирилган билимларга таъниб машгулотда хал этилувчи муаммоларни киритиш ва уни ифодалаш.

1. Э.Резерфорд атомларнинг тузилишини ўрганишда альфа заррачалардан фойдаланган. Фикрланг-чи! Нима учун фақат бу

заррачалардан фойдаланган? Бошқа заррачалардан фойдаланса бўлмасми? Сабабини аниқланг?

2. Э. Резерфорд тажрибасида альфа заррачаларнинг тарқалишини тушунтириб беринг. **Фикрлаб кўринг-чи!** Бу ядро модели нималар натижасида юзага келади?

Ўқитувчи юқоридаги муаммолар ечимини таъминлаш учун уни ҳал этишга қаратилган вазиятларни юзага келтиради. Уларни мунозарага чорлайди. Муаммо ечимини улар билан биргаликда таҳлил этади.

2.3. Ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратиш ва ўқитувчи томонидан ҳар бир гуруҳга саволлар бериш.

1-гуруҳга. 1. Тасаввур қилиб кўринг-чи! Сиз берилган модданинг молекуляр ёки номолекуляр тузилганлигини унинг физик хоссаларига қараб олдиндан айтиб бера олган бўлардингизми? Бўлса ифодалаб беринг.

Қизиқ! Углерод атомлари кўмирга айланиши учун бошқа элементларнинг атомлари билан қандай амалларни бажариш керак? Бу ўзгаришларни изохлаб ўтинг. Қандни киздириш йўли билан парчалашда қандай ҳодиса юз беради? Бу ҳақида нима деган бўлардингиз?

2. Фикрлаб кўринг-чи! Мураккаб модданинг формуласини ёзиш учун модда қандай кимёвий элементлардан тузилганлигини ва унинг молекуласида ҳар қайси элементнинг нечадан атоми борлигини билиш шартми? Модданинг кимёвий формуласига қараб айтиш модда олдий ёки мураккаб модда эканлигини, у қандай элементлардан ҳосил бўлганлигини, унинг молекуласи таркибига ҳар қайси элементнинг нечадан атоми кирганлигини айти оласизми?

2-гуруҳга. 1. Ўйлаб кўринг-чи! Агар модда номолекуляр тузилган бўлса, унинг нисбий молекуляр массаси модда формуласидаги атомлар сонини ҳисобга олган ҳолда элементлар нисбий атом массаларининг нимаси сифатида топилади? Сиз буни қандай изохлаб берган бўлар эдингиз? 2. Модда микдори билан модданинг молекуляр массаси ўртасидаги фарқ нимада? Бу фарқларни изохлаб беринг.

Ўйлаб кўринг-чи! Модданинг кимёвий формуласи асосида элементларнинг масса улушларини ҳам ҳисоблаб топиш мумкинми?

Муаммони ҳал этиш усулларини излашни ташкил этишга унинг дастлаб кичик муаммони ифодалаб беради, кейин эса муаммони саволларни қўйиш ва уларнинг жавобини муҳокама қилиш орқали ўқувчиларни муаммони ҳал этиш усулини топишга йўналтирилади, яъни муаммони ечими бўйича биринчи оралик хулосани шакллантиради. Худди шундай кейинги муаммолар ечимини йўлларини излашни ташкил этади. Муаммони маъруфанинг боришини тўлиқ ташкил этиш учун ёрдамчи саволлар беради ва хулосалар ясайди.

Ўқувчиларни муаммони ҳал этиш усулини топишга етаклайди, яъни муаммони ечими бўйича биринчи оралик хулосани шакллантиради.

1.4. Муаммони савол ечишга йўналтирилган ақлий ҳужумни қўллайди ва муаммони ҳал этиш бўйича яқуний хулосани ифодалайди. Гуруҳларда ёки жуфтликларда иш бошланиши ҳақида ўқувчиларга эълон қилиниб, муаммони саволларни ечими бўйича кўшимча кўрсатма берилади.

1.5. Ўқитувчи гуруҳларга берилган муаммони саволлар бўйича муҳокама эълон қилади, ҳар бир гуруҳ сардори муаммони ечими бўйича чиқишини мувофиқлаштиради.

Берилган муаммо бўйича яқунлар ясайди. Ҳар бир муаммага берилган ечимларнинг муқобил вариантларини дафтарларига киритишларини таклиф этади. Мавзу юзасидан яқуний хулосани ифодалайди.

3-босқич. Яқуний (15 дақиқа). 3.1. Муаммони маъруза машғулотига яқун ясалади. Ўқувчиларнинг ўқув мақсадлари натижаларига эришишдаги муваффақиятлари қайд этилади. 3.2. Ўқувчилар билиминини мустаҳкамлаш ва уларда шаклланган билимларни аниқлаш учун тестлар берилади.

Ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган эвристик технология – муаммони ўқитиш тизимидаги асосий технологиялардан бири бўлиб, ўқувчиларга узлуксиз равишда ўзлари учун янгилекларни кашф этишга имкон яратади. **Эвристика** – грек. “heurisko” – излайман, топаман, кашф этаман, деган маънони билдиради, у “Эврика” сўзидан келиб чиққан бўлиб, грек. “heurisko” – топаман деганидир. Шунга кўра, эвристик технологияда ўқувчида ижодкорлик, янгилек яратиш қобилиятини ривожлантириш ғояси етакчилик қилади. Аниқроғи, эвристик технология негизини савол-жавоб шаклидаги суҳбатлар ташкил

этиб, бунда ўқитувчи ўқувчиларга тайёр билимларни бермай, балки уларнинг аввал эгаллаган билимлари, ҳаётий тажрибалари, кузатишларига таянган ҳолда, оқилона саволлар орқали уларга янги тушунчалар, ҳулоса ва қоидаларни ўзлари очишлари (кашф қилишлари)га шароит яратлади.

Ижодий лаёқатлар — бу шахсий фазилатларнинг тизимли намоён этилиши бўлиб, шахснинг лаёқатлари янгиликни яратиш, фавқулодда қарорлар қабул қилишида қўринади. Кўпгина олимлар ва методистлар эвристик методни турлича талқин этадилар ва номлайдилар. Масалан, изоҳловчи ва ривожлантирувчи суҳбат, эвристик метод, аналитик усул, суҳротона суҳбат, қисман изланиш усули қабилида.

Ундан илк марта қадимги юнон файласуфи Суқрот мохирона фойдаланиб, педагогикага “Суқрот суҳбатлари” атамасини олиб кирган. У ҳеч вақт тайёр жавобларни тақдим этмаган, балки суҳбатдошини саволлар бериш йўли билан ҳақиқатни (билимни) кашф этишга, муаммонинг ечимини мустақил топишга йўллаган. Суқрот ҳеч вақт ўзини суҳбатдошидан кўра билимдон деб билмаган, бинобарин, у ҳамсуҳбат шогирдига ўз-ўзини руҳан кашф этишига ёрдамчи, деб ҳисоблаган, ҳолос.

Эвристик технологиялар афзаллик билан бирга, камчиликларга ҳам эга бўлгани сабабли, ундан керагидан ортиқ даражада фойдаланиб бўлмайди. Таълим жараёнида унинг камчиликларини бошқа усуллар ёрдамида бартараф этиш ҳамда бу усулдан оқилона фойдаланиш керак. Уларнинг бир қанчасини кўриб чиқамиз. Бунда аввал қўйилган муаммони тезлик билан еча олишга қийналадиган ўқувчиларга ёрдам бериш керак. Бундай ўқувчиларда муаммони тез ечиш учун зарур қўникма ва малакаларни шакллантиришга ҳаракат қилиш лозим.

Машғулотда у қадар қийин бўлмаган муаммоларни ҳал қилиб, бирмунча мураккаброқ масалаларни уйга вазифа сифатида топшириш мумкин. Уй шароитида ўқувчининг етарлича вақти бўлади ва ўз тафаккур тезлиги доирасида ҳаяжонланмай фикрини муаммонинг ечимига қаратиши мумкин.

Кимё таълимида ўқитувчи аввалдан эвристик суҳбат учун керакли муаммо ёки саволлар тизимини тузиб чиқади. Топширик очик характерда бўлиб, унинг барча учун бирдек ягона тўғри жавоби бўлмаслиги керак. Эвристик шаклдаги машғулотлар тизимдан фойдаланиш мумкин. Улар ғояни тақдим этиш, эвристик

суҳбат, топширик тузиш машғулотлари, тушунчаларни мустақил равишда ишчан ўйинлар, эвристик маъруза ва семинарлар, анжуманлар, ижодий ишлар Ҳимояси, ноанъанавий машғулотлар бўлиши мумкин.

Эвристик технологиянинг афзаллиги: ушбу технология ўқувчилар фикрий фаолиятини фаоллаштириш, қизиқишларини ўстириш, ўқув манбасини пухта ўзлаштиришлари учун қулай ҳисобланади.

Камчиликлари: у тайёр билимларни шунчаки тақдим этишга инисбаган кўпроқ вақт сарфлашни талаб этади, бу технологияда ўқувчиларнинг индивидуал фарқларига ноҳуш таъсир кузатилиши мумкин, уларнинг аксарияти қўйилган муаммони ечишга, ўқитувчининг саволларига жавоб топиш ва қайтаришга улгура олмайдилар. Ўқитувчи эса ўқувчиларнинг барчаси керакли ҳулосага қелиши учун қутиш имконига эга эмас, эвристик суҳбатларда алоҳида ўқувчиларгина фаол иштирок этиб, қолган ўқувчилар қолоқлар сафида қолиб кетишлари мумкин.

Кимё фани машғулотларида эвристик технологияни босқичма-босқич қўллаш. “Менделеевнинг даврий системасининг аҳамияти. Даврий қонун. Атом тузилишининг ядро модели” мавзуси асосида ўқувчиларда мавзу ҳақида кимёвий тушунчаларни шакллантириш.

Машғулотнинг мақсади: 1. Даврий қонун кашф этилиши пайтини изоҳлаш. 2. Ўқувчиларда матнни илмий таҳлил этиш малакасини ўстириш. 3. Ўқувчиларда ижодий қобилиятни ривожлантириш, манба ҳақида фикр юритишга ўргатиш. 4. Гуруҳда ишлаш, бошқаларнинг фикрларини тинглай билиш, олинган ахборотларни таҳлил этиш қўникмаларини ўстириш. 5. Ўқувчилар нутқини ўстириш.

Машғулотнинг жиҳозланиши: даврий тизим, тарқатма манбалар.

Методик усуллар: ўқитувчининг кириш сўзи, суҳбат, гуруҳда ишлаш, ўқувчиларнинг чиқишлари.

1-босқич. Ташкилий қисм - 2 дақиқа. Ўқитувчи ўқувчиларни 6 та (ҳар бир гуруҳда 5 та ўқувчи) гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳ карточкада топширик олади. Ўқувчилар саволларга жавоб бериши ва ўз мавзуси бўйича ҳулосаларни тақдим этиши лозим. Улар 5 балли тизим асосида гуруҳ аъзоларининг иштирок этиш даражасини белгилаб олишлари керак. Ҳар бир гуруҳ ўзига раис ва

котиб сайлайди. Раис маълумотларни тақдим этади, котиб ёзувларни расмийлаштиришга кўмаклашади.

2-босқич. Мавзу бўйича ишлаш. Ўқитувчи янги машғулот мавзусини эълон қилади ва унинг мақсади ҳақида қисқача маълумот беради (1 дақиқа).

3-босқич. Кимёвий атамаларни такрорлаш (7 дақиқа). Масалан, даврий система нима?

4-босқич. Гуруҳда ишлаш. Машғулот жараёнида соғлом муҳит яратилади. Мустақил ишлаш учун 28 дақиқа, гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг чиқиши учун 3-5 дақиқа вақт ажратилади.

1-гуруҳ учун топшириқлар:

Д.И.Менделеев кашф этган қонун моҳиятини тушуниб олиш учун нисбий атом массаларининг ортиб бориши тартибида жойлаштирилган кимёвий элементлар хоссаларининг ўзгариб боришини кўздан кечириб чиқинг.

1. Қаторда қайси элементларнинг нисбий атом массалари ортиши билан металл хоссаларининг аста-секин сусайиши ва металлмаслик хоссаларининг кучайиши кузатилади?

2. Литий қандай металл?

3. Бериллий бирикмалари қандай хусусиятга эга?

4. Литийдан углеродга томон борганда нисбий атом массаларининг қиймати ортиши билан элементларнинг кислотародли бирикмаларидаги валентлиги қандай ўзгаради?

5. Қайси элементдан бошлаб олдинги қатор элементлар хоссаларининг тақрорланиши кузатилади?

6. Алюминий қандай хоссали бирикмалар ҳосил қилади?

7. Бу қаторда охиридан олдинги қайси элемент энг кучли ифодаланган металлмаслик хоссаларини намоён этади?

8. Олдинги қатор қайси инерт элемент билан тугайди?

9. Олдинги қатордагиға ўхшаш, кислотародли бирикмалардаги валентлиги қандай ўзгаради?

10. Қайси элементдан бошлаб, типик ишқорий металлдан типик металлмас галогенга қадар хоссаларининг аста-секин ўзгариши кузатилади?

11. Элементлар бирикмаларининг шакли даврий тақрорланадими?

12. Литийнинг хоссаларини тақрорловчи элементларнинг: натрий, калий, рубидий, цезий оксидларининг шаклини ёзинг.

13. Д.И.Менделеевнинг даврийлик қонунига таъриф беринг.

14. Атом массаларининг ортиб бориши тартибида жойлаштирилган элементларнинг барча қаторини Д.И.Менделеев нималарга бўлган?

15. Д.И.Менделеев ҳали кашф этилмаган қанча элемент учун бўш катақчалар қолдирган?

Хулосалар чиқаринг.

Қаторда литий Li дан фтор F га томон нисбий атом массалари ортиши билан металл хоссаларининг аста-секин сусайиши ва металлмаслик хоссаларининг кучайиши кузатилади. Литий металл хоссалари яққол ифодаланган ишқорий металл. Бериллий Be да металл хоссалари жуда сусайган, унинг бирикмалари амфотер хусусиятга эга. Бор B элементда металлмаслик хоссалари кучлироқ, бу хоссалар кейинги элементларда аста-секин кучайиб боради ва фторда энг юқори даражага етади. Фтордан кейин инерт элемент неон Ne келади.

Литийдан углерод C га томон борганда нисбий атом массаларининг қиймати ортиши билан элементларнинг кислотародли бирикмаларидаги валентлиги 1 дан 4 га қадар ортиб боради. Бу қатордаги элементлар углероддан бошлаб водород билан учувчан бирикмалар ҳосил қилади. Водородли бирикмалардаги валентлиги углеродда 4 дан фторда 1 га қадар камаяди.

Натрий Na элементидан (тартиб рақами 11) бошлаб олдинги қатор элементлар хоссаларининг тақрорланиши кузатилади. Натрий (литийга ўхшаб), металл хоссалари кучли ифодаланган элемент, магний Mg да (бериллий каби) металл хоссалари кучсизроқ ифодаланган. Алюминий Al (бериллий Be га ўхшаш) амфотер хоссали бирикмалар ҳосил қилади. Кремний Si (углерод каби) - металлмас. Кейинги элементларда - фосфор P билан олтингугурт S да металлмаслик хоссалари янада кучаяди. Бу қаторда охиридан олдинги элемент хлор (фтор каби) энг кучли ифодаланган металлмаслик хоссаларини намоён қилади. Олдинги қатор каби бу қатор ҳам инерт элемент аргон билан тугайди. Олдинги қатордагиға ўхшаш, кислотародли бирикмалардаги валентлиги натрий элементда 1 дан хлор элементда 7 гача ортиб боради. Водородли бирикмалардаги валентлиги кремнийда 4 дан хлорда 1 гача камаяди.

Калийдан (тартиб рақами 19) бошлаб, типик ишқорий металлдан типик металлмас галогенга қадар хоссаларининг аста-секин ўзгариши кузатилади. Маълум бўлишича, элементлар бирикмаларининг шакли ҳам даврий тақрорланар экан. Масалан, литийнинг оксиди Li_2O шаклида бўлади. Литийнинг хоссаларини тақрорловчи элементларнинг: натрий, калий, рубидий, цезий оксидларининг шакли ҳам худди шундай: Na_2O , K_2O , Rb_2O , Cs_2O . Буларнинг ҳаммаси Д.И.Менделеевга ўзи кашф этган қонунни “даврийлик қонуни” деб аташга ва қуйидагича таърифлашга имкон берди: “Оддий жисмларнинг хоссалари, шунингдек, элементлар бирикмаларининг шакл ва хоссалари элементлар атом оғирликларининг қийматига даврий боғлиқдир”.

Ана шу қонунга мувофиқ, равишда, элементларнинг даврий системаси тузилган, у даврий қонунни объектив акс эттиради. Атом массаларининг ортиб бориши тартиби жойлаштирилган элементларнинг барча қаторини Д.И.Менделеев даврларга бўлди. Ҳар қайси давр чегарасида элементларнинг хоссалари қонуният билан ўзгаради (масалан, ишқорий металлдан галогенга қадар). Даврларни ўхшаш элементлар ажратиб турадиган қилиб жойлаштириб, Д.И. Менделеев кимёвий элементларнинг даврий системасини яратди. Бунда баъзи элементларнинг атом массалари тузатилди, хали кашф этилмаган 29 элемент учун бўш катакчалар қолдирилди.

2-гурух учун топшириқлар.

Д.И.Менделеев ҳар қайси элементнинг хоссасини нималарга асосланиб аниқлаганини тушунтиринг. Ҳозирги вақтда даврий системани тасвирлашнинг нечадан ортиқ вариантлари бор? Д.И.Менделеев 1869 йил 1 мартда таклиф этган элементлар системасининг биринчи вариантыда ҳар бир давр нечта қаторда жойлаштирилган эди?

Даврий системада горизонтал бўйича нечта давр бор ва улар қандай номланади?

Хулоса чиқаринг. Д.И.Менделеев ҳар қайси элементнинг хоссасини атом аналогларининг хоссаларига асосланиб аниқлади. Берилган элементни даврий системада ўраб турган элементларни у атом аналоглар деб атади. Масалан, магний элементининг атом массаси атом аналогларининг атом массаларининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисоблаб топилди. Ҳозирги вақтда даврий системани тасвирлашнинг 500 дан ортиқ вариантлари бор,

ўлар даврий қонуннинг турли шаклдаги ифодасидир. Д.И.Менделеев 1869 йил 1 мартда таклиф этган элементлар системасини биринчи вариант учун шаклдаги варианты дейилади. Бу вариантда ҳар бир давр битта қаторда жойлаштирилган эди. Даврий системада горизонтал бўйича 7 та давр бор, улардан I, II ва III даврлар кичик, IV, V, VI ва VII даврлар эса қатта даврлар дейилади. Биринчи даврда 2 та, иккинчи ва учинчи даврларда 8 тадан, тўртинчи ва бешинчи даврларда 18 тадан, олтинчи даврда 32, еттинчи (туғалланмаган) даврда 19 та элемент жойлашган. Биринчидан бошқа барча даврлар ишқорий металл билан бошланади ва нодир газ билан тугайди.

3-гурухга топшириқлар. 1. Даврий системадаги барча элементлар бир-биридан кейин қандай рақамланган? 2. Элементларнинг рақамлари қандай рақамлар дейилади? 3. II ва III давр элементларини Д.И.Менделеев нима деб атаган? 4. Уларнинг хоссалари бирикмаларининг шакли қандай ўзгаради? 5. Системада нечта қатор бор ва улар қандай рақамлар билан белгиланган? 6. Ҳар қайси кичик давр нечта қатордан, ҳар қайси қатта давр эса нечта қатордан таркиб топган? 7. Қатта даврларнинг жуфт қаторларида (тўртинчи, олтинчи, саккизинчи ва х.к.) нималар жойлашган ва элементларнинг хоссалари қаторда қандай ўзгаради? 8. Қатта даврларнинг ток қаторларида (бешинчи, еттинчи ва тўккизинчи) элементларнинг хоссалари қаторда қандай ўзгариб боради. 9. Қатта даврларнинг элементларини икки қаторга ажратишга асос бўлган муҳим хусусияти нимада?

Хулосалар чиқаринг. Даврий системадаги барча элементлар бир-биридан кейин кетма-кет келиши тартибда рақамланган. Элементларнинг рақамлари тартиб ёки атом рақамлари дейилади. II ва III давр элементларини Д.И.Менделеев типик элементлар деб атади. Уларнинг хоссалари типик металлдан нодир газга томон қонуният билан ўзгаради. Даврларда элементлар бирикмаларининг шакли ҳам қонуният билан ўзгаради. Бирикмалар шаклининг даврийлигига Д.И.Менделеев жуда қатта аҳамият берган.

Системада 10 та қатор бўлиб, улар араб рақамлари билан белгиланган. Ҳар қайси кичик давр битта қатордан, ҳар қайси қатта давр - иккита: жуфт (юқори) ва тоқ (пастки) қаторлардан таркиб топган. Қатта даврларнинг жуфт қаторларида (тўртинчи, олтинчи, саккизинчи ва х.к.) фақат металллар жойлашган ва элементларнинг хоссалари қаторда чапдан ўнгга боришда кам

ўзгаради Катта даврларнинг ток қаторларида (бешинчи, еттинчи ва тўққизинчи) элементларнинг хоссалари қаторда чапдан ўнгга томон типик элементлардаги каби ўзгариб боради. Катта даврларнинг элементларини икки қаторга ажратишга асос бўлган муҳим хусусияти уларнинг оксидланиш даражасидир.

4- гуруҳ учун топшириқлар.

Мавзудаги рамзий ифодалар:

1. Мавзуда "ярим узун вариант" сўзи қандай маъно касб этган?

2. Лантаноидлар мавзуда қандай мазмунга эга?

3. Резерфорд 1911 йилда атом тузилишининг ядро моделини тақлиф қилиб, альфа заррачаларнинг тарқалишини қандай тушунтириб беради?

4. Мавзуда нима учун альфа заррачаларнинг камроқ қисми металл пластинкадан ўтганида ўз йўлидан турли бурчакка оғади, айрим заррачалар эса учини йўналишини кескин ўзгартиради?

Хулосалар чиқаринг. Даврий системанинг узун шаклидаги вариантдан кўпроқ фойдаланилади. Бу вариантнинг асосий камчилиги: ихчам эмаслиги (системанинг айрим катаклари тўлмаган). Бу вариантни анча ихчамлаштириш учун, кўпинча, олтинчи даврдаги лантаноидлар ва еттинчи даврдаги актиноидлар система остида алоҳида жойлаштирилади. Бу вариант баъзан ярим узун вариант дейилади.

VI даврда лантандан кейин тартиб рақамлари 58-71 бўлган 14 элемент жойлашади, улар лантаноидлар деб аталади. Улар жадвалнинг пастки қисмига алоҳида қаторда жойлаштирилган, уларнинг системада жойлашиш кетма-кетлиги катакчада юлдузча билан кўрсатилган: $La^* - Lu$. Лантаноидларнинг кимёвий хоссалари бир-бирига жуда ўхшайди. Масалан, уларнинг барчаси реакцияга киришувчан металллар ҳисобланади, сув билан реакцияга киришиб гидроксид ва водород ҳосил қилади. Бундан лантаноидларда горизонтал ўхшашлик яхши ифодаланган, деган хулоса қилиб чиқади.

Атомларнинг тузилишини ўрганиш учун инглиз олими Э.Резерфорд альфа заррачаларнинг кучли синувчанлик хусусиятидан фойдаланади. У юпка металл пластинкадан альфа заррачаларнинг ўтишини кузатади. Рух сульфид ZnS қатлами билан қопланган экранга альфа заррачалар урилганда чакнаш содир бўлади, бу эса заррачалар сонини санашга имкон беради. Маълум бўлишича, альфа заррачаларнинг камроқ қисми металл

пластинкадан ўтганида ўз йўлидан турли бурчакка оғади, айрим заррачалар эса учини йўналишини кескин ўзгартиради. Бу ҳодиса альфа заррачаларнинг тарқалиши деб аталади.

Резерфорд 1911 йилда атом тузилишининг ядро моделини тақлиф қилиб, альфа заррачаларнинг тарқалишини тушунтириб беради. 1. Атомнинг марказида мусбат зарядли ядро жойлашган бўлиб, у атомдаги фазонинг жуда кичик қисмини банд этади. 2. Мусбат зарядларнинг барчаси ва атом массасининг деярли ҳаммаси ядродан ўрин олади. 3. Ядро атрофида электронлар берк орбиталлар бўйлаб (худди қуёш атрофида сайёралар айланиши каби) айланиб туради.

5-босқич. Яқиний суҳбат. 5 дақиқа. Барча ўқувчиларга саволлар берилади. Даврий система нима учун керак? Менделеев нима сабабдан ушбу системани яратган? Бугунги кунда даврий системада қандай ўзгаришлар бўлиши мумкин? Уйга вазифа. 2 дақиқа. Даврий системанинг аҳамияти ҳақида 5-дақиқали эссе ёзинг.

"Зинама-зина" технологияси. Бу машғулот ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича яқка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўлланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Бу технология ўқувчилар билан бир гуруҳ ичида яқка ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдирот қилинади. Технологиянинг мақсади - ўқувчиларни эркин, мустақил ва ман-тикий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изданишга, фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таъинч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатишдан иборат. Бу технология - маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғу-лотларида яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказиш ҳамда назорат дарсларида қўлланилиши мумкин.

Машғулотда қўлланиладиган воситалар -А-3, А-4 форматларда тайёрланган (мавзунини ажратилган кичик мавзулар сонига мос) чап томонига кичик мавзулар ёзилган таркатма манбалар, фломастер (ёки рангли қалам)лар. Машғулотни ўтказиш тартиби: ўқитувчи ўқувчиларни мавзулар сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (гуруҳлар сони 4 ёки 5га бўлгани маъқул); ўқувчилар машғулотнинг мақсади ва унинг

ўтказилиш тартиби билан таништирилади. Ҳар бир гуруҳга қозоннинг чап қисмида кичик мавзу ёзуви бўлган варақлар тарқатилади; ўқитувчи гуруҳ аъзоларни тарқатма манбада ёзилган кичик мавзулар билан таништирилгани ва шу мавзу асосида билганларини фломастер ёрдамида қозондаги бўш жойига жамoa билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини юклайди ва вақт белгилайди; гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма манбада берилган кичик мавзунинг ёзма (расм ёки чизма) кўринишида ифода этадилар. Бунда гуруҳ аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади; тарқатма манбалар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир киши тақдирот қилади. Тақдирот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган манбалар, албатта, аудитория доскасига мантиқан тағма-тағ илинади; ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган манбаларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машғулоти яқунлайди.

IV БОБ. КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШХИС ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

4.1. Шахсга йўналтирилган дарснинг педагогик таҳлили ва назорати

Бугунги кунда таълимнинг илгарилар кетиши, таълимга бўлган ёндашувларни ўзгартириш, педагогик жараёни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, ўқитишни шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида ташкил этиш каби вазифаларни ечишни талаб этади [123]. Кузатиш ва таҳлиллар педагогик фаолиятда бир қанча қарама-қаршиликлар борлигини кўрсатади.

1. Ўқув фаолиятда шахснинг ўз-ўзини намоён этиши учун шароитларни яратиш ҳамда уни амалга ошириш усулларидан иборат педагогик фаолиятнинг моҳияти ўртасидаги қарама-қаршилик.

Масалан, кимё фанлари машғулотларида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш учун кўпинча кенг қўламли иш шаклларидан фойдаланилади. Индивидуал иш шакллари эса ўқитувчилар жуда кам ҳолда эътибор қаратадилар. Сўралганлардан 57% улардан ҳар ҳафтада, 31% эса бир ойда бир марта фойдаланишини айтишган. Бунда индивидуал иш шакллари қўллаш, қоидага кўра, орқада қолиб кетганлар – буни 79% ўқитувчи таъкидлашди. Фақат 30% сўралган ўқитувчилар уй вазифаларини бажариш шакллари танлаш имкониятини бериш-лигини айтишди (оғзаки, амалий, график). Кимё фанларидан уй вазифалари мазмунини танлаш имкониятини бор йўғи 16% ўқитувчи беришligи маълум бўлди.

2. Педагогик фаолиятни амалга оширишда ижодий ҳолат билан педагоглар ташаббускорлиги, ижодий фаоллигини тезлаштиришнинг йўқлиги ўртасидаги қарама-қаршилик.

Сўров натижаларига кўра, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари ва замонавий усуллардан фойда-

ланишнинг асосий воситалари ўқитувчиларнинг ўз-ўзини ишонтириши ҳисобланади (буни 60% сўровда иштирок этганлар кўрсатишди).

Шахсга йўналтирилган ёндашувни коллеж амалиётига жорий этиш, биринчи навбатда ўқитувчи шахсига, улар томонидан шахсни шакллантирувчи омиллар ғояларини ўзлаштиришига, шахсий ва касбий тақомиллаштиш фаоллигига боғлиқ [25].

Лекин 235 нафар ўқитувчи иштирок этган қайд этувчи тажрибани ўтказиш давомида шу нарса аён бўлдики, кўпчилик ўқитувчиларда кимё фанларини ўқитиш мазмунини тақомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни тушуниш ҳамда амалга ошириш кўпроқ қийинчилик туғдирмоқда.

Деярли барча сўровда иштирок этганлар мазкур жараёни амалга оширишда паст даража ҳолатида ўзлаштирганлигини кўрсатди. Бу кимё фанларини ўқитиш мазмунини тақомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар амалга оширилмади (11% респондентлар), ёки тўлиқсиз амалга оширилади (69% респондентлар) деганларга мос ҳолда экспертлар сўрови натижалари билан мос келади, кўпчилик ўқитувчилар авторитар, билишга йўналтирилган ёндашувларга ўз эътиборини қаратишади.

Респондентлар томонидан анкета саволларини ўтказиш давомида шу нарсани тушунтириш таклиф этилдики, уларнинг фикрича, шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар тушунчаси нимани аңлатади? Олинган жавоблар уларнинг моҳияти ҳақида ўқитувчиларнинг тасаввурини қуйидагича гуруҳлашга имкон берди:

– кимё фанларини ўқитиш мазмунини тақомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар моҳияти ҳақида тушунарли ифодаланган тасаввурнинг йўқлиги - 36% жавоб;

– ўқитишга индивидуал ёндашув билан айнан бир хиллиги (ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олиб ўқитиш) - 31% жавоб;

– ўқитишнинг ривожлантирувчи хусусиятини қайд этиш (хар бир ўқувчининг қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш) - 22% жавоб;

– турли даражали табақалаштирилган ўқитиш билан шахсга йўналтирилган ёндашувнинг айнан бир хиллиги (иш жараёнида ўқувчиларни интеллекти бўйича ажратиш, сўраш ва талаб қилиш, ўқув манбаларини баён этиш ва билимларни назорат қилишнинг турли даражаларидан фойдаланиш) - 8% жавоб;

– ўзига хос мақсад ва методлар бўйича кимё фанларини ўқитиш мазмунини тақомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш (шахс касбий маҳоратини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик усул ва технологияларнинг йиғиндиси, касбий билимларга ўқитиш, ечим қабул қилишни, жавобгарликни, мустақилликни, фикрлашни, диққатни ривожлантириш) - 3% жавоб;

Жавоблардан кўринадики, кимё фанларини ўқитиш мазмунини тақомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар мазмуни ва моҳиятини ўрганишга ўқитувчиларда эҳтиёж бор.

Кимё фанларини ўқитиш мазмунини тақомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни амалга ошириш механизминини ўқитувчилар ўзлаштириши учун қуйидаги педагогик шароитларни яратиш лозим:

– шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни амалга ошириш механизминини машғулотлар мазмунинда тасаввур этишлиги;

– ўқитувчиларни турли шахсга йўналтирилган педагогик вазиятларга жалб этиш;

– ўқитишнинг педагогик вазиятларини, дарсларнинг тахминий режаси, турли ўқув текстлари, назорат ишларини бажариш бўйича методик кўрсатма, махсус ишлаб чиқилган ўқув топшириқларини баён этувчи шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни амалга ошириш механизминини ўқувчиларнинг ўзлаштиришини методик таъминлаш;

– педагогик ўзаро муносабат, фаолиятни ташкил этиш шакллари турличалигининг интерфаол хусусияти.

Мақсад – шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни амалга ошириш механизминини ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш.

Мазмуни – шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш.

Методлар – шахсга йўналтирилган жараён сифатида ўқитувчининг хусусий ўқишини таъминлаш.

Восита – ўрганиладиган механизм кўргазмалари бўлишини таъминлаш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва индивидуал хусусиятларини, имкониятларини ҳисобга олиш.

Шакллари – педагогик жараён иштирокчиларининг субъект-субъект ўзаро муносабат имкониятларини таъминлаш.

Шароит – шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари амалга ошириш механизми ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этилаётган педагогик жараёнда бериш.

Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари амалга ошириш механизмининг ўқитувчилар томонидан ўзлаштириш жараёни модели.

Кимё фанларини ўқитиш шахсга йўналтирилган вазиятларни яратишни талаб этади (ўқитиш мазмунига ўқувчиларнинг субъект тажрибасини киритиш, суҳбат, эркин танлаш, уларнинг ўз қарашларини айтишга ундаш, ўзаро жавобгарлик вазияти, муаммолари вазият, рефлексия кабилар). Бу ўқувчиларнинг диққатини шахсга йўналтирилган педагогик ўзаро муносабатни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларга, уларни ечишнинг мумкин бўлган усулларига, ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ургۇ беришга имкон беради. Педагогик усул ва технологиялардан фойдаланиш, уларга шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатда тажриба олишга, педагогик жараёнда бажариладиган жараёнлар кўламининг кенгайтиришга имкон беради.

Ўқувчиларнинг синф ва синфдан ташқари ишларини методик таъминлашда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари киритиш, турли ўқув текстлари, назорат ишларини бажариш бўйича методик кўрсатма, махсус ишлаб чиқилган ўқув вазифалари қуйидаги вазифаларни ечишга имкон бериши мумкин:

– шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар доирасида ўқувчиларнинг билимининг шакллантириш ва ривожлантириш (терминологияни эгаллаш, асосий вазиятларни тушуниш, шахсга йўналтирилган педагогик ўзаро муносабатни методик таҳлил қилишни ўрганиш);

– уларнинг индивидуал хусусиятлари ва қизиқишларини инобатга олиш, имкониятларини педагогик жараёнда кўрсатиш учун шароит яратиш;

– шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари амалга ошириш йўллари мустақил ижодий излашга қизиқиш уйғотиш.

Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари амалга ошириш механизми – биргалликда мотивлар, ўзаро муносабат шакл ва методларни назарда тутати. Унга мазкур механизмнинг шахсга йўналтирилган ўқитиш жараёнини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида педагогнинг мақсадли қараш ва ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига мотивлари, педагогик жараён иштирокчиларининг роли ва уларнинг ўзаро муносабат хусусияти қиради.

Назорат, курс ва диплом ишларининг ўзига хос хусусияти вазифаси, шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари доирасида назарий ва амалий муаммоларни англашдан, шахсга йўналтирилган педагогик ўзаро муносабатда ўқувчиларнинг таҳлил қилиш ҳамда лойиҳалаш кўникмаларини шакллантиришдан, уларнинг педагогик фаолиятини ривожлантириш йўллари излашда ижодкорликдан иборат бўлди.

Тажрибагача ва тажрибадан кейинги олинган нагжаларни таққослаш қуйидаги ҳулосаларни чиқаришга туртки бўлди:

– шахсга йўналтирилган ўқитувчиларнинг педагогик ўзаро муносабатини лойиҳалаш кўникмасини, машғулотда баҳолаш натижалари билан солиштириш бўйича шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари амалга оширишга ўз интилишини ошириб баҳолаш кузатилди (20-25 %);

– шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари амалга ошириш механизмининг ўзлаштириш даражасининг ўзгариши бир маромда бўлмади, турли кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикасида сезиларли фарқлар кузатилди.

Шакллантирувчи тажриба давомида ўқитувчилар томонидан шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари амалга ошириш механизмининг ўзлаштириш динамикаси (5-жадвал):

Шахсга йўналтирилган ўқитиш ва замонавий усулларни амалга ошириш механизминини ўзлаштириш динамикаси

5-жадвал

Кўрсаткич	Юқори даражага эришган тажриба гуруҳи ўқувчиларининг улуши		Фо-из (%)
	Тажрибагача	Тажрибадан кейин	
Кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаси.	0	43	43
Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларнинг асосий хусусиятларини билиш.	0	39,3	39,3
Кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар вазияти билан педагогик ўзаро муносабатни таҳлил этиш кўникмаси.	0	35,6	35,6
Ўқув машғулотларини лойихалашда ўқитувчилар томонидан шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларнинг қўлланилиши.	0	28	28,6
Ўқитувчиларнинг ўз машғулотларида шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни амалга оширишга интилиши.	23,3	50	21,7
Ўқитишга шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар тўғрисида ахборотларни мустақил излашдаги фаоллиги, уларни амалга ошириш усулларини эгаллаганлиги.	12,3	32	19,7

Кўпроқ аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар шундай кўрсаткичларда кузатиладики, булар кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаси (43%) ҳамда уларнинг асосий хусусиятларини билиш (39,3%) бўлди.

Энг юқори натижа шундай кўрсаткич бўйича олиндики, бунда ўқитувчиларнинг ўз машғулотларида шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни амалга оширишга интилиши (тажриба гуруҳининг 50% иштирокчилари юқори даражага эришди, аммо бу кўрсаткич бўйича ўзгариш жуда кам – 21,7%). Бу шу билан тушунтириладики, касбий фаолиятда ўзгаришни амалга ошириш мураккаб, шунинг учун тажриба давомида олинган билим машғулотларда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни амалга ошириш бўйича ўқувчиларнинг ўз кучларини танқидий баҳолашга мажбур қилди. Бундай кўрсаткич, бу шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллар ҳақида ўқитувчиларнинг ахборотларни мустақил излаш фаоллиги, уларни амалга ошириш йўллари эгаллашдир, бунда бироз силжишлар бўлди.

Умуман олганда, жами кўрсаткичлар шунини кўрсатадики, яъни 28,6 % тажриба гуруҳи шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни амалга ошириш механизминини ўзлаштириш бўйича юқори даражага эришишди, 44 % - ўртача, 27 % - паст бўлди. Шу билан бирга фақат 2,5 % назорат гуруҳининг ўқувчилари юқори, 64 % - ўртача, 36 % паст даражага эришишди.

Таҳлиллардан шу нарса маълум бўлдики, педагогик амалиётда ўзини яхши намоён этган шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар, ўқувчиларнинг билиш фаолиятида шахсга йўналтирилган ёндашувни яратиш ва амалга ошириш учун бошлангич база бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, шахсга йўналтирилган таълим жараёнлари кўриб чиқилади:

- дарс режасини тузишга, индивидуал мақсадли қарашга ўқувчиларни жалб этиш;
- ўқувчи томонидан турли ўқитиш шаклининг эркин танланиши;
- турли мураккабликдаги кимё фани мазмунининг ўқувчи томонидан танланиши;
- фақат натижаларни эмас, балки фаолият жараёнини ҳам баҳолаш;

- ақлий ривожланиш субстрати ҳисобланган когнитив структурани шакллантириш;
- дидактик материални тузишнинг индуктив ва дедуктив усулларида фойдаланиш;
- ижодий фаолиятни ўрганиш ва шакллантириш;
- индивидуал билиш усуллари хисобга олиш усули сифатида эвристик ўқитиш методларидан фойдаланиш.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини шакллантиришга конституциялашган ёндашув, шахсга қаратилганлик йўналишига эга: мақсадни қўлаш, билиш фаолиятини шакллантириш, натижаларни коррекция қилиш, баҳолаш ва яқун яшаш.

Бизнинг нуктаи-назаримиздан энг самарали, ўқитувчининг индивидуал билиш стратегияларини аниқлаш ва ҳисобга олиш бўйича ўқитувчининг иш усуллари қўйидаги алгоритмни ўзида акс эттиради:

- саволномани тайёрлаш;
- ўқувчига тажриба ва кузатиш ҳаракатларини юклаш;
- стратегияни амалга оширишдан кейинги хотира бўйича интервью олиш;

- олинган стратегияларни умумлаштириш;
- олинган стратегияларни график ёзиш;
- олинган стратегияларни солиштириш;
- яқуний умумлаштириш, хулоса.

Мазкур иш доирасида шахсга йўналтирилган дарс, ижодий қобилиятларни ривожлантириш воситаси ҳисобланадими деган саволга жавоб бериш учун тадқиқот ўтказилди. Экспериментдан кейин шундай хулосага келиндики, ҳақиқатда шахсга қаратилган йўналишдаги дарслар ўқувчиларни муаммоларни ечиш устида ўйлашга мажбур қилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи учун ечимини танлайди, ўқувчи ўз фикрини билдиришдан қўрқмайди, Шунинг учун ўқувчиларда тасаввур қилиш, шунингдек, ижодкорлик қобилияти ривожлана бошлайди.

Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллари қўлаш натижасида қуйидаги кўрсаткичларга эришилди: ўқувчиларнинг кимё фанларини билишга қизиқиши, билим сифати, амалий кўникма ва малакалар ошди, уларнинг кузатувчанлик даражаси ўзгарди.

Ўқувчилар учун махсус ташкил этилган шахсга йўналтирилган дарсда қуйидаги жадвалда берилган анкета саволлари ўтказилди (унда 100 нафар ўқувчи иштирок этди):

Ўтказилган анкета саволлари

6-жадвал

Ўқитувчи дарсда ...	- менга ҳурмат кўрсатди; - менинг фикрларим билан қизиқди; - менга эътибор бермади; - менга ҳурматсизлик билан қаради.	60 % 25 % 15 % 0 %
Ўқитувчи ...	- ҳар бир ўқувчида инсонни кўрди; - барча ўқувчиларга ҳурмат билан ва талабчанлик билан қаради; - буйруқларини аниқ бажаришни қатъий талаб этди; - дарсни ўз ҳолига ташлади.	45 % 30 % 15 %
Мен дарсда ...	- умумий дискуссияда фаол иштирок этишни жуда хоҳладим; - жуда хоҳладим, лекин умумий дискуссияда фаол иштирок этишдан чўчидим; - истамаган ҳолда умумий дискуссияда иштирок этдим; - умумий дискуссияда иштирок этмадим, буни хоҳламадим.	10 % 55 % 25 % 10 % 10 %
Дарсда мен ...	- Ўз фикримни далиллик билан айтдим ва ўз ҳиссимни билдирдим; - ўзимнинг ҳақиқий фикрим ва ҳиссимни яширишга ҳаракат қилдим; - ўқитувчига нима ёқадиган бўлса, ўша тўғрисида гапирдим; - ҳеч қандай фикр билдирмадим, ҳиссий-тимни айтмадим.	32 % 24 % 16 % 28 %
Менимча менинг синфдошларим дарсда фаол ишлашди, чуқур...	- уларнинг фикрлари муҳокама қилинди; - қизиқарли бўлди; - акс ҳолда ўқитувчи ғазабланиши мумкин; - ёмон баҳо олишдан ҳадиксираши мумкин.	38 % 31 % 9 % 22 %
Умуман олганда дарс ...	- ўзимни яхши билишга ёрдам берди; - янги қизиқарли билимларни берди; - қизиқарли бўлди, лекин менга ҳеч қандай янги нарсга бермади; - вақт беҳуда кетди.	47 % 26 % 21 % 6 %

Педагогик фаолиятда замонавий шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар таълим доирасини аста-секинлик билан эгалламоқда. Кўпчилик ўқитувчилар ўқув машғулотлари жараёнида мазкур технология ва усуллардан фойдаланишнинг назарий ва амалий ўзлаштирмоқда.

Кимё фани ўқитувчиларининг дарсларини таҳлил этиш билан биз шундай хулосага келдикки, ўқитишнинг анъанавий тизимида ишлаш билан шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиш мумкин ва зарур. Шахсий технологиялар ва замонавий усулларнинг ўзига хос хусусиятлари дарсда тўртта жиҳатда кўриб чиқилади:

- дарснинг ўзини ташкил этишда;
- ўқитувчининг ўқувчига ўзгача муносабатда, бунда ўқитувчининг ролда;
- ўқув фаолиятининг субъекти сифатида ўқувчининг шахсий ўзгача вазиятида;
- ўқув жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзига хос ўзаро муносабатнинг хусусиятида.

Қуйидаги 7-жадвалда берилган кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарс мисолида хар бир номи тилга олинган жиҳатни таҳлил қиламиз:

Дарснинг психологик-дидактик характеристикаси

7-жадвал

Шахсга йўналтирилган кимё фани дарснинг психологик-дидактик характеристикаси	Технологик кўрсаткичлар	Равшан ифода этилган	Суст ифода этилган	Дарсда йўқ
Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарснинг ташкилий-фаолиятли жиҳати				
Кимё фанини ўқитиш жараёнида шакллантирилган йўналтирилган дарсда ўқув вазифаларини қўйиш. (ахборот беришга эмас).	Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарсда ўқув вазифаларини қўйиш.	+		

7-жадвалнинг давоми

	Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарсда ўқув материалларини ўзлаштириш.	+		
	Ўқувчининг ўқув материалларини ўзлаштиришнинг самарали шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллари билан таништириш.			+
	Ўқувчиларни фаолият жараёнида назорат қилиш, ҳарakat ва натижаларни баҳолаш рефлексиясига ўқитиш.	+		
Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарснинг ривожлантирувчи потенциаллини таъминлаш.	Сюжетли-ролли ўйинлардан фойдаланиш.			+
	Муаммоли саволлар ва вазиятларни қўйиш ва ташкил этиш.	+		
	Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарсда ижодий характерга эга бўлган ўқув топшириқларининг кўпчилиги.		+	

Ўқувчиларнинг шахсий ривожланишини ўрганишга йўналтирилган таъхис топириқлардан фойдаланиш.	+		
Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарсда ноанъанавий шакллардан фойдаланиш.			+
Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарсда индивидуал ёндашувни амалга ошириш.			+
Ўқувчиларга ўз қобилиятини, мус-тақиллигини, эр-кинлигини, ташаб-бускорлигини, ҳамкорлик қоби-лиятини, имкони-ятларини, кизи-кишларини кўрса-тишга имкон бе-рувчи вазиятлар яратиш.	+		
Вариантларни таъминлаш.			+
Муваффақиятга эришиш вазиятини яратиш.		+	

Ўқувчиларнинг субъектли позицияси учун шароит яратиш			
Ўқувчиларнинг субъектли тажрибани бойитиш ва долзарблаштириш.	Ўқувчиларнинг олдинги йирилган билим ва қўник-маларига мурожаат этиш.	+	
	Ахлоқий вазиятни танлашни яратиш.	+	
	Билишга оид топ-шириқларни ечиш вариантларини излашда ўқувчилар тахминига эътибор қаратиш.		+
	Ҳиссий тажри-басини долзарб-лаштириш, қайғу-риш орқали билиш-ни ташкил этиш.	+	
Ўқув фаолиятида ўқувчиларнинг фаоллигини ривожлантириш.	Кимё фанидан шахсга йўналти-рилган дарсда тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш.	+	
	Ўқитувчи томони-дан қўйилган кимё фанига оид савол-ларга жавобларни мустақил излаш вазиятини яратиш.	+	
	Кимё фанидан шахсга йўналти-рилган дарс тўғри-сида ўқувчилар-нинг фикрини аниқлаш.	+	

Ўқувчилар саволларини рағбатлантириш, саволларни бериш имкониятларини таъминлаш.		+	
Кимё фани ўқув жараёнида мустақилликни, ташаббускорликни рағбатлантириш.		+	
Ўқитувчининг шахсга йўналтирилган вазиятини кўрсатиш			
Ўқувчилар шахсига ҳурмат муносабатларни кўрсатиш.	Ҳар бир ўқувчининг тақлифи, истаги таъмин қилиниши.	+	
	Ўқитувчининг алоҳида ўқувчиларга ҳолатини ҳисобга олиши ва унга ўз муносабатини билдириши.	+	
	Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарс жараёнида ҳар бир ўқувчининг иштироки ва муҳим фикрларига ўқитувчи томонидан урғу берилиши.	+	
Ўқитувчи томонидан янги педагогик функцияларнинг амалга оширилиши.	Ўқитувчининг эмоционал қўллаб-қувватлаш функцияси.	+	

Ўқитувчининг таълимий қисмати.	+		
Ўқитувчининг экспертиза, консултант, тавсия бериш функцияси.	+		
Кимё фани ўқув жараёнида иштирокчилар ўртасидаги ўзаро шахсий муносабатларни таъминлаш			
Ўқув ўзаро муносабат доирасида шерикчилик муносабатини ташкил этиш.	Муносабатнинг шакли устуңлиги.		+
	Ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш.	+	
	Танқидга қарама-қаршидан ўқувчилар томонидан ўз фикрларини эркин ва очиқ ифодалаш.	+	
Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарсда ижобий психологик муҳитни яратиш.	Ўқувчиларнинг ўз фикрларини танқидсиз эркин ва очиқ билдириши.	+	
	Ўқувчиларга ва уларнинг муаммоларига эътибор бериш.		+
	Ўқувчилар устидан ҳуқуқдор бўлмаслик.	+	
	Кимё фанидан шахсга йўналтирилган дарс доирасида ижобий эмоцияларни кучайтириш.	+	

Жадвалдан кўринадики, шахсга йўналтирилган кимё фани дарсининг психологик-дидактик характеристикалари ичидаги 36 та технологик кўрсаткичнинг 21 тасида дарсда равшан, 8 тасида суст ифода этилган, 7 тасида эса дарсда умуман йўқ. Бу камчиликларни бартараф этиш учун кимё фани ўқитувчиларига алоҳида кўрсатмалар берилди. Бугунги ахборотлар глобаллашуви жараёнида узлуksиз таълим тизимида, бунга ўхшаш муаммоларнинг ҳамда вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши асосан педагогларнинг касбий малакасига, фаоллигига, ўз устида мунтазам ишлашига боғлиқ бўлади.

4.2. Педагогик тажриба-синов натижаларининг таҳлили

Тажрибавий ўқитиш олиб борилган коллежларнинг тажриба-синов гуруҳларида ўтказилган шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида такомиллаштирилган кимё фанлари ўқитиш мазмунини ўқувчилар томонидан қанчалик даражада ўзлаштиришини аниқлаш учун юқорида айтилганидек, текширишнинг қуйидаги шаклларида фойдаландик:

- кимё фанларидан берилган шахсга йўналтирилган амалий саволларга ўқувчилар томонидан оғзаки жавоб олиш;
- кимё фанлари дарслари жараёнида, шахсга йўналтирилган янги материалларни баён қилишдан аввал гуруҳдаги барча ўқувчилардан кимёдан қисқа муддатли амалий ёзма иш олиш;
- кимё фанларидан бир соатлик дарсда шахсга йўналтирилган амалий ўқув материаллари асосида ёзма иш олиш;
- кимё фанларидан шахсга йўналтирилган амалий тажриба ва лаборатория ишларини бажариш жараёнини кузатиб бориш;
- кимё фанларидан шахсга йўналтирилган амалий ўқув материаллари ўрганишда, ўқувчиларнинг олган билимлари бўйича ёзган рефератларни текшириб бориш;
- кимё фанларидан шахсга йўналтирилган амалий ўқув материаллари бўйича ўтказилган ўқув сайрида, ўқувчилар кўрган, олган маълумотларини тартибга келтириш учун оғзаки савол-жавоблар ўтказиш ва уларнинг ўтказилган ўқув сайри бўйича ҳисобот ёзиш.

Тажриба-синов гуруҳларидаги ўқувчиларнинг кимё фанларидан шахсга йўналтирилган амалий ўқув материаллари бўйича

олган билимларини баҳолашда, коллежларда қабул қилинган тизимга асосан баҳолар мезонини қуйидагича аниқладик:

– ўқувчи ўтилган кимё фанларидан шахсга йўналтирилган амалий ўқув материаллари бўйича тўғри ва тўла тушунчага эга, ўқув материаллари бўйича олган билимларини амалда қўлланишини аниқ тасаввур қилиб, тушунтира олганда "5" (аъло) баҳо қўйилди;

– ўқувчи шахсга йўналтирилган амалий ўқув манбаларидан ўтилган мавзулар бўйича тушунчага эга. Лекин кимё фанларидан шахсга йўналтирилган амалий манбаларининг турмушда қўлланишини тўлиқ билмас, умумий жавоблар билан чегараланиб қолса "4" (тўрт) баҳо қўйилди;

– ўқувчи ўрганилаётган кимё фанларидан шахсга йўналтирилган амалий ўқув материаллари юзасидан бирмунча тушунчага эга бўлиб, қўйилган масаланинг кимёвий моҳиятини амалий мисоллар асосида тушунтира олмаса "3" (уч) баҳо қўйилди;

– ўқувчи кимё фанларидан шахсга йўналтирилган амалий ўқув манбалари асосида ўтилган мавзу бўйича деярли тушунчага эга бўлмас, кимёвий қонун ва ҳодисаларни амалий ўқув материаллари асосида ҳам тушунтириб бера олмаса, "2" (икки) баҳо қўйилди.

Ўқувчиларнинг кимё фанларидан шахсга йўналтирилган амалий ўқув материаллари бўйича билимларини ёзма иш йўли билан текширишда ҳам юқорида таъкидланган баҳолар мезонига амал қилдик. Педагогик тажриба-синов ўтказиш даврида шахсга йўналтирилган амалий ўқув манбаларини баён қилингандан кейин, ўқувчиларнинг бундай ўқув манбаларини қандай ўзлаштирганликларини ва бу манбаларни амалда татбиқ қилишларини синаш мақсадида қуйидагича саволлар тизимини туздик. Ўтказилган педагогик тажриба-синов натижалари ва шу каби саволлар асосида кузатилди ҳамда назорат гуруҳидаги натижалар билан солиштирилди.

Қуйида кимё фанларидан шахсга йўналтирилган амалий ўқув манбалари бўйича ўқувчиларга берилган саволлардан баъзиларини келтирамиз:

1. Қишда ёккан қор қалин бўлса, кузда сепилган дон экинларини совуқ уриш хавфи шунча камаяди. Бунинг сабабини тушунтириб бериш?

2. Газсимон аммиак суюк, азот билан ўзаро таъсир эттирилганда аммиак дастлаб суюк, сўнгра эса каттик ҳолатга ўтади. Бунга нима билан боғлиқ?
3. Қандай кўп-қўшқунлар реакциядан кейин каттик ҳолатга хосил бўлади, бу қўшқун нима деб аталади?
4. Нима учун водороднинг валентлиги бирга тенглигини изохлаб беринг.
5. Қўшқунча ўсимликлар нимадан зарарланади? Уни қандай қўшқунлар учун тупроқни нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?
6. Табиат ва ҳасталикни олдини олиш амалиётида ичимлик суви, саноат чиқинди сувлари, тупроқ, озик-овқат маҳсулотлари ва бошқаларнинг таркибини микдорий аниқлаш мумкин. Уларни аниқлашда қандай усулларни кенг қўллаш мумкин?
7. Водород эркин ҳолда табиатда учрамайди, у асосан қаерларда кўп учрайди?
8. Арзон электр энергияси бор жойларда сувни таркибий қисмларга парчалаб, ундан водород олиш иқтисодий жиҳатдан маъқул. Нима ёрдамида сувни таркибий қисмларга парчалаш мумкин?
9. Денгиз сувида 4% гача ҳар хил эриган моддалар бўлади, буларнинг асосий қисмини нима ташкил этади?
10. Нима учун биз айрим сувларни минерал сувлар, деб атаемиз? Ўз фикрингизни билдиринг.
11. Дондор ўғитларнинг куқунсимон ўғитларга нисбатан анча афзалликлари бор. Улар қайсылар?
12. Тупроқда нима етишмаса, ҳосил ва ўсимликларнинг ноқулай шароитга чидамлиги сезиларли даражада пасаяди?
13. Ер юзиде учрайдиган элементларнинг энг кўп тарқалгани қайси элемент?
14. Металлургия саноатида қайси элементнинг анча кўп миқдори сарфланади?
15. Олтингурутнинг энг катта конлари қайси давлатларда жойлашган?
16. Тиббиётда тери касалликларини даволашда қандай дорилар тайёрланади?
17. Қайси кислота органик моддалардан: шакар, қоз, ёғоч, толадан сув элементларини тартиб олиб, уларни кўмирга айлантиради?

18. Ичимлик сувини зарарсизлантириш, қоз массаларни оқартириш учун қайси элемент ишлатилади?
19. Томга ёпиладиган туноқа нима билан қопланади?
20. Нимани сувида совун яхши кўпиради, нимани сувида эса совун яхши кўпирмайди? Тушунтириб беринг.

Саволларга берилган жавобларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, тажриба-синов гуруҳларида қимё фанига қизиқувчи ўқувчилар сони, назорат гуруҳи ўқувчиларига нисбатан кўпчилиكنи ташкил этади.

Юқоридаги номлари зикр этилган коллежлардаги тажриба-синов гуруҳ ўқувчиларининг билимларини оғзаки ва ёзма таҳлил қилиш натижалари, уларнинг қўшимча манбаларни ҳар томонлама кенг, илмий равишда ўзлаштириб олганликларини кўрсатади. Уларда билимга қизиқиш асосида истақ, ўқув жараёнида завқланиш ва танланган дидактик манбаларни ўрганишга иштиёқлари кучаяди. Шу саволларни назорат гуруҳ ўқувчиларига бериб, жавобини тешириш билдирадигани, улар фақат баъзи саволларга умумий ҳолда қимёнинг амалий материаллари элементларини ва маҳаллий материаллар билан асосли, аниқ боғланмаган жавоб бердилар.

Шахсга йўналтирилган дарсни таҳлил қилишда қуйидаги саволларга жавоб топишга асосий эътибор қаратилди:

1. Ўқувчиларни шахсга йўналтирилган дарсга жалб этиш қанчалик тез ва одатдагидай бўлди, ишга ижобий эмоционал қайфият яратилдими, бунга қандай воситалар билан эришилди?
2. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш нималарда намоён бўлди?
3. Янги манбани ўрганиш бўйича шахсга йўналтирилган дарс қисмини муаммолантириш қандай ўтказилди?
4. Ўқув вазифаларини ечиш учун ўқувчиларга ўз фикрларини билдириши учун имконият берилдими?
5. Қандай фаолият турлари асосида кейинги ўқув вазифаларини ечиш олиб борилди? Уларнинг қайси бири ўқувчилар диққатини ўзига тортди ва шахсга йўналтирилган дарснинг қайси жойларида бу диққат пасайди ва нима учун?
6. Ўқувчи билимининг тизимлигига ўқитувчи қандай эришди? Шахсга йўналтирилган дарснинг асосий мазмунни ажратилдими, бу қандай амалга оширилди? Ўқув вазифаларини ечишнинг ғоялари, қонуниятлари, методлари, усуллари ажратиб кўрсатилдими?

**Кимё фани ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган
дарсларини таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида олинган
маълумотлар**

8-жадвал

Саволлар рақами	Олинган жавоблар	Фоизда (%)
1.	Ўқувчиларни шахсга йўналтирилган дарсга жалб этиш, ишга ижобий эмоционал кайфиятни яратиш.	40
2.	Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.	35
3.	Янги материални ўрганиш бўйича шахсга йўналтирилган дарс қисмини муаммолаштириш.	42
4.	Ўқув вазифаларини ечишда ўқувчиларга ўз фикрларини билдириши учун имконият бериш.	33
5.	Фаолият турлари асосида кейинги ўқув вазифаларини ечиш, уларнинг ўқувчилар диққатини ўзига тортиши, шахсга йўналтирилган дарсда диққатнинг пасайиши.	54
6.	Ўқувчи билимининг тизимлигига ўқитувчининг эришганлиги, шахсга йўналтирилган дарснинг асосий мазмунни ажратилгани, амалга оширилиши, ўқув вазифаларини ечишнинг ғоялари, қонуниятлари, методлари, усуллари ажратиб кўрсатилиши.	48
7.	Шахсга йўналтирилган дарсда аниқ ва ноаниқликларнинг нисбати, тушуниш ва зерикмаслик тамойилининг амалга оширилиши, ўқув вазифаларини ечишда ўқувчининг шахсий тажрибасига таянилгани.	53
8.	Ўқитувчининг тушунтириши.	75
9.	Ўқитувчининг тушунтиришига ўқувчиларнинг қизиқиши, шахсга йўналтирилган дарс давомида ўқитувчининг бу ҳолатдан фойдаланиши, ўқувчилар мустақил фикр юритишлари рағбатлантирилиши.	56

7. Шахсга йўналтирилган дарсда аниқ ва ноаниқликларнинг нисбати қандай? Тушуниш ва зерикмаслик ҳолати амалга оширилдими? Ўқув вазифаларини ечишда ўқувчининг шахсий тажрибасига таянилдими?

8. Ўқитувчининг тушунтириши: нутқ эмоционаллиги, интонациянинг алмашиб туриши, нутқ шаклларида янгилиги, дарс темпи, ўзининг индивидуал хусусиятларидан фойдаланиши қандай?

9. Ўқитувчининг тушунтиришига ўқувчиларнинг қизиқишлари қандай? Шахсга йўналтирилган дарс давомида ўқитувчи бу ҳолатлардан қандай фойдаланди? Ўқувчиларнинг ҳаракати ва мустақил фикр юритишлари рағбатлантирилдими?

10. Шахсга йўналтирилган дарсда ўқитувчи қандай кўргазмалардан фойдаланди? Доскани безаш тўғрисида нима дейиш мумкин?

11. Ўқув вазифаларини ечишнинг турли усуллари ўқитувчи таккослаш, ўқитилган фойдаланиб, ўқувчиларда қандай қизиқиш уйғотди, ўртоқлари жавобларини таҳлил қилишга ўқувчилар жалб этилдими?

12. Ўқув манбаларини мустаҳкамлаш шакли ўқувчилар диққатини ўзига тортидими? Ўқитилган манбаларини тизимлаштириш қандай шаклда амалга оширилди, уни мустақил қайта ишлаш рағбатлантирилдими?

13. Шахсга йўналтирилган дарсда фақат ўқувчилар жавобларининг тўғрилиги эмас, балки у қандай фикр юритганлиги, қандай усулдан фойдаланганлиги, қаерда қийинчилик туғилганлиги ва унинг сабаби ҳамда жавобларнинг аслиги баҳоландими?

14. Вазифалар манбанинг тип, тури ва шакли бўйича турличами (оғзаки, график, шартли-символик)?

15. Уй вазифалари турли даражаларда, уларнинг қайси бири муаммолар, ижодий, бу вазифалар бўйича ўқитувчи қандай тушунтиришларни берди? Ўқувчиларга уй вазифаларининг самарали бажаришлари тушунтирилдими?

Кимё фани ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган дарсларини таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида қуйидаги маълумотлар олинди (8-жадвал):

10.	Шахсга йўналтирилган дарсда ўқитувчининг кўргазмалари манбалардан фойдаланиши, доскани безаши.	50
11.	Ўқув вазибаларини ечишда ўқитувчининг таккослай билиши, ўхшашликдан фойдаланишига ўқувчиларда кизиқиш уйғотиши, ўртоқлари жавобларини тахлил қилишга ўқувчиларнинг жалб этилиши.	53
12.	Ўқув манбасини мустахкамлаш шаклининг ўқувчилар диққатини ўзига тортиши, ўтилган манбани тизимлаштиришнинг амалга оширилиши.	47
13.	Шахсга йўналтирилган дарсда ўқувчиларнинг фикр юритиши, қийинчилик туғилганлиги ва уларнинг сабаблари ҳамда жавобларнинг нисбий баҳолалиши.	55
14.	Вазифаларнинг тури ва шакли бўйича турличалиги (оғзаки, график, шартли-символик).	52
15.	Уй вазифалари турлари, уларнинг муаммолари ва ижодийлиги, бу вазифалар бўйича ўқитувчининг тушунтиришлари.	65

Ушбу жадвалдан кўринадики, кимё фани ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган дарсларга тайёргарлик кўришларида, уларни ташкил этиш ва ўтказишларида хали кўп тушунмовчиликлар, қийинчиликлар борлиги маълум бўлди. Бу, ўз навбатида, уларнинг ўз устларида мунтазам ишлашлари, касбий ва педагогик фаолиятларини ривожлантириш, кўпроқ изланиш. Тадқиқот ишларини олиб бориш кабилар кераклигини таъқозо этади.

4.3. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси

Муаммонинг психологик, педагогик ва ижтимоий хусусиятлари моҳиятини тахлил этиш, шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб, кимё фанларини

ўқитиш мазмунини такомиллаштириш асосий вазифа сифатида белгиланди ва тадқиқот доирасида педагогик тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Тажриба-синов ишлари 2014-2017 йиллар мабойнида ўтказилди. Бунда 5 та касб-хунар коллежи танланиб, тажриба ва назорат гуруҳлари (хар бирдан 50 тадан, жами 250 та ўқувчи) белгиланди. Педагогик тажриба-синов ишлари қуйидаги 4 та босқичда амалга оширилди:

- ташхис ва башорат қилиш;
- ташкилий-тайёргарлик;
- амалий;
- умумлаштирувчи.

Тажриба-синовнинг биринчи ташхис ва башорат қилиш босқичида (2015-2016 йиллар) кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қиладиган дидактик тадбирларнинг лойиҳаси тайёрланди, тажриба-синов ҳамда шахсга йўналтирилган ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилиб, унда тажриба-синов мақсади ҳамда вазифалари ва объектлари белгиланди.

Кимё фанлари мавзуларини мустақил ўрганишда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан самарали фойдаланиш мумкин бўлган бўлим ва мавзулар аниқланди, олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ҳамда мазкур соҳага тегишли илмий манбалар тахлил қилинди. Ўқитувчиларга тажриба-синов ишларини олиб боришдан кўзланган мақсад, педагогик вазифалар, махсус методика мазмунинида ифодаланган тадбирларнинг ўтказилиш тартиби, тажриба-синов ишларида ўқитувчиларнинг тутган ўрни ҳақида асосий маълумотлар берилди, тажриба-синовга муносабатлари ўрганилди. Касб-хунар коллежларида кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус методика кўрсатиб ўтилган таълим муассасаларида муҳокамадан ўтказилди.

Тажриба-синов майдони сифатида белгиланган касб-хунар коллежларида тадқиқотчи ҳамда кимё фани ўқитувчилари орасидаги ижодий ҳамкорлик асосида шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида ўқитиш жараёни учун тайёрланган лойиҳалар бўйича фаолият ташкил этилди, хар бир машғулоти, моҳияти, самарадорлиги юзасидан маълум шахсларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди, кузатувчилар томонидан ташкил этилган машғулотларга баҳо берилди, натижалар умумлаштирилди.

Тажриба-синов ишининг бу босқичи, тадқиқот ишининг касб-хунар коллежларидаги ҳолатини ўрганиш, кимё фанларини ўқитиш мазмунини таҳлил этиш, шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида ўқувчиларнинг кимё фанидан мустақил олган билимлари, ижодий қобилияти, малака ва кўникмаларининг ўзгарганлик ҳамда ўсганлик даражасини аниқлашдан иборат бўлди. Дастлаб, ўқувчиларнинг кимё фани машғулотларини мустақил бажаришдаги фаолияти ўрганилди ҳамда шахсга йўналтирилган ўқитиш манбаларини ўрганишда муаммоли, лойиҳалаш ва эвристик ўқитиш технологияларидан фойдаланилди.

Танлаб олинган касб-хунар коллежларининг биринчи босқич гуруҳларида, кимё фани машғулотлари кузатилди, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси текширилди. Улар билан суҳбат, сўровнома, савол-жавоб ва ўқувчилар фикрлаш, ижодий қобилиятини ривожлантирувчи тест топшириқлари синовлари ўтказилди. Олинган натижалар, ўқувчиларнинг кимё фанидан шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида тузилган топшириқ ва вазифаларни мустақил ўзлаштиришлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатди.

Кимё фанидан шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланишдан хабардор эмаслиги, унинг талабларига кўникиш қийин кечиши, керакли маълумотларни манбалардан излаб топиш, таҳлил этиш, энг зарурларини ажратиб олиш, тартибга солиш, ўз фикрларини аниқ ифодалаш, тўғри баҳолаш, улар учун катта муаммо эканлиги, турли топшириқ, вазифаларни мустақил еча олиш тажрибасига асосланган касбий малака ва кўникмаларга етарли даражада эга эмаслиги, керакли ўқув-услубий мажмуалардан фойдалана олмасликлари аниқланди ҳамда тажриба-синов ишлари давомида бартараф этишга эътибор қаратилди.

Амалга оширилган тажриба-синов ишларнинг мақсади замонавий босқичда кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва усулларини амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитларини ишлаб чиқиш, асослаб бериш ва синовдан ўтказишдан иборат бўлди. Тажриба-синов ишининг объекти сифатида замонавий шароитларда касб-хунар коллежларида кимё фанларини

ўқитиш жараёни белгиланди ва турли ҳудудлардан тажриба-синов майдончалари танланди.

Уни белгилашда қуйидагилар асосий мезон сифатида олинди:

- тажриба-синов майдончаларининг турли ҳудудлардан танланганлиги;

- тажриба ҳамда назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг сони ва малака тоифалари бир-бирига яқинлиги;

- тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчилар умумий фаолиятининг бир-бирига мослиги.

Мазкур босқич тажриба-синов ишларида асосан кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, коллеж ўқувчиларини кимёдан ўқитиш ҳолатини ўрганиш ва унда шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллардан фойдаланиш қай даражада амалга оширилаётганлигини аниқлашдан иборат бўлиб, қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, кимёдан ўқитиш ҳолати билан танишиш ва таҳлил этиш;

- ўқув дустур ва режалари ҳамда уларга қўйилган Давлат талаблари билан танишиш ҳамда таҳлилни йўлга қўйиш;

- ўқувчиларни ўқитиш жараёнида замонавий технологиялар ва усуллардан фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- компьютер технологияларидан қай даражада фойдалана олиш даражасини ўрганиш ва таҳлил этиш;

- ўқувчиларнинг кимё фанларидан тайёргарлигини аниқлаш.

Тажриба-синовнинг ушбу босқичини амалга оширишда қуйидаги методлардан фойдаланилди:

- тадқиқот муаммоси бўйича ўқув методик қўлланмаларни таҳлил қилиш;

- дарс жараёнини кузатиш;

- ўқитувчи ва ўқувчилар орасида анкета савол-жавобларини ўтказиш;

- ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш;

- илгор педагогик тажрибаларни ўрганиш.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- ўқувчилар учун ўқув-методик таъминотни яратиш;

- ишлаб чиқилган ўқув-методик манбаларнинг сифатини баҳолаш;

– ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

Тажриба-синов ишининг ташкилий-тайёргарлик босқичи (2015-2016 йилларда) тадқиқот ишимизнинг мақсадига мос равишда қуйидаги ишлар амалга оширилди: тажриба-синов ишти-рокчилари таркиби аниқланди, методик ва ташкилий таъминоти ишлаб чиқилди, мазкур тажриба-синов ишининг мақсади, вазифаси ва қўланаётган натижалар шакллантирилди, тажриба-синов ишларининг объектлари аниқланди, натижаларни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари белгиланди, метод ва воситалари танланди, тажрибавий дастур ишлаб чиқилди. Тадқиқот давомида кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган ўқувчиларнинг кимё фанини мустақил ўрганиш бўйича шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларнинг самарадорлиги синаб кўрилди ва касб-хуна-р коллежлари амалиётига татбиқ этилди.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган услубий ишланмалар, тавсиялар самарадорлигини текшириш, солиштириш, умумлаш-тириш ишлари шахсан тадқиқотчи томонидан олиб борилди. Ўқувчилар учун мустақил ишни шахсга йўналтирилган техноло-гиялар ва замонавий усуллар асосида ташкил этиш дастурлари ишлаб чиқилди. Бунда кимё фанида ўтиладиган ҳар бир мавзу бўйича ўқувчилар билиши муҳим бўлган билим ва малакалар мазмунини, мазкур технология ва усуллардан фойдаланган ҳолда қисқача баён этилиб, мустақил эгаллаш бўйича ўқувчиларга услубий йўланма, мавзулар бўйича ўқувчилар эгаллаши керак бўлган малака ва кўникмаларни, ижодий фикрлаш қobiliяти, касбий маҳоратини ривожлантирувчи топшириқ турлари берилди.

Амалий тренинглار ёрдамида, мустақил фикрлаш, эркин танлаш, ташаббускорлик, ижодий қobiliят кўникмаларининг шаклланганлик даражалари, амалий фаолиятда намоён бўлиш ҳолатлари кузатилди. Мазкур педагогик тажриба-синов ишининг асосий мақсадларидан бири тадқиқотларимиз жараёнида шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар, мустақил ўрганишга белгиланган талаблар асосида ишларни ташкил этиш, ишлаб чиқилган дастури ва шахсга йўналтирилган ўқув манба-ларини муаммоли, лойиҳалаш ва эвристик ўқитиш техноло-гия-ларидан ва замонавий усуллардан фойдаланиш бўлиб, тажриба-синов жараёнида қуйидаги масалалар ижобий ҳал этилди:

– кимё фанларини мустақил ўрганишда шахсга йўнал-тирилган технологиялар ва замонавий усуллардан мақсадли фойда-ланиш;

– кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда ўқувчилар мустақил ўрганишлари учун энг қулай ва самарали бўлган шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни аниқлаш;

– самарадор шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни амалиётга татбиқ этиш, самарадорлигини тасдиқлаш, билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Мазкур босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

– тажриба-синовнинг ташхис ва башорат қилиш босқичи натижалари илмий асосланди;

– кимё фанидан ўқувчиларни ўқитишнинг шахсга йўналти-рилган ўқув дастури ишлаб чиқилди;

– шахсга йўналтирилган ўқув манбалари, уларни ўзлаштириш учун турли топшириқлар, назорат тестлари ишлаб чиқилди;

– ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган ўқув манбалар билан ишлаш, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрланди.

Шундай қилиб, ушбу босқичда шахсга йўналтирилган ўқув дастури ва ўқув-методик манбалари яратилди ҳамда коллежларга тарқатилди. Уларнинг сифат даражасини ва қанчалик даражада ўқувчиларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида, амалиётда тажриба-синовдан ўтказиш назарда тутилди ва тажриба-синов майдончаси сифатида Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари коллежлари танлаб олинди. Уларга тегишли кўрсатмалар берилди ва бу бўйича ўқув машғулотлар ташкил этилди.

Тажриба-синов ишининг учинчи, амалий босқичи (2016-2017 ўқув йили)да кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомил-лаштиришни шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида ташкил этиш, ишлаб чиқилган дастур ҳамда муаммоли, лойиҳалаш ва эвристик ўқитиш технологиялари ва замонавий усулларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

– кимё фанларини мустақил ўрганиш жараёнида мавзуларнинг аҳамияти;

– унда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга мос келиши;

– мазкур мавзулар йўналишидаги илмий-методик адабиётларнинг етишмаслигини инобатга олинганлиги;
– дастурда мавзулар мазмуни ёритилиши;
– уларнинг амалиётга боғлиқлиги;
– янгиликларни татбиқ этиш, тажрибаларни бойитишни инобатга олиниши кўрсаткичлар асосида баҳоланганлиги.

Бу босқичда тажриба-синов ишларининг мақсади, кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришни, шу орқали ўқувчиларнинг кимё фанларни мустақил ўрганишларини шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида ташкил этиш орқали мустақиллик, ташаббускорлик, эркин фикрлаш, ижодий қобилият ҳамда малака ҳамда кўникмаларида ўсиш-ўзгариши кузатилди, ўқувчиларнинг машғулотларда олган билимларини назарий асослаш ва амалда қўллай олиш кўникмалари ошганлиги тасдиқланди. Кимёдан ўрганилаётган мавзулар бўйича топшириқларнинг мазмуни тўла баён қилинган режа ва матнлар тузилди, услубий қўлланма чоп этирилди, мавзуларни баён этишда шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллар элементларидан фойдаланиш бўйича дидактик материаллар ҳамда ҳар бир машғулот учун услубий кўрсатмалар, ишланмалар тайёрланди.

Тажриба-синов жараёнини амалга ошириш учун танлаб олинган майдончаларда, ўқувчилардан бошланғич назорат олинди. Ўқув манбалари шахсга йўналтирилган технологиялар (муаммоли, лойиҳалаш, эвристик) асосида мустақил ўрганиш учун тарқатилди.

Ўқувчилар белгиланган жадвал асосида топшириқларни бажариб боришди ва бажарилган топшириқлар компьютер томонидан автоматик тарзда ва ўқитувчи томонидан баҳоланиб борилди. Ўқув манбалари мазмуни ва топшириқлар бўйича ўқувчиларда қийинчилик туғдирган саволлар ва тушунчаларига ўқитувчилар томонидан маслаҳатлар бериб борилди.

Ишлаб чиқилган шахсга йўналтирилган ўқув-методик манбаларнинг сифатини, мазмунини, илмий, методик ва дидактик *жаҳатдан мувофиқлигини текшириш мақсадида сўровномалар ўтказилди*. Сўровномаларда ўқув-методик манбаларни мустақил ўрганиш жараёнидаги муаммолар ва ижобий жиҳатлар тўғрисида

саволлар келтирилган ҳамда ўқувчиларнинг таклиф-мулоҳазалари сўралди.

Жумладан:

– ўқувчиларнинг ўқитиш шахсга йўналтирилган технологиялари ва замонавий усулларидан фойдаланиш ва уларни қўллай олиш бўйича тайёргарликларини аниқлаш юзасидан сўровномалар;
– шахсга йўналтирилган ўқув манбаларининг илмий, методик ва дидактик жиҳатдан мувофиқлигини аниқлаш юзасидан сўровномалар;

– юқоридаги ўтказилган сўровномаларда билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида шахсга йўналтирилган ўқув манбаларини қайта қараб чиқиш, такомиллаштириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ишлаб чиқилган услубий ишланмаларда:

– кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш орқали ўқувчиларнинг кимё фанларини мустақил ўрганишида шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг ижодий қобилият, касбий маҳорат кўникмаларининг ўсиш ва ўзгаришга эътибор қаратилиши;

– ўқувчиларнинг кимёдан муаммоли топшириқларни мустақил ҳолда бажариш учун мазкур технология ва усуллар асосида яратилган мустақил ўрганиш шакллари пухта эгаллаш, бажариш бўйича услубий тавсияларнинг берилиши;

– ўқувчилар мустақил ишларни бажаришда қўшимча равишда фойдаланиш учун услубий қўлланмаларнинг тавсия этилиши инобатга олинди.

Бу касб-ҳунар коллежларида кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш асосида, ўқувчиларнинг кимё фанларини мустақил ўрганишларини шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида ташкил этиш бўйича таклиф қилинган йўллар самарадорлигини баҳолаш имконини берди. Мустақил ишларнинг мазкур йўллари ўқувчиларда кимё фанлари бўйича мустақил ўрганиладиган боблар, бўлимларнинг аҳамиятини англаш, ўқувчиларни мустақиллик, ташаббускорлик, эркинлик фаолиятлари билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш, ижодий характердаги топшириқ ва масалаларни ечиш, тажриба синов-хоналарида амалиётни бажариш машғулотларда фаол иштирок этиш, мустақил ўрганиладиган манбаларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш,

маълумотларни тўplash, таклифлар киритиш малака ва кўникмаларни ривожлантиришни таъминлай олишни текшириб кўришдан иборат бўлди.

Тажриба-синов ишлари давомида, кимё фанларини ўқитиш мазмунини очиқ берувчи маълумотлар, олинган натижалар:

- ўқувчиларнинг мустақил билим даражасининг ошганлигини;
- шахсга йўналтирилган асосий тушунча, қонун-қоида ҳамда иш ҳаракат таркиби услубларини билиши;
- расм, графикларни оғзаки талқин қилиши, математик ифодадай олиши;
- олган билимларни амалиётда қўллаши;
- боғланишларни таҳлил қила олиши;
- ҳулосаларнинг берилган катталикларга мослигини баҳолаши;

- тажриба ўтказиш режасини тузиши;
- бошқа фанларга оид билимлардан фойдаланиши;
- мустақил ва ўз нуқтаи назарини эркин ифодадай олиши;
- вақтдан унумли фойдалана олиши хислатларнинг шаклланишини кўрсатиши.

Тажриба натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар ўқувчилар ўртасида ташкил этилган сўровлар, тестлар, мустақил ижодий ишларни таҳлил этиш асосида ҳосил қилинди. Шаклланганлик даражасини аниқлашга доир тестлар бўйича ўқувчиларнинг жавобларини таҳлил этиш ва умумлаштиришда баҳоли тизимдан фойдаланилди.

Тажриба-синовда иштирокчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳамда сўровномалар бўйича таҳлил натижалари, кимё фанларини ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва шахсга йўналтирилган ўқув-методик материалларини такомиллаштириш кераклигини кўрсатди.

Тажриба-синов охирида кимё фани ўқув манбалари мазмунини ҳамда ўқув режаси ва дастурининг тузилиши кабилар таҳлил қилинди ва аниқланган камчиликлар бартараф этилди. *Шахсга йўналтирилган ўқув-методик манбалари 2016-2017 йиллар давомида амалиётга жорий этилди.*

Тажриба-синовнинг амалий босқичининг иккинчи поғонасида шахсга йўналтирилган ўқув-методик манбалар асосида кимё фанидан ўқувчиларни ўқитиш самардорлигини аниқлашдан иборат бўлди. Бунда педагогик тажриба-синовнинг кўп тарқалган шакли,

назорат ва тажриба гуруҳларида ўтказиладиган натижаларини ўзаро таққослаб ўрганиш усулидан фойдаланилди. Тажриба-синов майдончилирида ташкил этилган назорат ва тажриба-синов гуруҳлари белгиланди. Бунда ўқувчиларни ўқитиш анъанавий ва замонавий орасидаги ҳисобатан мазмун жиҳатдан самардорлигини аниқлаш нишонини қўйилди ҳамда ўқитиш жараёнида кимёдан эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш мақсадида назорат ҳамда тажриба-синов гуруҳлари ўқувчилар орасида сўровнома ўтказилди (9-жадвал).

Коллеж ўқувчиларини ўқитиш самардорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган сўровномалар натижалари
9-жадвал

№	Саволлар	Ҳа	Йўқ	Қисман
1	Шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллар Сизнинг ўқув эҳтиёжингизни қондирдими?	92	2	14
2	Шахсга йўналтирилган ўқитиш, Сизнинг билимларингизни тизимга солишга ёрдам бердими?	86	5	17
3	Шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллар билим, малака, кўникмаларини эгаллашингиз учун мустақил шуғулланишингизни тақозо этдими?	108	0	0
4	Шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усулларни ташкил этиш шакли ва тартиби Сизга қулай бўлди?	88	7	13
5	Шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усулларнинг ўқув манбалари мазмун жиҳатдан Сизни тўлиқ қаноатлантирдими?	98	3	7
6	Шахсга йўналтирилган ўқитиш ўқув манбаларидан қандай фойдаланиш кераклиги етарлича тушунтирилганми?	98	0	10
7	Шахсга йўналтирилган ўқитиш ўқув манбаларидан фойдаланишда шартли белгиларнинг фойдаси теғдими?	87	4	17

9-жадвалнинг давоми

8	Кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга ва ўзлаштиришга, ўқув материалларидаги машқ, топшириқлар, тестларни бажариш ёрдам бердими?	108	0	0
9	Шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллардан кимё дarsi жараёнида фойдаланиш малакасини етарли даражада егалладингизми?	86	5	17
10	Шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллардан фойдаланиш жараёнида кимёдан масалаларни компьютерда ечиш методикасини етарлича ўргандингизми?	103	2	3
11	Ҳозирги кунгача таълим тизимимизда шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллардан фойдаланиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари ҳақида маълумотларга эгамисиз?	108	0	0
12	Сиз яна қандай шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллардан фойдаланиб ўқишни хоҳлар эдингиз?	90	12	2

Мазкур сўровномаларда ўқитиш мазмуни, ташкил этиш жараёни ҳақида фикр-мулоҳазалари сўралган. Ўқувчиларнинг 90 фоизи "Сиз яна қандай шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллардан фойдаланиб ўқишни хоҳлар эдингиз?" - деган саволга аънанавийга нисбатан замонавий ўқишни хоҳлашни таъкидлаган. Деярли 100 фоизи "Шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усуллар Сизнинг таълимий эҳтиёжингизни қондирдими?", "Шахсга йўналтирилган ўқитиш Сизнинг билимларингизни тизимга солишга ёрдам бердими?", "Шахсга йўналтирилган технология ва замонавий усулларнинг ўқув манбалари мазмун жиҳатдан Сизни тўлиқ қаноатлантирди?" саволларига ижобий жавобларини беришган. Сўровноманинг таҳлилларига асосланган ҳолда ижобий баҳоланди, деган хулосага келамиз. Бундан ташқари, олиб борилган илмий тадқиқот иши натижаларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида, белгиланган тажриба-синов майдончаларида тажриба-

синов ва назорат гуруҳларида икки гуруҳ ўртасидаги самарадорликни ўқувчиларини аниқлаш мақсадида, ўқувчиларнинг кириш ва чиқиб кетиш тестлари натижалари таҳлил қилинди (10-жадвал).

Тажриба-синов ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

10-жадвал

Ўқувчиларнинг мазонлари	Назорат гуруҳи	Тажриба-синов гуруҳи
Аъло (5)	41	65
Яхши (4)	47	36
Қониқарли (3)	23	7
Жами:	111	108

Кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда илмий йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланишда, савол ва топшириқлардан иборат, тарқатма мавзулар берилиб, маъруза матнлари ва адабиётлар билан таъминланди, амалий машғулотлар асосан ўқувчиларнинг ўзлари томонидан олиб борилишига ҳаракат қилинди.

Педагогик тажриба-синов ишининг мазкур босқичида ташкил этилган тадқиқотнинг асосий мақсади – ўқувчиларни мустақил фаолиятга тайёрлашдан иборат бўлиб, ташкил этилган таълим-тарбия жараёнининг натижаси, уларда зарурий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигини инобатга олган ҳолда, ҳар бир машғулотдан кейин, бу жараёни, илмий йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар, мавзуларни муаммоли, лойиҳалаш, эвристик технологиялар ва замонавий усуллар асосида ўқитиш самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба гуруҳи ўқувчилари ўртасида анкета сўровлари ва индивидуал суҳбатлар амалга оширилди. Машғулот якунида тест синовлари асосида якуний баҳолаш, яъни кимёдан ўқувчиларнинг ўқитишган тушунчалари, билим, кўникма ва малакалари даражасини ва шахсга йўналтирилган ўқитиш технология ҳамда усулларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида якуний тест синовлари ўтказилди (11-жадвал).

Амалга оширилган тест синовлари ўқувчилар томонидан мунафақиятли ўзлаштирилганлигини кўрсатди. Олинган нати-

жалар ҳисобланиб, ҳулосалар чиқарилди. Якуний назоратларда топширилган мустақил ишларнинг амалий аҳамиятини инобатга олувчи ҳамда ўқувчиларнинг фикрлаш, ижодий сифатларининг ортганлик даражасини баҳоловчи тест сўрови натижалари таҳлил қилинди (9, 10, 11 - жадваллар).

Кимёга оид махсус ишлаб чиқилган тестлар

11-жадвал

№	Вазифа	Тест топшириқлари шарти	Жавоблар
1.	Физик ва кимёвий ҳодисалар қандай таълимот асосида тушунирилишини аниқлаш.	Физик ва кимёвий ҳодисалар қандай таълимот асосида тушунирилади?	А. Атом-молекуляр таълимот. В. Шарль таълимоти. С. Авогадро таълимоти. Д. Кимёвий таълимот.
2	Берилган модданинг молекуляр ёки номулекулляр тузилганлигини унинг хоссаларига қараб олдиндан айтиб бериш.	Берилган модданинг молекуляр ёки номулекулляр тузилганлигини унинг қандай хоссаларига қараб олдиндан айтиб бериш мумкин?	А. Кимёвий. В. Биологик. С. Каттиклик. Д. Физик.
3	Фосфорнинг суюқланиш ҳароратини топиш.	Фосфорнинг суюқланиш ҳарорати қанча?	А. 40° С. В. 44° С. С. 52° С. Д. 33° С.
4	Сув молекуласи формуласини аниқлаш.	Сув молекуласи қайси формула билан ифодланади?	А. MgO. В. P ₂ O ₅ . С. H ₂ O. Д. KCl.
5	Моляр массанинг, нима билан ифодаланашини топиш.	Моляр масса нечта нолга тўғри келадиган граммлар билан ифодаланади?	А. 1 молга. В. 2 молга. С. 3 молга. Д. 4 молга.

11-жадвалнинг давоми

1860 йилда кимёнинг Карлсруэдаги халқаро съездида таълимоти умум томонидан таътироф этилганлигини аниқлаш.	1860 йилда кимёларнинг Карлсруэдаги халқаро съездида таълимоти умум томонидан таътироф этилганлигини аниқлаш.	Нормал шароитда 1 моль газнинг ҳажми нечага тенг?	А. 21,4 л. В. 22,4 л. С. 23,4 л. Д. 20,4 л.
Даврий конун кашф этилиши пайтида нечта кимёвий элемент маълумлигини аниқлаш.	Даврий конун кашф этилиши пайтида нечта кимёвий элемент маълумлигини аниқлаш.	Даврий конун кашф этилиши пайтида нечта кимёвий элемент маълумлигини аниқлаш.	А. 50 та. В. 45 та. С. 61 та. Д. 63 та.
Даврий системада горизонтал бўйича нечта давр бор?	Даврий системада горизонтал бўйича нечта давр бор?	Даврий системада горизонтал бўйича нечта давр бор?	А. 7 та. В. 8 та. С. 6 та. Д. 9 та.
Элементлар қайси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишини аниқлаш.	Элементлар қайси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади?	Элементлар қайси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади?	А. Оғирлиги. В. Атом массалари. С. Массаси. Д. Фарқ қилмайди.
Кимёвий боғланишларнинг йўналувчанлиги қандай булутларнинг фазода жойланишига боғлиқ?	Кимёвий боғланишларнинг йўналувчанлиги қандай булутларнинг фазода жойланишига боғлиқ?	Кимёвий боғланишларнинг йўналувчанлиги қандай булутларнинг фазода жойланишига боғлиқ?	А. Нейтрон. В. Гелий. С. Электрон. Д. Позитрон.
Водород атоми нечта электрондан иборатлигини аниқлаш.	Водород атоми нечта электрондан иборатлигини аниқлаш.	Водород атоми нечта электрондан иборатлигини аниқлаш.	А. 4 та. В. 2 та. С. 3 та. Д. 1 та.

Якуний тест сўрови умумий натижалари


12-жадвал

№	Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражаси			
			Аъло	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
1	Тажриба	125	53	50	22	-
2	Назорат	125	44	46	30	5

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларига кириш ва якуний синовларнинг натижалари келтирилган жадвалларга асосан таққослайдиган бўлсак, тажриба гуруҳининг ўзлаштириш кўрсаткичлари кириш тест синовлари натижаларига нисбатан, ортганлигини ҳамда назорат гуруҳининг ўзлаштириш кўрсаткичи ҳам ортганлигини кузатамиз.

Ўқувчиларнинг якуний тест топшириқларини ўзлаштириш динамикаси куйидаги 1-расмда келтирилган:

Ўқувчиларнинг якуний тест топшириқларини ўзлаштириш динамикаси



1-расм.

Демак, кимё фанига оид машғулотларда ўқувчи топшириқларни бажаришга ҳар томонлама ёндаша олса, шахсга

Ўқувчиларнинг технология ва замонавий усуллар самардорлиги аниқ ўқувчиларнинг топшириқларини бажариш ва якуний тестлари натижалари, ўқувчиларнинг кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг билим даражаси турлича бўлиб, ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳам ўзаро фарқ қилади. Кимё фанларидан ўқувчиларнинг мувофиқ билим олишларини ташкил этишда, уларнинг бошланғич билим даражасини ҳисобга олиш ва шунга кўпроқ эътибор қаратиш зарур бўлиб, бу мустақил билим олишни шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида ташкил этиш зарурлигини белгилайди.

Бундай тестларни бажаришда тажриба гуруҳидаги ўқувчиларда манбаини идрок этиш сезиларли даражада яхшиланди, чунки улар амалий аҳамиятга эга бўлган муайян мустақил ишларни билим билан шуғулландилар, бу ишлар бўлажак мутахассис меҳнат фаолиятини ҳисобга олган ҳолда танланди. Ўқувчиларнинг ишини қўлатиш ва уни бажаришга сарфланган вақт ўқувчиларнинг шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилганликларини кўрсатди.

Олинган тажриба-синов натижалари, кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни қўллаш ўқувчиларнинг амалий кўникма ва малакаларини сезиларли даражада эгаллашганлигини, энг асосийси кимё фанини мустақил ўрганиш фаолиятининг касбга, келажакка, янги техника ҳамда технологияларга бўлган қизиқишларининг ортганлигини кўрсатди. Ўтказилган тажрибалар кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда тақлиф этилаётган шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар ўқувчиларнинг ўз фикрини мустақил баён этиш, эркин танлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилият, ҳамкорлик ҳамда касбий маҳоратларининг ўсишига ижобий таъсир этади, деган фикрнинг тўғри эканлигини кўрсатди.

Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб ташкил этилган машғулотларда тажрибавий гуруҳлар ишини кузатиш, ўқувчиларда билиш фаолияти, ижодий мустақилликка интилиш, энг мақбул ечимларни топишга бўлган ҳаракатлари ортганлигини, мавзуларни ўрганишда, уларнинг нақтини тежабгина қолмай, балки билимларни пухта эгаллашига

ижобий таъсир кўрсатганлигини, мустақиллик, эркинлик, ташаббускорлик хислатларининг ўстанлигини амалда ибтотлади.

Бидирилган фикрлар, тадқиқот ишига тизимли ва мақсадга мувофиқ ёндашиш юқоридаги барча сифат ва хислатларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларнинг самарали кечишини таъминлади. Ушбу фикрни тажриба-синов ишларининг якуний натижалари, статистик таҳлили тасдиқлади.

Педагогик тажриба-синов ишларининг **тўртинчи умумлаштирувчи босқичи**да тажриба-синов ишларининг натижалари солиштирилди ва умумлаштирилди. Натижалар тажриба ҳамда назорат гуруҳларидан олинган кўрсаткичлар бўйича ўзаро таққосланди, математик-статистика (Стьюдент-Фишер критерийси) методи ёрдамида қайта ишланди. Эришилган якуний кўрсаткичларга таяниб, касб-хунар коллежларида кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар самарадорлигини оширишга имкон берадиган илмий-методик тавсиялар яратилди.

Тажриба-синов даврида олинган натижа ва хулосалар диссертация шаклида расмийлаштирилди. Тадқиқот ишида баён этилган мазкур технология ва усулларнинг кимё фанларини ўқитиш мазмунини мустақил ўрганишдаги асосий жиҳатлари қуйидагича умумлаштирилди: ўқувчиларнинг кимёдан мустақил фикрлаш, эркин танлаш, ташаббускорлик, мустақиллик, ҳамкорлик, ижодий қобилият, касбий маҳоратларини ривожлантиришда асосий омил хисобланувчи, машғулотларни шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида ташкил этиш йўллари ишлаб чиқилганлиги; машғулотларнинг мазмуни тажриба-синов ишлари натижалари ва хулосаларига таянган ҳолда, тақлиф этилаётган мазкур технология ва усуллардан ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди.

Тадқиқот доирасида амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижалари шундан далолат берадики, касб-хунар коллежларида кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар самарадорлигини оширишга йўналтирилган махсус методика асосида ташкил этилган машғулотларда, ўқувчилар томонидан кимёдан билимларни эгаллаш, қўникма ва малакаларнинг

шаклланиши учун қулай дидактик имкониятлар, педагогик шарт-шароитлар яратилган.

Натижалар, тақлиф этилган кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришнинг шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида амалга оширилиши, шунинг тарздагича нисбатан юқори самара беришини ибтотлади.

Олинган қийматлар тажриба гуруҳи ўқувчиларида мустақиллик, эркин танлаш, ташаббускорлик, ҳамкорлик, ўз фикрини эркин баён этиш, ижодий қобилиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ҳамда ўқувчиларнинг кимё фанларини ўқитиш мазмунини ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезони полдан катталигидан далолат беради. Бу ўқувчиларнинг кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришнинг шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида амалга ошириш, кимё фанларини ўқитиш мазмуни самарадорлигини оширди, деган, ғозларни илгари суришга олиб келди.

Якуний натижаларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ўқувчиларда: кимё фанларини ўқитиш мазмунини шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб такомиллаштириш кимё фанларини ўқитишда муаммоларнинг вужудга келиш сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш йўналишида зарурий билимлар шаклланди ва ривожланди. Кимёдан машғулотларга шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларни таъбиқ этиш тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамиятини ифодалайди.

Демак, кимё фанлари ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усулларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

Юқори босқичларда ўтказилган педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиб, биз қуйидаги хулосаларга келдик:

– коллежларда кимё фанларини ўқитиш мазмунини шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида такомиллаштириш орқали танланган ўқув манбаларининг мазмунини содда, тушунарли бўлишлигини таъминлай олдик;

– танланган кимё амалий ўқув манбаларининг мазмуни, ўқувчиларнинг педагогик-психологик ривожланиши билан мос тушди;

– кимёвий қонун ва ҳодисалар асосида амалий манбаларни ўрганиш вақтида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ривожланиб борди, уларнинг содир бўлишлиги ҳақида ўқувчилар тўғри тасаввурга эга бўлдилар;

– танланган кимё фанлари амалий ўқув манбаларини ўқитиш услубиёғи ўқувчиларнинг кимё фанидан дастур манбаларини ўзлаштиришларига ижобий таъсир этди;

– ўқувчилар кимё амалий ўқув манбаларини тушуниб, амалда қўриб боришлари натижасида, кимёни чуқур ўрганишга уларнинг қизиқишлари ортди ва кимё фанидан билимлари кенгайди, уларнинг илмий дунёқарашлари тўғри шаклланиб борди.

4.4. Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб, кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар

Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб, кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни қуйидагича асослаб бердик:

Жамиятни ривожлантириш, инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш жараёнларининг замонавий анъаналари, таълим мазмунини жиддий ўзгартиришни олдиндан белгилаб беради, таълим муассасаларида фанларни ўқитишнинг мақсади, тамойиллари, технологиялари, методлари ва шакллари ҳамда методиканинг янги йўналишини талаб этади. Улар бугунги кунда ўзгача ёндашувни танлаш, ёки ўқитиш жараёнини педагогик таъминлашни олдиндан белгилаб беради.

Жамият ҳаётининг демократик тенденцияларини кучайтириш сабабли, таълим тизими ўқувчилар шахсининг индивидуал ривожланиш хусусиятлари ва имкониятларини, уларнинг турли ҳаётий босқичларида ўз-ўзини намоён этиш шароитларини тадқиқ этишга асосий эътиборни қаратади. Бу ўқитувчининг ўқувчилар шахсига ҳамда ўзига алоҳида эътибор билан қарашини назарда тутаяди. Бунга мос ҳолда кейинги пайтларда методик концепция, чунончи, шахсга йўналтирилган ёндашув жорий қилинди.

